**А.Г.Муминов**

# Миллий сиёсат ва маданий соҳадаги ислоҳотлар

**«Akademiya»**
**Тошкент 2010**

***Илм – маърифатга етаклаган отам***
***Ғаффор Мўминовнинг порлоқ***
***хотирасига бағишлайман.***

## КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш, жумладан, ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиз сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий босқичга ўтар экан, тарихий тараққиётнинг ўзи сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий муносабатлар соҳасидаги кечаётган мураккаб жараёнларни чуқур илмий таҳлил этишни тақозо этмоқда.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Бу борадаги энг долзарб вазифамиз – ... барча жараёнларнинг илмий – назарий асосларини, уларнинг янги қирраларини мукаммал очиб бериш, ўқувчиларимиз, талабаларимизга, кенг жамоатчиликка содда, лўнда қилиб тушунтириб бориш ва уларни бугунги замон талабларига жавоб берадиган жамият қурилишининг фаол бунёдкорларига айлантиришдан иборат”[1].

Бундай вазифалардан келиб чиққан ҳолда, юртимизда жамиятимиз ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, маданий соҳаларини ислоҳ этишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат изчил, босқичма - босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон кўп миллатли, яъни сиёсий-этник давлат бўлгани учун ҳам мазкур жараён бу ўлкада яшаб келаётган барча миллат вакиллари манфаатларини ўзаро уйғунлаштириб, умуммиллий характер касб этади. Бинобарин, ўтмишда кенг ёйилган, синфий-партиявий тамойилларга қатъий амал қилиб, миллатларни яқинлаштириш ва қўшиб юборишга, уларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини йўқ қилишга қаратилган марксизм назарияси ва амалиёти Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсатнинг ғоявий асоси бўла олмасди, албатта. Зеро, эски миллий сиёсат инқирозга юз тутган марказ томонидан ишлаб чиқилгани туфайли у мажбурий тус касб этиб, барча соҳаларда, айниқса, маънавий - маданий соҳада миллий хусусиятларни йўқотиш, мустамлакачилик ва экспансияни оқлашга қаратилган эди. Бундан фарқли ўлароқ, мустақил Ўзбекистоннинг миллий сиёсати сифат жиҳатидан мутлақо янги назарий методологик негизга таянади. Унинг айрим жиҳатлари ва функционал белгилари ушбу ўлкада истиқомат қилиб келаётган халқлар ўртасида тинчлик, осойишталик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, бутун жамиятнинг ижтимоий яхлитлиги ва маънавий жипслигини сақлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурларида, энг аввало, мамлакат Конституциясида тўлақонли ифода этилган. Ўзбекистон ўз ривожланиш йўлида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширар экан, умуминсоний принципларни инкор этмаган ҳолда, айни вақтда, бошқа давлат ва миллатларга хос тараққиёт

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 124-125 бетлар.

моделларидан кўр-кўрона нусха кўчиришни ҳам тан олмайди. Зеро Президентимиз таъкидлаганидек : “Биз бошқа давлатларнинг ривожланиш жараёнида тўплаган ва республика шароитига татбиқ этса бўладиган барча ижобий тажрибалардан фойдаланиш имкониятларини истисно қилмаймиз. Айни чоғда, бирон бир андозадан, ҳатто у муайян мамлакатда ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, кўр-кўрона нусха кўчириш мутлақо номақбулдир. Шуниси аниқ-равшанки, муайян воситалар ва усуллар қайси мамлакат учун мўлжалланган бўлса, улар ўша мамлакатга хос алоҳида шароитдагина ижобий самара бериши мумкин”[1] Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий сиёсат негизида давлатнинг тараққиёт даражаси бу ерда яшаётган миллий ва этник гуруҳларнинг аҳволи билан белгиланиши ҳамда баҳоланиши, уларнинг миллий қадриятларига муносабати эса ушбу ўлка маҳаллий халқининг маънавий бойлиги, ахлоқий софлиги, маданий етуклиги ва инсонпарварлигининг ўзига хос мезони сифатида хизмат қилиши ифодаланган.

Мамлакатимизда ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган бозор муносабатлари тизимида юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва этник гуруҳ вакилларининг маънавий-ахлоқий ва маданий юксалишининг жадаллашувига хизмат қиладиган қадриятларни қарор топтириш ва узлуксиз такомиллаштириб бориш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бу жараён эса миллий ва умумбашарий қадриятларнинг уйғунлашуви, ватанпарварлик ва миллий ғурур, давлат ва ижтимоий-этник манфаатлар, фуқаро бурчи ва шахс масъулияти билан боғлиқ муаммоларни илмий-сиёсий жиҳатдан ўрганишни тақозо этади. Бу борада давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Энг муҳими, бугун одамларимизнинг дунёқараши, онгу шуури ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ўз Ватанидан ғурур ва ифтихори, келажакка ишончи кундан-кунга тобора ошиб бораётганини кўрмаслик, сезмаслик, англамаслик мумкин эмас”[2].

Таъкидлаш жоизки, Президентнинг бу эътирофи ҳозирги глобаллашув даврида соҳа мутахассисларига умумбашарий ҳамда миллий манфаатларга хизмат қилувчи мўътадил сиёсий концепцияларни назарий жиҳатдан асослаш масъулиятини юкламоқда. Жамиятда юз бераётган туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини англашга қаратилган сиёсий ёндашув маънавий-амалий воқеликнинг турли шакллари, масалан, ижтимоий-этник жараёнларни ўрганиш орқали объектив билим шаклланишида фаол иштирок этади.

Миллий сиёсат миллатлараро муносабатларни тартибга солиш ва уларни рўёбга чиқариш механизми сифатида тадқиқот предметига айланган вазиятда бир қатор илмий-сиёсий муаммолар юзага келади. Улар асосан баъзи муҳим сиёсий тушунчаларнинг концептуал даражада ишлаб

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: “Ўқитувчи”, 1998. - 87- 88 бетлар.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза (2009 йил 5 декабрь). – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 10-бет.

чиқилмагани билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол сиёсий феноменларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга тўсқинлик қилади. Шу маънода, миллат ва миллатлараро муносабатларга доир илмий концепциянинг назарий асослари ва амалий маъно-мазмунини ифодалайдиган категориал аппаратни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

130 дан ошиқ миллат ва элат вакиллари яшайдиган ҳамда кўп миллатли давлатлар қаторига кирадиган Ўзбекистон учун миллий муносабатларни такомиллаштириш масаласи, мамлакатда тинчлик, барқарорликни таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим ўрин тутгани сабабли давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бу борада давлатимиз раҳбари "...Ўз олдимизга қўйган эзгу мақсад-муддаоларга эришишда, барқарорликни таъминлаш ва мамлакатни янгилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларни жорий этишда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ... юртимизда миллатлар ва динлараро тинчлик–тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий ва аҳлоқий тарбияни кучайтириш, тарихий илдизларимизга, миллий ўзлигимизга қайтиш, аҳолининг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган"[1] ишлар муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаган эди. Бу ҳолат яна шу билан диққатга сазоворки, жамиятнинг этник кўпхиллиги миллатлараро муносабатлар соҳасида тегишли илмий–амалий билим ва кўникмаларни талаб қилади. Қолаверса, ҳозирги вақтда дунёдаги ҳар бир халқ, давлат, жамият, фуқаронинг бошқа миллат ва элат вакиллари билан муносабатдаги алоҳида масъулияти миллат хулқ–атворининг нормасига айланиб бормоқда.

Кундалик амалиёт миллатлараро жамиятни шакллантириш, айниқса, унинг барқарорлигини таъминлаш осон иш эмаслигини кўрсатмоқда. XX асрда ҳам XXI аср бошларида ҳам миллатлараро муаммоларнинг долзарблиги пасайгани йўқ. Аксинча, сайёрамизни янги жаҳон тартиботи шаклланаётган шароитда бу муаммолар баъзи минтақаларда янада кескин тус олди. Қолаверса, замонавий терроризм кишиларнинг миллий ҳиссиётларига таъсир этиб, турли ҳуружларни амалга оширишга интилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида собиқ иттифоқ минтақаларида ўнлаб миллатлараро низолар, терроризм кўринишида ҳам содир бўлганини кўриш мумкин. Айни чоғда айрим Ғарбий Европа давлатларида меҳнат миграциясининг фаоллашуви натижасида ёшларнинг миллатчилик ва экстремистик гуруҳларининг ҳатти – ҳаракатлари, бир томондан, ушбу мамлакатларда турли миллат вакиллари ўртасидаги муносабатларни чигаллаштирмоқда, иккинчи томондан эса, камчиликни ташкил этувчи миллат вакилларининг ижтимоий–маданий адаптацияси(мослашуви) ва интеграциялашувини қийинлаштирмоқда.

Бу жараёнллар миллатлараро муносабатлар соҳасидаги муаммоларнинг глобал тус олаётганини намоён қилиш билан бирга уларни жиддий тадқиқ

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 27-28-бетлар.

этиш ҳамда ҳал этишга гуманитар соҳа олимлари ва сиёсатчилар диққат–эътиборини қаратиш ғоят муҳим аҳамият касб этаётганини тасдиқлайди.

Бу ўринда сиёсий ва маданий-маънавий маконнинг демократиялашуви ҳамда глобаллашуви шароитида минтақамизда миллий масалани ҳал қилиш борасида илгари сурилган турли-туман назария ва концепциялар жиддий мушоҳада этилиши зарур. Хусусан, Евросиё, баъзи Марказий Осиё республикалари “Буюк Турон”, “Ягона Туркистон” ва бошқа шу каби концепцияларни ўз миллий сиёсатининг фундаментал асоси сифатида илгари сураётгани сир эмас. Бундай ёндашувлар давлатимизнинг маданий-маънавий инфратузилмани қайта қуриш, мамлакат ақлий салоҳиятини юксалтиришга қаратилганислоҳотларнинг мақсади ва миллий мустақиллик мафкурасига қарама-қаршидир. Шу муносабат билан миллатлараро тотувлик, жамиятдаги ижтимоий ва миллий гуруҳлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи партиялар ва ҳаракатлар, жамоат фондлари ва уюшмалар, диний конфессияларнинг тарбиявий саъй-ҳаракатлари йўналишининг ўзгариши билан боғлиқ барча жараёнларни сиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати туғилади. Шунингдек, миллатлараро муносабатларда туб жой аҳолиси бўлмаган кишилар миграцияси, миллий диаспоралар билан боғлиқ айрим муаммолар, диний муросасизлик, миссионерлик ва ақидапарастлик каби омилларни ҳам назардан қочириб бўлмайди. Бунда Ўзбекистон миллий сиёсатининг ҳозирги шароитида этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш ва такомиллаштириш амалиётининг ўрни ва ролини ўрганиш муҳим ўрин тутади. Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёсатнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши глобаллашув жараёнининг жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсири тобора кучайиб бораётган бугунги мураккаб, таҳликали вазиятда алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “... тарихнинг мураккаб ҳал қилувчи бурилиш палласида ҳар қандай миллат ва элат ўз аҳиллигини ва бирдамлигини сақлаб, ўз миллий манфаатлари йўлида қатъият билан турмаса, масъулият ва ҳушёрликни йўқотадиган бўлса, охир-оқибатда ўзининг энг катта, тенгсиз бойлиги бўлмиш мустақиллиги ва озодлигидан жудо бўлиши шубҳасиз”[1].

Ўзбекистон давлатининг миллий сиёсати ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар ва барқарорликни таъминлаш, мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик, маънавий бирлигини сақлаш, турфа шаклли, шу билан бирга, яхлит маданий маконни юзага келтиришда таъсирчан, самарали механизмга айланаётганидан далолат беради. Бинобарин, бундай маконда ҳар қандай этник жамоа вакиллари тенг ижтимоий-ҳуқуқий мақомга эга бўлиши уларнинг миллий анъана ва тарихий қадриятларга таянган ҳолда барқарор ривожланиши, маънавий ўзлигини сақлаб қолишига имконият яратади.

Қолаверса, Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва барқарорлик ўзининг чуқур тарихий ва ижтимоий–маданий илдизларига эга экани, амалга

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 51-бет.

оширилаётган миллий сиёсат эса миллий масаланинг ижобий ҳал этилишига хизмат қилаётгани, бағрикенглик тамойилларига асосланган маданиятлараро коммуникацияларни уйғунлаштириш борасидаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани туфайли мамлакатимизнинг бу борадаги тажрибаси жаҳон ҳамжамияти учун фойдали бўлиши мумкин.

Ушбу мавзуга оид илмий адабиётларнинг ҳатто энг қисқа шарҳи ҳам истиқлол йилларида мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатига доир масалаларни кўриб чиқишда бурилиш юз берганидан далолат беради. Маълумки, Президент И.А. Каримов асарлари, маъруза ва мақолаларида буюк бобокалонларимизнинг маънавий меросига мурожаат қилиш ҳақиқий тарихимизнинг тикланишига, халқнинг тарихий хотирасининг уйғонишига, кишилар онгини эски ақида ва андозалардан халос этишга хизмат қилиши таъкидланади.

Истиқлол йилларида ижтимоий муносабатлар соҳасида, хусусан, миллий сиёсатни ўрганишда йўл қўйилган камчиликларга барҳам берилганини таъкидлаш зарур. Дарҳақиқат, бир тизимдан бошқасига ўтиш жараёнида билим ва тажрибамиз чуқурлашиб бориши билан бирга, хато ва камчиликлар, қарама-қаршиликлар ва юзага келган салбий ўзгаришларнинг сабаблари аниқланиб, уларни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари белгиланмоқда, айрим назарий ечимлар, ижтимоий ютуқларнинг аҳамияти ўз тасдиғини топмоқда, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маданий соҳада миллий ғояни рўёбга чиқаришга қодир бўлган улкан салоҳият намоён бўлмоқда[1].

Миллий сиёсат масаласининг мураккаблиги, унинг турли йўналиш ва жиҳатларини эътиборга олган ҳолда кейинги ўн йилда нашр этилган илмий адабиётларни қуйидаги туркумларга ажратиш мумкин:

**Биринчи туркум** миллий сиёсатнинг моддий асоси бўлган иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкчилик шаклларининг кўп укладлилиги масалаларига бағишланган ишларни ўз ичига олади[2]. Мазкур асарларда давлат сиёсий мустақиллигининг

---

[1] Азизхўжаев А.А. Мустақиллик, курашлар, изтироблар ва қувончлар. – Т.: Шарқ, 2001. – 112 б.; Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши. – Т.: Akademiya, 2003. – 144 б.; Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Ижод дунёси, 2001. – 32 б.; Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. – Т.: Маънавият, 2001. – стр.; Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2003. – 262 б.; Ўзбекистон бағрикенг диёр. Узбекистан – страна толерантности / Ред. А.С. Очилдиев. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 280 б.; Мусаев О.Р. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ijod dunyosi, 2004. – 128 б.; Гулямов С., Убайдуллаева Р., Ахмедов Э. Независимый Узбекистан. – Т.: Меҳнат, 2000. – 144 с.; Миллий ғоя: назарий манбалар. Хрестоматия. – Т.: Akademiya, 2007. – 312 б.; Межнациональная толерантность в Узбекистане: теория, социология, практика(социально-экономическая интеграция различных этнических групп в современное узбекистанское общество) Под редакцией А.Ачилдиева.-Т., 2004.- 92с; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. – Т.: Шарқ, 2001. – 464 б.; Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – 339 б.

[2] Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики / Под ред. акад. А.Х. Хикматова. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 352 с.; Абдуғаниев А., Мирзакаримова М. Ўтиш иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: Меҳнат, 1999. – 98 б.; Государственное регулирование в условиях перехода к рынку: опыт России и Узбекистана / Под ред. Л.И. Абалкина, А.Х. Хикматова. – М.: Институт экономики РАН, 2003. – СТР?; Тухлиев Н., Таксанов А. Национальная экономическая модель Узбекистана. – Т.: Ўқитувчи, 2000. – 368 с.; Воҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. – Т.: Молия, 2002. – 325 б.; Абдуллаев С.О. Бозор иқтисодиёти шароитида миллий маҳсулот

ҳар қандай шакли, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш, илмий-техника салоҳиятининг етуклиги, меҳнат захираларининг ақлий ва профессионал жиҳатдан лаёқатлилиги билан мустаҳкамланадиган мустақил иқтисодий заминга таяниши ишончли тарзда кўрсатиб берилган. Кўп миллатли давлатимизда юқорида қайд этилган жиҳатлар турли этник-миллий гуруҳ вакилларининг халқ хўжалигида бандлиги, уларнинг бозор иқтисодиётини ривожлантиришга қўшган улуши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги орқали намоён бўлади. Табиийки, бундай жараён мураккаб ва кўп қирралидир. Ҳозирги кунда, мамлакатимизда илгарилари миллатлараро муносабатларнинг мураккаблашуви ва беқарорлашувига олиб келган ҳамда миллий сиёсат бузилишига асос бўлган кўплаб муаммо ва зиддиятларни бартараф этиш имконини берадиган изчил механизм ва тамойиллар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимиз суверенитети ҳар бир кишига миллатидан қатъи назар, ўз меҳнат фаолияти тури ва иш жойини эркин танлаш, салоҳияти ва қобилиятини рўёбга чиқариш имкониятини яратади.

**Иккинчи туркум** ишларда Ўзбекистон сиёсий мустақиллиги моҳияти очиб берилган, давлатнинг умуммиллий ғоя негизида халқларни бирлаштириш йўлидаги ислоҳотчилик фаолияти атрофлича ёритилган[1]. Мазкур илмий ишларда давлат амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида синфий ва партиявий ёндашувлардан холи етакчи сиёсий-ҳуқуқий механизм сифатида миллий, конфессионал, тил, маданий ва бошқа тафовутлардан қатъи назар, ўз фуқаролари манфаатларини тартибга солувчи ва уйғунлаштирувчи бош ислоҳотчи бўлиши, унинг кўмагида юртимизда яшаётган барча халқлар миллий ўзлигини йўқотмаган ҳолда, шу билан бирга, умуммиллий менталитет ва хулқ-атвор касб этаётгани асослаб берилган. Бугунги мураккаб, бутун дунё жаҳон иқтисодий инқирози билан биргаликда глобал миқёсдаги маънавий бўҳронни бошдан кечираётган паллада мазкур тадқиқотлар айни муддаодир. Айнан шундай адабиётларга бугунги кунда эҳтиёж жуда катта бўлиб, мамлакат Президенти кўп бора таъкидлаган аҳолининг маънавий, сиёсий дунёқараши, ўзликни англаш тамойилларига мос ҳамда халқимиз миллий тафаккури, маънавий хоҳиш-иродасига мувофиқдир. Бу борада И.А. Каримов “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва

---

ва уни кўпайтириш муаммолари. – Т.: Молия, 2004. – 140 б.; Абулқосимов Ҳ.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. – Т.: Akademiya, 2008. – СТР?; Талибжанова В.И. Ўзбекистонда эркин тадбиркорлик фаолиятининг салоҳиятини ошириш ва уни бошқариш механизмлари: Иқтис. фанл. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2009. – 24 б.; Холмурадов А.Ш. Усиление организационно-экономических механизмов развития негосударственного сектора экономики Республики Узбекистан: Автореф. дис. … канд. эконом. наук. – Ташкент, 2009. – 24 б.

1. [1] Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. -М.: Вагриус, 2001.-352с; Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт томойиллари. – Т.: Akademiya, 2005. – 56 б.; Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. – Т.: Шарқ, 2001. – 160 б.; Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 190 б.; Миллий ғоя ва маънавий қадриятлар: назария, методология, амалиёт. – Т.: (издательство), 2004. – 286 б.; Эргашев И. Сиёсат фалсафаси. – Т.: Akademiya, 2004. – 146 б.; Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият. – Т.: Маънавият, 2002. – 240 б.; Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2009. – 560 б.

албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин” деб таъкидлаган[1].

**Учинчи туркум** илмий адабиётларда халқнинг маънавий-маданий тикланиши, миллий-анъанавий ўзига хослигини намоён этиши, тарихий, шу жумладан, диний меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш масалалари таҳлил этилган[2]. Ушбу масалада муаллифларнинг фикр-мулоҳазалари турли-туман.

Айрим муаллифларнинг фикрича, Шарқ ва Ғарбнинг маданияти ҳамда маънавияти турли негизларга асосланиши, ўзига хос маънавий-этник тамойилларга таяниши, шунингдек миллий сиёсатнинг бир-бирига мос бўлмаган қонун-қоидалар асосига қурилиши кескин қарама-қаршиликларга замин ҳозирлайди (Чеченистон, Тоғли Қорабоғ, собиқ Югославия ва ҳ.к. мисолида). Бошқа муаллифлар эса, ғоялар ва қадриятлар ўртасидаги фарқ ва хусусиятларни халқлар маънавий маданиятининг серқирралиги билан эмас, балки етакчи миллатга тегишлилиги нуқтаи назаридан ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Яна бир тоифа муаллифлар асосий эътиборни этник-миллий тафовутларнинг тарихан асосланганига қаратиб, уларни миллатлараро бирдамлик, ижтимоий-маданий консенсусга эришиш йўлидаги жиддий тўсиқ, деб ҳисоблайди.

Бироқ, аксарият муаллифларнинг якдил фикрига кўра, ҳар қандай, ҳатто кам сонли миллий-этник жамоа ҳам тарихий тараққиёти давомида мазмуни ва тузилишига кўра нодир ахборот тизимини яратади, уни асраб-авайлайди ва шундай тарихий хотирани вужудга келтирадики, уни ҳеч қандай директив, маъмурий, ҳуқуқий тақиқлар билан йўқ қилиб бўлмайди. Ҳар қандай миллат ўз тили, маданияти, қадриятлари, анъаналари, урф-одатлари ва тарихига қаратилган таҳдидга асосли равишда салбий муносабат билдиради. Айни вақтда миллатлар маъно жиҳатидан ўзлариникига мос ёки ўхшаш бўлган қадрият ва ғояларга ҳам мойиллик билдириши мумкин.

Социологик ва психологик тадқиқотлар йўналишида мазкур мавзу доирасида амалга оширилган илмий изланишларда ҳар қандай этник ва миллий жамоа вакиллари учун аҳамиятли, унинг руҳияти ва онгида мужассамлашган тинчлик ва ҳамкорлик, ўзаро ишонч, дўстона

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 3-4-бетлар.

[2] Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Т.: Тошкент ислом университети, 2006. – 164 б.; Каримов А. Дунёвийлик даҳрийлик эмас. – Т.: Тошкент ислом университети, 2005. – 72 б.; Комилов Н., Ёқубов А., Акобиров Ф. Диний экстремизм хавфи ва унга қарши кураш. – Т.: Akademiya, 2007. – 100 б; Ата-мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004. – 180 с.; Туленов Ж. Маънавий юксалиш сари. – Т.: Меҳнат, 2000. – 196 б.; Шарофиддинов О. Маънавият камолот йўлларида. – Т.: Маънавият, 2001. – 220 б.

муносабатларга интилиш умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашуви масаласига эътибор қаратилади[1]. Айрим муаллифларнинг фикрича, миллий масала негизидан келиб чиқиб, собиқ шўро республикаларида мавжуд бўлган ёки келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятлар шароитида миллатлараро бирдамлик, халқлар дўстлиги, миллий ғурур туйғулари зарурлигини шубҳа остига қўядиган кайфиятдагилар таъсирига тушиб қолиш хатарлидир, бинобарин, уларга нисбатан эътиборсизлик миллий бидъатлар, диний муросасизлик ва бошқа нохуш ҳолларга йўл очиб беради[2].

Афсуски, ўтмиш маънавий қадриятларига танқидий ёндашмаслик, уларни идеаллаштириш, фақат "бизники" бўлгани учунгина тан олиш кўзга ташланадиган рисола ва мақолалар ҳам учраб туради. Бу айниқса диний мерос таҳлилига тааллуқлидир. Бундай нуқтаи назар муайян тарзда бошқалардан ажралиб қолиш ва маънавий-маданий биқиқликка олиб келиши ва мамлакатимизда ишлаб чиқилган маънавий тикланишнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурларга мос келмайди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Ушбу дастурлар, биринчи навбатда, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим умуминсоний қадриятларни бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларни танлаб олиш заруратига асосланган..."[3].

**Тўртинчи туркум** адабиётларда маданий-маънавий соҳада миллий ва миллатлараро омилларнинг ўзаро муносабатлари, этник ва умумбашарий қадриятлар диалектикаси, халқлар ўртасида маданий интеграциялашув жараёнининг ўзига хос жиҳатлари, миллий мафкурани шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг янги омил ва механизмларини излаб топиш масалалари таҳлилига бағишланган[4]. Ушбу муаллифлар фикрича, Ўзбекистоннинг ўз ривожланиш моделига эга бўлиши маънавий-маданий соҳадаги миллатлараро

---

[1] Мцаконян М. Культура. Этносы. Нации. – М.: МГИМО (Университет), 2005. – 350 с.; Кочетков В. Психология межкультурных различий. – М.: Perse, 2002. – 413 с.; Осадчий О. Самоуправление в полиэтническом социуме. – М.: Керч, 2004. – 235 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004. – 180 с.; Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Т.: Akademiya, 2007. – 155 б.; Назаров Н. Этносоциальные процессы в условиях независимости. – Т.: Типография Ташкентского финансового института, 2008. – 148 с.; Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональных отношений в Узбекистане. – Т.: Университет, 2006. – 168 с.; Каримова Э. Ўзбек толерантлигининг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: (издательство), 2006. – 64 б.

[2] Сафоев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. – Т.: Фан, 2004. – 122 с.; Бегматов А. Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. – Т.: Маънавият, 2007. – 63 б.; Мамашокиров С. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий-мафкуравий масалалари. – Т.: Маънавият, 2007. – 80 б.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистонликларининг миллий ўзлиги (социологик тадқиқот). – Т.: Ижтимоий фикр, 2004. – 127 б.; Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг маънавий-маърифий асослари. – Т.: Тошкент ислом Университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2008. – 246 б.; Хоназаров Қ.Х. Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар. – Т.: Фан, 1994. – 126 б.; Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият, 2000. – 16 б.

[3] Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 139-бет.

[4] Орипов Ш. Глобаллашув, миллий қадриятлар ва ёшлар // Фуқаролик жамият. – 2008. – №1. – 20-27-бетлар; Аъзам Қ. Миллий қадриятлар: тикланиш замони // Тафаккур. – 2005. – №1. – 4-16-бетлар; Утанова У. Этномаданиятнинг яшовчанлик сири // Тафаккур. – 2006. – №3. – 122-123-бетлар; Аббосова Ш. Миллий ғоя – барқарорлик кафолати // Жамият ва бошқарув. – 2007. – №3. – 46-48-бетлар; Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий қадриятлар // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №3. – 6-10-бетлар.

алоқаларнинг заифлашувига олиб келмайди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ҳам қадриятлар алмашиниши жараёнини тўхтатиб қўймади. Аксинча, партиявий сиёсий зуғумдан озод бўлган миллатлар, элатлар, этник гуруҳлар учун Конституцияга биноан, нафақат ўз маданий-маънавий қадриятларини рўёбга чиқариш, балки умумбашарий ютуқлардан баҳраманд бўлиш, маънавий жиҳатдан такомиллашув йўлларини янада кенгайтириш имкониятлари кафолатланди.

Айни чоғда, бир қатор муаллифлар ҳақли равишда таъкидлаганидек, хориж билан алоқаларнинг эркинлаштирилиши туфайли Ўзбекистонга миллий менталитетга мутлақо зид, ғайриинсоний, бузғунчи “ғоялар”ни тарғиб қилувчи сохта қадриятлар суқилиб кирмоқда. Ҳозирги вақтда у “оммавий маданият” ниқобига ўралган мафкуравий-маданий таҳдидлар шаклида намоён бўлмоқда.

Айрим муаллифлар Шарқ ва Марказий Осиё маънавий-маданий қадриятлар тизимидаги мавжуд фарқлардан келиб чиқиб, Европа маданияти, цивилизацияси ўзбек халқининг ўзига хос анъанавий асосларини барбод бўлишига олиб келиши мумкин, деб ҳисоблайди[1]. Бундай нуқтаи назарнинг тўғрилиги шундаки, миллатларни қўшиб юборишга қаратилган авантюристик сиёсат оқибатларига барҳам бериш шароитида миллий ўзликни англаш ва маданий-маънавий тикланишнинг дастлабки босқичларида миллий ва байналмилал қадриятлар, муайян миллий ва умумбашарий анъаналарнинг ўзаро муносабатлари жараёни ҳамиша ҳам равон ва зиддиятларсиз кечмайди. Табиийки, ҳар бир этнос нафақат ўзининг туб тарихий маданий-маънавий асослари яхлитлиги, илдизларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, балки миллий генофонд, анъанавий ўзликни тиклаш мумкин бўлган муҳитни яратишга ҳам ҳаракат қилади. Шу туфайли, бир томондан, бошқа миллатнинг таъсирига қаршилик кўрсатиш тенденцияси мавжуд бўлиши, бошқа томондан эса, бундай таъсирни ўз тараққиёти учун мослаштиришга интилиш устун келиши мумкин. Агар миллий ва умумбашарий қадриятлар, ўзаро муносабатларнинг андозалари миллатнинг орқада қолишига, жаҳон цивилизацияси ўзанидан четлашиб қолишига олиб келмаса, мослашувчанлик касб этиб, такомиллашиб бориши мумкин.

Ниҳоят, сўнгги йилларда нашр этилган **бешинчи туркум** ишларда глобаллашув жараёнининг миллатлараро муносабатлар, миллий-этник тараққиёт ва миллий масалага таъсири, ана шундай шароитда давлатлар миллий сиёсатининг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари ва ўзига хос

---

[1] Минаваров С. Маънавиятни асраш ва ҳимоя қилиш // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №4. – 29-бет; Саидов У. Оломон маданияти // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №2. – 6-бет; Понамарева И. Молодежь Узбекистана на перекрестке западной и восточной культур // Общественное мнение. Права человека. – 2008. – №3. – С.141.

жиҳатлари атрофлича таҳлил этилади[1]. Муаллифлар глобаллашув таъсирида трансмиллийлашув жараёнининг жадаллашуви, дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро боғлиқликнинг кучайиши, давлатларнинг миллий-этник ривожида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётгани, этник омилнинг роли ортаётганини таъкидлаб, мультикультуризм ва этномиллатчилик ҳамда "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларига эътибор қаратади. Уларнинг фикрича, буларга қарши курашда турли халқлар ва элатларни ўзаро тенглик ҳамда ҳуқуқий меъёрлар негизида бирлаштирадиган миллий маданиятларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш ва уларнинг такомиллашувига шарт-шароит яратиш беқиёс аҳамият касб этади. Баъзи муаллифларнинг фикрича, юқорида зикр этилган омилларнинг миллий давлатларнинг тараққиёти ва истиқболига салбий таъсири парокандалик ва бошбошдоқлик, миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин. Масалан америкалик олим ва журналист П.Ж. Бьюкененнинг фикрича, глобаллашув шароитида "оммавий маданият"нинг кенг тарғиб-ташвиқ этилиши оқибатида кишиларнинг кўз ўнгида "қадимий байрамлар йўқолиб бормоқда, илгариги қаҳрамонлар тимсоли сўниб, маданий майдонни куч, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб этаётган суперқаҳрамонлар эгалламоқда. Америка музейларида шонли тарихни акс эттирадиган ашёлар ўта мавҳум, бадбашара, ғайриамерикона тимсоллар билан алмаштирилаётганини; мактаб дастурларидан барчамизга ёшлигимиздан таниш бўлган китоблар чиқарилиб ташланаётганини ва кўпчиликка нотаниш бўлган муаллифларнинг китоблари киритилаётганини; аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган азалий маънавий қадриятлар таг томири билан юлиб олинаётганини; уларни тарбиялаган маданият ва ўсиб-улғайтирган мамлакат нобуд бўлаётганини кузатиб турибди"[2]. Муаллиф назарида, бу ҳол мамлакатдаги миллий-этник, миллатлараро муносабатлар ривожига салбий таъсир этиб, зиддиятларнинг кучайишига сабаб бўлади.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар Ўзбекистоннинг маданий-маънавий соҳадаги миллий сиёсати феноменини илмий жиҳатдан ўрганиш соҳасида муҳим қадамлар қўйилганини эътиборга олиб, мамлакат тараққиёт моделига мос келадиган, республикамизда амалга оширилаётган янгиланиш ва модернизациялаштириш жараёнларида иштирок этаётган барча миллий-

---

[1] Абдулатипов Р.Г., Михайлов В.А, Чичановский А.А. Национальная политика Российской Федерации: от концепции к реализации. – М.: Славянский диалог, 1997. – 111 с.; Бришполец К.П. Национальное измерение глобального мира // Вестник Московского ун-та. Серия 18. Социология и политология. – 2001. – №1. – С.18-27; Бельков О.А. Национальная политика государства: слова и смыслы // Власть. – 2005. – №7. – С.3-17; Бьюкенен П.Ж. Смерть Запада. – М.: АСТ, 2004. – 444 с.; Игнатович П.Г., Чернявская Ю.В. Этнические основания культуры. – Минск: Технопринт, 2001. – 100 с.; Жаркинбаева Р. Казахстан и страны Центральной Азии: поиски идентичности // Евразийское сообщество. – 2001. – №2. – С.25-29; Гегенидзе А. Толерантность в Грузии: религиозные и этнические аспекты // Кавказ & Глобализация. – Осло. – 2006. – №1. – С.45-53; Развитие межэтнических отношений в новых независимых государствах Центральной Азии. – Бишкек: Илым, 1995. – 322 с.; Дробижева Л.М. Социальные проблемы межнациональных отношений в постсоветской России. – М.: Центр общечеловеческих ценностей, 2003. – 373 с.; Костина А.В., Гудима Т.М. Культурная политика современной России: соотношение этнического и национального. – М.: ЛКИ, 2007. – 238 с.; Престон П.У. Политико-культурная идентичность: Граждане и нации в эру глобализации // Глобализация: Контуры XXI века: Реф. Сб. Ч.Ш. – М.: ИНИОН РАН, 2004. – С.54-62; Стивенсон Н. Глобализация, национальние культуры и культурное гражданство // Глобализация: Контуры XXI века: Реф.сб. Ч.Ш. – М.: ИНИОН РАН, 2004. – С.5-17; ва бошқ.

[2] Бьюкенен П.Ж. Ғарбнинг ҳалокати // Жаҳон адабиёти.(Б.Умаров тажимаси) – 2007. – №1. – 14-бет.

этник гуруҳлар манфаатларини ифода этадиган илмий-амалий жиҳатдан асосланган мамлакат танлаган ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мезонларига мос келадиган миллий сиёсатнинг асосий назарий-услубий тамойилларини тадқиқ этиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур китобда:

биринчидан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишининг асосини ташкил қиладиган миллатлараро тотувлик омилининг ўрни ва роли улкан эканлигини кўрсатиш;

иккинчидан, ҳозирги шароитда миллатлараро тотувликни қарор топтириш, мамлакатда барқарорликни таъминлаш каби миллий ғоянинг асосини ташкил қилган масалаларнинг аҳамияти ошиб бораётганини, милларлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболарини ўрганишнинг долзарблиги янада ортаётганини асослаш;

учинчидан, мамлакатни модернизациялаш ва демократлаштиришда аҳолининг ижтимоий–сиёсий жараёнлардаги иштироки янада фаоллашганлигини, кўп миллатли Ўзбекистон ҳалқида фуқаролик ҳисси ва фуқаролик маданиятининг шаклланиб, мустаҳкамланаётганини, мамлакат тақдири ва келажаги учун дахлдорлик туйғуси кучайиб бораётганини кўрсатиш;

тўртинчидан, миллий мустақиллик мафкурасининг асосий тамойилларига таянган ҳолда давлат томонидан амалга оширилаётган миллий сиёсатнинг маданий-маънавий соҳадаги асосий принципларни таҳлил этиш ва атрофлича ёритиш, уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш шароитида муҳим аҳамиятга эга эканлигини асослаш;

бешинчидан, республикада яшаётган барча этник-миллий гуруҳларнинг миллий манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий ва сиёсий механизмлари амалиётга кенг жорий этилганлигини ва улар изчиллик билан такомиллаштирилиб борилаётганлигини кўрсатиш;

олтинчидан, миллий ва умумбашарий аҳлоқий-маданий қадриятларнинг Ўзбекистон миллий сиёсати билан уйғунлашувининг янги принцип ҳамда шаклларини ёритиш;

еттинчидан, мустақиллик шароитида ташкил этилган миллий маданий марказлар фаолиятини ўрганиш асосида Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатлар маънавий қадриятлари ўзаро таъсирининг янги парадигмасини асослаш;

саккизинчидан, Ўзбекистон халқининг маънавий-маданий ўзига хослигини ривожлантиришнинг асосий тамойилларини аниқлаш, бунда “Ватан ҳар биримиз учун муқаддас”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз” ва бошқа шу каби дастурларнинг республикамиздаги мавжуд барча этник-миллий жамоалар вакилларининг ўзаро жипслашувида тутган ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш;

тўққизинчидан, маънавий қадриятларнинг меросийлигини таъминлаш, тарихий хотирани ривожлантириш, Ўзбекистонда янгиланиш жараёнларини рағбатлантириш омилларидан бири ҳисобланувчи халқ анъаналари ва урф-

одатларига нисбатан миллий сиёсатнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишларини кўрсатиб бериш;

ўнинчидан, мустақил тараққиёт йўлига кирган Марказий Осиё мамлакатларида ҳам истиқомат қиладиган халқларнинг ижтимоий–сиёсий ва маданий соҳаларда муносабатлари янада фаоллашганини кўрсатиш ҳамда минтақавий интеграциянинг ва ҳамкорликнинг ривожланишида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий–маданий омиллар муҳим роль ўйнашини асослаш вазифаларини амалга ошириш назарда тутилади.

Фикримизча, мазкур китобда кўриб чиқилган масалалар ва қилинган хулосалар давлат муассасалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, бошқа ижтимоий институтлар фаолиятини кучайтириш, республиканинг маънавий-маданий ҳаёти соҳасидаги миллий сиёсатни янада такомиллаштириш, унинг фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаш йўлидаги самарадорлигини оширишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқишга хизмат қилиши мумкин.

# БИРИНЧИ БОБ

## Мустақиллик шароитида миллий сиёсатни амалга оширишнинг назарий-услубий жиҳатлари

### 1.1. Маданий-маънавий соҳадаги миллий сиёсат - мустақил давлатнинг функционал устувор ҳуқуқи сифатида

Собиқ “шўролар” тузуми давридаги етмиш йиллик тарихимиз давомида ижтимоий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларда “миллий масала” ҳамда “миллий сиёсат” категориялари кенг қўлланиб келинди. Бу ҳол, биринчидан, собиқ Иттифоқдаги миллатлараро муносабатлар ва байналмилаллашув жараёнларининг ҳолати ҳамда ривожланишини, иккинчидан, миллатлар ва халқларнинг яқинлашуви ҳамда қўшилиб кетишига қаратилган тегишли стратегик йўл “марказ” томонидан ишлаб чиқилиши ва ниҳоят, учинчидан, миллий минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бараварлаштириш жараёнларини бошқаришни марказлаштириш даражаси билан боғлиқ эди. Тилга олинган жараёнлар маъно-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бунинг биринчи сабаби шундаки, улар характери ва йўналиши жиҳатидан турли сиёсий соҳалар, турли мезон даражаларига тегишли бўлиб, ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрни ҳам турличадир; иккинчи сабаби эса, ана шу тушунчаларнинг негизига бошданоқ миллий озодлик ҳаракатлари муаммосига нисбатан синфий ёндашув асосида таянилгани, Европа ва Шарқ менталитети ўртасидаги тафовут, маданий-маънавий ва ижтимоий турмуш соҳаларида миллий қадриятлар тизимларининг бир-бирига мос келмаслигига асосланган мафкуравий баҳо бериш сингдирилгани билан изоҳланади. Умуман олганда, собиқ Иттифоқда ва муайян республикаларда “миллий масала”нинг ҳал этилиши ҳамда “миллий сиёсат”нинг амалга оширилиши оқибатлари яхши маълум. Бироқ, бу оқибатлар янги сиёсий вазият ва илмий маълумотлар нуқтаи назаридан, Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида ўз тақдирини ўзи белгилаши ва мамлакат халқларининг демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш борасида қўлга киритилган ютуқларни ҳисобга олган ҳолда назарий-услубий жиҳатдан чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилиниши лозим.

Ўрта Осиё минтақаси ўтмишига тарих нуқтаи назаридан ёндашиш Чор Россияси ва шўролар ҳокимиятининг муайян даврларда бу ўлкада юритган сиёсатининг моҳияти тўғрисидаги тасаввурни кенгайтиришга кўмаклашади. Марксча-ленинча услубиёт учун ноанъанавий ва синфий тусга эга бўлмаган бундай қиёсий ёндашув аввалги мафкурадан тубдан фарқ қиладиган назарий концепцияга таяниш, “миллий масала” ва “миллий сиёсат” муаммоларига нисбатан бошқа қарашлар, фикрлар, умумлашма ва хулосалардан тўлиқ фойдаланиш, уларни ўртага қўйилган илмий-амалий мақсад ҳамда вазифалар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш учун имкониятлар очиб беради. Ўртага қўйилган муаммони ечишда янгича ёндашишнинг мураккаблиги ва ўзига

хослиги шундаки, биз муайян минтақа халқларининг маданий-маънавий ўзига хослиги, миллий-этник менталитети, тарихан таркиб топган қадриятлар тизимини рўёбга чиқаришга бўлган интилишларини вақт ва макон жиҳатидан мутлақо турлича бўлган уч давлат тузилмаси даврида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз. Бундай ёндашувнинг принципиал аҳамияти шундаки, Ўзбекистон халқи ўз тараққиётида макон ва замон жиҳатидан нисбатан қисқа давр ичида рус, шўро, европалаштирилган байналмилал маданиятлар таъсирини бошдан кечирди, бу эса ўзбек миллатининг маданий-маънавий генофондида ўз асоратини қолдирди. Шу ўринда биз айрим муаллифларнинг ана шу асорат, шак-шубҳасиз, халқнинг ўзига хос аҳлоқий менталитети ва маънавий мероси, шунингдек маданий тоифалари ва эҳтиёжлари тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказди[1], деган фикрига қўшиламиз.

Жамиятшунослик фанида шўролар Россиясининг Ўрта Осиё минтақасига қилган ҳарбий интервенцияси ва сиёсий экспансияси юксак даражадаги инсонпарварлик миссияси, тинчликпарварлик ҳаракатлари сифатида тавсифланган ва баҳоланган. Аслида эса, зўравонлик билан бостириб кириш турли хил мустамлакачилик мақсадларидан ташқари яна бошқа пинҳона муддаоларни ҳам кўзда тутган эди. Бу борада илмийликдан йироқ, реал воқелик бузиб талқин этиладиган фикр-мулоҳазаларини далил сифатида келтириш урф бўлганини қайд этиш зарур. Ўтган асрнинг 80-90-йилларида янги сиёсат майдонида шамол қайси томонга эсса, тарихни ўша томонга буриб юборадиганлар пайдо бўлди. Масалан, шўро ёзувчиси, тарихий романлар муаллифи В.Пукуль “Битва железных канцлеров” асарида Россиянинг Ўрта Осиёдаги босқинчилик сиёсатини халқларни озодликка чиқариш ҳаракати сифатида таърифлайди. Унинг “чуқур фалсафий ва сиёсий хулосалари”га кўра, рус кишиси жазирама чўлларни кезиб, ўрта асрларнинг золим хонлари, султон ва бекларини тахтдан ағдарди. Амир Темур давридан бошланиб, қумтепаликларнинг туб-тубигача сингиб кетган разиллик ва нопокликлардан тозалади. Рус халқи мислсиз машаққатларга бардош қилиб, кўп миллатли буюк давлатни барпо этган ўз бобоколонларини унутиши гуноҳ эмиш. Унинг таъкидлашича, рус аскари ҳеч қачон кутилмаган меҳмон бўлмаган. У ўзига халоскор сифатида интизор бўлганлар ҳузурига борган эмиш[2].

Муаллифнинг буюк давлатчилик туйғуси билан йўғрилган, тарихий ҳақиқатга зид, илмий нуқтаи назардан ҳато бу фикрларини шарҳлашга нолойиқ бўлиб кўриниши мумкин. Бироқ, бундай мазмундаги фикрларнинг урчиб, авж олиб боргани кишини сергаклантирмаслиги мумкин эмас. Масалан, А.И.Солженицин “Как нам обустроить Россию” деб номланган фалсафий-сиёсий асарида улкан Россия майда чекка ўлкалар халқларига

---

[1] Хўжамуродов М. Маънавий баркамоллик зийнатдир. – Т.: Меҳнат, 2001. – 200 б.; Қуддус Аъзам. Миллий қадриятлар: тикланиш замони // Тафаккур. – 2005. – №1. – 4-16-бетлар; Маҳкамова Д.А. Узбекистан в системе международных культурных связей (Особенности и закономерности исторического развития): Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2005. – 24 с.; Тиловатов Ф.У. Политика «Культурной политики» советской власти в 20-30-е годы XX века и ее осуществление в Узбекистане: Автореф. дис. ... канд. истор. наук. – Ташкент, 2009. – 26 с.

[2] Пикуль В.С. Битва железных канцлеров: Роман. – Т.: Ўқитувчи, 1989. – С.92.

қўшилишга муҳтож бўлмаган, аксинча, ана шу халқлар Россияга қўшилишдан кўпроқ манфаатдор бўлган, дея очиқ-ошкора таъкидлайди[1].

Ўз-ўзидан равшанки, бундай алломалар жамоатчиликда Ўрта Осиёни Россияга зўрлик билан қўшиб олиниши мақсадга мувофиқ ҳаракат ва объектив зарурат бўлган деган фикрни уйғотиш мақсадини кўзлайди. Уларнинг баён қилишича, гўёки Россия бу ишга мазкур минтақада истиқомат қилувчи халқларнинг миллий-этник манфаатлари ва хавфсизлигини кўзлаб қўл урган эмиш. Бироқ, Ўрта Осиёни экспансия қилиш ғоясининг илҳомчилари, ташкилотчи ва қатнашчиларининг бу борадаги мулоҳазалари аллома ёзувчиларникидан тамоман бошқача бўлган: улар маданий тараққиётнинг европача мезонларидан келиб чиқиб, Ўрта Осиё халқларини “ғайридинлар”, “сартлар”, “туземликлар”, яъни тараққиётнинг паст даражасида бўлган ҳамда Россия давлатининг ёрдамига ўта муҳтож кишилар, деб ҳисоблашган. Бу худди Ғарбий Европа мустамлакачилари Австралия туб аҳолисини “аборигенлар”, Америка (икки қитъадаги) маҳаллий кишиларни “ҳиндулар” деганига ўхшашдир.

Чор ҳукуматининг қонунларига биноан, ўзбек халқи “алоҳида тартибда бошқариладиган” аҳоли туркумига киритилган. Генерал-губернатор А.М. Духовский ҳукуматга ёзган ўз тавсияларида бу ўлкада мусулмонларни умумий рус оиласига қоришиб кетишига мажбур қиладиган шарт-шароитлар яратишни таклиф қилган. Черняев эса ўзбеклар, қирғизлар, қипчоқлар, Қўқон хонлигида яшаётган бошқа халқлар одам тоифасидан эмас, биргина чопон кийганлари учун ҳам уларни отиб ўлдириш мумкин, деб ҳисоблаган. П.И. Кауфманнинг фикрича, “агар имкони бўлса, бу халқни пахта етиштиришга, имкон қадар кўпроқ меҳнат қилишга мажбурлаш керак, токи мушоҳада қилиш учун унинг вақти қолмасин...”[1]. Бошқача айтганда, “миллий масала” ва Россия империясининг “миллий сиёсати” таг замири, сиёсий ва мафкуравий мазмун-моҳияти билан мазкур минтақани саноати ривожланаётган Россиянинг хом ашё базасига айлантириш, Ўрта Осиё халқларини эса феодал уруғдошлик ва патриархал турғунлик ҳолатида сақлаб қолиш мақсадини кўзлаган.

Бинобарин, чоризм аввал бошданоқ, бир томондан, миллий ўлкаларда Россиянинг иқтисодий тараққиёти, ягона ва яхлит давлатчилигини таъминлашга, бошқа томондан, туб аҳолини таҳқирлаш ва қул қилишга қаратилган мустамлака сиёсатини юритган. Маҳаллий аҳолининг маданий тараққиётига фақатгина генерал-губернаторнинг қарор ва фармойишларида белгиланган доирадагина йўл қўйилар эди. Тараққиёт даражаси масаласида рус тилида сўзлашувчиларнинг “маҳаллий кишилар”га нисбатан устунлиги очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Нима бўлганда ҳам, чор маъмурияти, тегишли шартларга риоя этган ҳолда фақатгина мусулмонлар диний

---

[1] Солженицын А.И. Как нам обустроить Россию: Посильные соображения. – Ленинград: Советский Писатель, 1990. – С.58.

[1] Қаралсин: Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика: В 4-х томах. Т.1. – Т.: Адолат, 1994. – С.78-80; Кастельская З.Д. Из истории Туркестанского края (1865-1917). – М.: Наука, 1980. – С.15.; ва бошқ.

конфессияларининг фаолиятини, бир қатор миллий-этник анъаналар ва урф-одатларни истисно қилганда, туб аҳоли миллий давлатчилик нуқтаи назаридан ўз тақдирини ўзи белгилаш ва маданий-маънавий суверенитет масаласида эркин фикрлашига йўл қўя олмас эди. Ўрта Осиё халқларини ўз давлат ва мафкура тизимига мажбурий тартибда бўйсундирган чоризм ҳуқуқий нуқтаи назардан ўзининг ҳукмронлиги ва маданий-маънавий соҳадаги монополиясини мустаҳкамлашга интилиб келган.

Албатта, талай тарихий ҳужжатлар ва бошқа эмпирик материаллар ҳамда маълумотлар мавжуд бўлишига қарамай, шўролар давридаги Ўзбекистоннинг давлат сифатидаги ҳолатини юқоридагилар билан қиёслаш қийин ва қиёслаб бўлмайди ҳам. В.И. Ленин Ўрта Осиё минтақасида янги ижтимоий муносабатларни қарор топтиришнинг бошланғич даврларида Мустафо Кемаль (Отатурк)га йўллаган телеграммасида Совет Россияси барча халқларга автономия тузиш имкониятини бераётганини ҳамда бу халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал этиш принципларига асосланган республикалар ташкил этишини қўллаб-қуватлаётганини қайд этган[1]. Бу телеграмма замирида халқларга миллий давлатчиликни шакллантириш ҳуқуқларини бериш ва миллий тикланиш жараёнларини рағбатлантириш, ўз тарихий ва анъанавий негизида ўзига хос маданият, аҳлоқ ва маънавиятни ривожлантириш каби бир қатор принципиал жиҳатдан муҳим ва жиддий муаммоларни амалда ҳал этиш назарда тутилган. Табиийки, бу иш шак-шубҳасиз Россия инқилобий пролетариати ва шўро ҳокимиятининг ёрдамида амалга оширилиши лозим бўлган. Айни чоғда, В.И. Ленин ҳаётлиги пайтидаёқ миллий масала ва миллий сиёсат тубдан қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирила бошлангани яхши маълум. Масалан, Н. Тўрақулов 20-йилларда умумий маданиятга эга бўлган ва турк тилида сўзлашувчи халқларни бирлаштириш асосида ягона Турк совет республикаси барпо этиш тўғрисидаги ғояни илгари сурган эди[2]. Султан Галеев Ўрта Осиёнинг маданий ва маънавий муштаракликка эга бўлган бир қатор минтақаларини бирлаштириб, халқ демократик республикаси тарзидаги Турон давлатини ташкил этиш тарафдори бўлган[3]. Жадидлар эса, мустақил бошқариш вазифалари ва ваколатларига эга бўлган Туркистон Федератив Республикаси ташкил этиш фикрини қўллаб-қувватлаганлар[4]. Бироқ, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятининг юқорида кўрсатилган бирорта шаклига ҳам эга бўлмади. 1923 йилда, А. Икромов таъкидлаганидек, шўро ҳокимияти даврини мустамлака даврига таққослаганда, Туркистонда бирорта ҳам ўзгариш бўлмади, фақатгина давлатнинг номи ўзгарди, холос. Туркистон

---

[1] Қаранг: Ленин В.И.. – Полное собрание сочинений, – М.: Политиздат. – Т.52. – С.301.

[2] Ишанов А. Роль Компартии и Советского правительства в создании национальной государственности узбекского народа. – Т.: Фан, 1978. – С.82.; Каримов Н. Атоқли журналист ва дипломат (Барҳаёт сиймолар. Атоқли журналист, шоир, дипломат ва жамият арбоби Н. Тўрақулов) // Жаҳон адабиёти. – 2005. – №2. – 113-123-бетлар.

[3] О так называемой «султангалеевской контрреволюционной организации» // Изв. ЦК КПСС. – 1990. – №10. – С.82.

[4] Худоёров Н. Озодлик орзуси: Туркистонлик жадидларнинг Ватан озодлиги учун олиб борган курашлари ҳақида // Фан ва турмуш. – 2000. – №1. – 25-бет; Умаров М. Жадидчилик фалсафаси: миллий тафаккур эволюцияси // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2005. – №3. – 60-64-бетлар.

подшо даврида қандай бўлса, шундайлигича қолаверди[1]. Юзага келган бундай вазият муносабати билан Т. Рисқулов Европа зулмидан озод бўлиш ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масаласини биринчи ўринга қўйиш режасини таклиф қилди[2].

Юқорида тилга олинган шўролар раҳбари томонидан ишлаб чиқилган миллий сиёсат соҳасидаги лойиҳалар ва кўрсатмаларнинг амалга оширилмагани шўро органларининг жойлардаги реал амалий фаолияти объектив равишда унга нисбатан фаол қаршилик кўрсатишга олиб келди, бундай вазият жиддий ижтимоий зиддиятлар ва қуролли қарама-қаршиликларга сабаб бўлди. Совет жамиятшунослик фанида халққа, шўро тузуми ва демократияга қарши ташқаридан уюштирилган фитна сифатида бир томонлама баҳоланган ва "босмачилик" деб тавсифланган ҳаракат кейинчалик тарих ҳақиқати қарор топиб, кенг жамоатчилик томонидан миллий-озодлик ҳаракати экани этироф этилди. Анвар пошшо Москва ҳукуматига йўллаган ултиматумида Бухоро, Туркистон ва Хивадаги ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва маҳаллий халқларнинг эркин ҳамда мустақил яшаш учун курашдаги букилмас иродасини эътироф этиш ҳақида ёзган эди[3]. Мусулмон қўшинларининг қўмондони Мадаминбек Фарғона фронти қўмондони Сафоновга ёзган хатида маҳаллий халқга ўз хоҳишига кўра яшаш, меҳнат қилиш ҳамда ўз мамлакати ва заминининг эгаси бўлиш имконини бериш, бунга маҳаллий халқ тўла ҳуқуққа эгалиги, негаки, ўлка аҳолисининг аксарият кўпчилигини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этиши ҳақида ёзган эди[4]. Умуман олганда, мазкур ҳаракатнинг мафкураси, худди шўро ҳокимияти қўллаган услуб ва усулларини истисно қилганда, халқнинг маданий-маънавий ўзига хослиги, анъана ва урф-одатларини сақлаб қолишга қаратилган ҳамда прогрессив мазмун-моҳиятга эга бўлиб, миллий ва этник манфаатларга содиқликни ҳимоя қилишни таъминлар эди. Албатта, ҳаракатни бутунича ижобий аснода идеаллаштириб ва мутлақлаштириб бўлмайди, зеро, халқ ва ҳокимият ўртасидаги кескин зиддиятдан нафақат аҳолининг соғлом фикрловчи қатламлари, балки деструктив кучлар, мухолиф ва реакцион ташкилотлар ҳам манфаатдор бўлган эди. Нима бўлганда ҳам, мазкур ҳаракатни Чор ҳукуматининг туб аҳолига зўравонлик билан маданий таъсир кўрсатишига қарши чиқиш ва ўзини ўзи ҳимоя этишнинг ўзига хос шакли сифатида эътироф этиш керак. Т. Рисқулов, Ф. Хўжаев, А. Икромов каби давлат ва сиёсий арбобларнинг тасаввурида маданий-маънавий соҳадаги мустақил миллий сиёсатни, минтақанинг сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш тамойилини миллий мустақил давлатчиликка эга бўлиш имкониятлари берилган тақдирдагина амалга ошириш мумкин эди.

---

[1] Четвертое совещание ЦК КП РКПБ с ответственными работниками республик и областей: Стеногр. Отчет. – М., 1923. – С.31.

[2] Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей (Ф. Ходжаев, Е. Федоров, Т. Рыскулов, С.Гинзбург). – М.: Издание Научной ассоциации Востоковедения при ЦИК СССР. – С.53.

[3] Турин А. Трудный путь к суверенитету // Диалог. – 1991. – №2. – С.18.

[4] Қаралсин: Мадаминбекнинг Сафоновга мактуби // Саодат. – 1993. – №4-5. – 17-бет.

Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда миллий масалани ҳал қилишга тааллуқли қиёсий таққослама материалларда шўро ҳокимияти амалга оширган миллий сиёсат тактикаси ва стратегиясида муайян муштараклик яққол кўзга ташланади. Уларни умумлашган ва синтезлашган шаклда қуйидагича таснифлаш мумкин: бир томондан, Ўрта Осиё минтақаси халқларига нисбатан маданий ривожланиш даражаси паст, тараққий этмаган ва қолоқ деб баҳо берилган, бошқа томондан эса, ушбу минтақага Россия иқтисодиёти хом ашё базасининг манбаи сифатида қаралган, учинчидан эса, мазкур минтақадан миллий муҳитга рус-европа ва рус-шўро маданий-маънавий турмуш тарзини жорий этиш негизида турли хил кенг миқёсли сиёсий экспериментлар ўтказиш макони сифатида фойдаланилган.

Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбек миллатини ҳам давлат ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий нуқтаи назаридан маданий-маънавий ривожланишда қолоқ бўлган миллий-этник бирлик сирасига ёки тоифасига ўхшатиш ёхуд улар жумласига киритиш шунчаки янглишиш эмас, балки ўлка халқларининг тарихий ўтмиши ва маънавий меросига илмий жиҳатдан етарли даражада баҳо бермаслик, улар истиқболини камситиш оқибатидир. Биринчидан, бундай ёндашув замирида Шарқ халқларининг қандайдир номукаммал, бинобарин, интегратив жараёнлар, жаҳон маданияти ҳамда тараққиётига улуш қўшиш лаёқатини паст қилиб кўрсатиш мақсади ётган. Иккинчидан, халқларнинг “ночорлиги ва ёввойилиги”ни юридик жиҳатдан эътироф этиш замирида нисбатан ривожланган мамлакатлар ҳамда халқларнинг “сартлар (аборигенлар) ва маҳаллий кишилар” маданий-маънавий макони ва муҳитига аралашувини объектив зарурат деб таъкидлаш мақсади ётарди. Учинчидан, бундай сиёсат юритиш билан миллий минтақаларнинг маданий ва ижтимоий ривожланиш даражасини бараварлаштириш ғоясини халқаро миқёсда оқлаб кўрсатишга уриниш бўлган.

Фикримизча, ҳар иккала давлат империясининг миллий масалага оид бундай сиёсати ҳар қанча танқидга лойиқ. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Чор ҳукумати 60-70 йиллар мобайнида маҳаллий аҳоли диний эркинлигини тортиб ололмаган бир паллада янги инқилоб ясаган шўро ҳукумати деярли 1-2 йил ичида ҳам диний эркинликни, ҳам миллий-маънавий хусусиятни, ҳам “Яшасин йўқсуллар!” шиори остида миллат, жамият учун керак бўлган зиёлиларни, мамлакат иқтисодиётини юргизувчи бой шахсларни орадан кўтарди. Шу маънода шўро тузуми Чор ҳукумати амалга оширолмаган экспансияни жуда тез вақтларда уддалади. Жаҳон амалиёти кўрсатадики, туридан, мақомидан қатъи назар, ҳар қандай мустамлакачиликни оқлаб бўлмайди. Н.И. Конрад ўз вақтида таъкидлаган эдики, айрим одамлар ўз мамлакатларининг кўп минг йиллик тарихи, ўз халқи маданиятининг улкан тарихий ривожланишидан қонуний равишда фахрланиш билан бир вақтда, бошқа мамлакатларда эришилган ва бундан кам бўлмаган ютуқларни тан олишга қодир бўлмай қолади. Азалдан илғор ва азалдан қолоқ халқлар бўлмайди: Шарқ ва Ғарбнинг цивилизацияга эришган халқлари ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада кўтарилиш даврини ҳам, вақтинча қолоқликка

олиб келган турғунлик даврини ҳам бошдан кечирган. Ўзини ҳамма халқлардан устун халқман деб ҳисоблашга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳар бир миллат ўз қадрини билиши керак, аммо айни вақтда ўз миллатини ўта улуғлаш иллати айрим кишилардаги ўзини улуғлаш иллати каби сароб, зарарли ва кулгулидир[1]. Рус ёзувчиси В. Чивилихиннинг ижтимоий-фалсафий мушоҳадалари Н.И. Конраднинг юқоридаги фикрларига ҳамоҳангдир. Ёзувчи "Память" деб номланган тарихий асарида таъкидлашича, ер юзида улуғ ёки майда халқлар бўлмайди, халқлар кўп сонли ёки кам сонли бўлади. Бунга халқларнинг ўзига боғлиқ бўлмаган турли ҳолатлар сабаб бўлиб, бундай вазиятда бошқаришга ижтимоий янгилик орқали эришиш мумкин. "Жаҳоннинг инсонпарварлик руҳида ривожланишига ишонар эканман, – деб ёзган В. Чивилихин, – кам сонли халқларнинг умумбашарий қадриятлари доимо ортиб боради, деб ўйлайман. Негаки, кам сонли халқларнинг ҳар бири келгуси авлодларга ўз ота-боболарининг тили, урф-одатлари, кўникмалари, бетакрор хулқ-атвори, наслини етказиб беради; агар сўнгги могикан барҳам топса, ёруғ дунё бўшлиққа айланиб қолади, унинг инсонпарварлик моҳияти зарарли бўлиб қолади, виждони булғанади[2]. Мавзудан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, бугунги кунда ўзини бошқа халқлардан устун қўйиш, этник наргислик (сараланганлик), орийлик иддаоси Марказий Осиёдаги баъзи давлат раҳбарлари ва айрим олимларини тарк этмаётгани ҳам мавжуд фактдир[3]. Ҳозирги замон миллатлараро муносабатлар соҳаси бўйича кўзга кўринган мутахассис Р. Абдулатипов халқларнинг қобилиятли ва қобилиятсиз, жасур ва қўрқоқ халқларга ажратиш нотўғри, деб ҳисоблайди. Ҳар қандай халқнинг ҳақиқий миллий ибтидоси инсон шахсини, ўз халқи ва бошқа халқлар қадр-қиммати ва ўзига хос хусусиятларини ҳурмат қилиш каби юксак маданиятга асосланади. Аниқ маънавий йўналишларга эга бўлмаган оммавий онг, – деб ёзади Р. Абдулатипов, – этник устунлик ғоясига кўникувчан бўлиб қолади[4].

Бундай вазият бизнинг кўпмиллатли мамлакатимиз учун долзарб эканлигини эътиборга олиб, мустақилликнинг дастлабки ойларида Президент И.А. Каримов "бошқа миллат ва элатларнинг тенглигини эътироф этган ва уларнинг анъаналарини ҳурмат қилган миллатгина истиқболга эгадир. Миллий ифтихорни бошқа миллат ва халқ вакилларининг худди шундай ҳуқуқларини эътироф этмай тасаввур қилиб бўлмайди"[5], – деб таъкидлаган эди.

Собиқ совет иттифоқининг республикалари ўз мустақиллигига эришган бўлса–да, марказдан туриб бу давлатларда бўлаётган жараёнларга баҳо бериш, уларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган тубислоҳотларнинг моҳиятига тушуниб етмаслик, маънавий қадриятларни

---

[1] Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Наука, 1972. – С.27.
[2] Чивилихин В. Память: Роман-эссе. – М.: Современник, 1984. – С.138-139.
[3] Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. –Т.: O'zbekiston, 2006. – С.50.
[4] Абдулатипов Р.Г. Этнополитология. – Санкт–Петербург: Питер, 2004. – С.320.
[5] Правда Востока. – 1991. – 3 декабрь.

тиклаш борасидаги ишларни тарихни сохталаштириш деб эътироф этиш ҳанузгача муяйян кўринишларда намоён бўлмоқда. Хусусан, Москвадаги халқаро муносабатлар институтининг эксперти Станислав Чернявский “Россия манфаатларига зиён етказиш мақсадида тарихни сохталаштириш уринишларига қарши курашиш” мавзусида 2009 йилнинг декабрида ўтказилган анжумандаги “Ўрта Осиёнинг совет давридаги тарихини талқин қилишдаги субъективизм” деган маърузасида[1], гўёки баъзи собиқ совет республикаларида тарихий жараёнларни ёритиш доим ҳам объектив характерда эмаслигини қайд қилган. Бу борада советлар давридаги тарихий воқеалар сохталаштирилиб, ўз халқини кўкларга кўтариш, унинг ролини бўртириб кўрсатиш ва шунинг ҳисобига Россиянинг бу жараёнлардаги ўрни ва хизматлари камситилилаётганини айтган.

Фикрини асослаш мақсадида С. Чернявский Ўрта Осиё мамлакатлари Россия империясининг саноати учун хом ашё базаси сифатида ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлмаганини, XIX аср – XX аср бошларидаги Россия колонизацияси аввало ўз чегараларини кенгайтириш, яъни босиб олиш иқтисодий мақсадларда эмас, балки сиёсий манфаатларни кўзлаб, Россиянинг халқаро обрўйини ошириш ва чегараларини кучайтириш мақсадида амалга оширилганини эътироф этган. Қолаверса, Россиянинг Ўрта Осиёга кириб келиши, баъзи туркман уруғларининг оқсоқолларининг мурожаати, 1594 йилда қозоқ хонларининг Москва давлати билан бошлаган музокаралари, қирғиз султонларининг XIX асрнинг ўрталарида Россия фуқаролигини қабул қилиши натижасида бўлганини таъкидлаган. Кириб келгандан сўнг Россия бу халқларга кароматлар кўрсатган, хусусан, маҳаллий аҳолини рекрутликдан (ҳарбий хизмат мажбуриятидан) озод этган. Маърузада Россиянинг Туркистон ўлкасига кириб келиши оқибатида кўрсатилган “ёрдам”дан мисоллар келтирилади. Хусусан, қулчилик тақиқлангани, баччавозлик тўхтатилгани, хонликлар ўртасидаги хунрезлик урушларига чек қўйилгани қайд этилган. Чор Россиясининг бундай ижобий ишлари намуналаридан сўнг маърузачи советлар даврида бу республикаларга бўлган ёрдам масаласига ўтиб, Собиқ иттифоқнинг байналмилал ҳокимиятининг асосий фожиаси шундан иборат бўлганки, у аввало бошқа халқларнинг манфаатлари ҳақида ғам еб, ташвиш чекиб, рус миллатини иккинчи даражага чиқариб қўйганлигидадир деган хулосага келади. Мустақил давлатларда тарихни гўёки сохталаштириш борасидаги мисоллар келтириб, Ўзбекистонга ҳам алоҳида тўхталади. Хусусан, унинг фикрича, “босқинчи ва истилочи бўлган” Амир Темир шахсига нисбатан ўзбек давлатчилигининг асосчиси сифатида муносабат кўрсатилаётгани, мактаб ўқувчилари учун тарих китобларида рус истилосидан озод бўлиш даври “Тоталитаризмдан демократияга ўтиш” деб баҳолангани, босмачилик ҳаракати миллий-озодлик учун кураш сифатида эълон қилиниши, “Пахта иши” ўзбек халқини ҳақоратлаш деб топилиши,

[1] Чернявский С. О субъективизме в постсоветской трактовке истории Средней Азии // Инт.: http://www.centrasia.ru/new2.php?st=1262558520. – 2010. – 4 января.

Шароф Рашидовнинг фаолияти эса расмий равишда ижобий деб маъқулланиши маърузачининг ғаштини келтирган.

Маърузадаги айрим диққатга сазовор жойларини келтирдик. Қолаверса, бу каби қарашлар сўнгги пайтларда ҳам учраб турганини эътиборга олиб, ушбу масалага доир фикрларимизни Президент И.А. Каримовнинг қуйидаги таъкидлари билан якунлаш лозим деб топдик: “Минг афсуски, ... – дейди Президент, – тарихий ҳақиқатни англамайдиган ёки англашни истамайдиган чет элдаги баъзи сиёсатчи ва арбоблар ... бизга ақл ўргатишга, азалий ҳаёт тарзимиз, руҳий дунёмизга ёт бўлган қарашларни мажбуран жорий этишга уринмоқдалар”[1].

Юқорида келтирилган тарихий-назарий материаллардан кўриниб турибдики, яқин вақтларга қадар бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам Ўрта Осиё этносларининг тараққиётига оид тарихий жараённи кўрсатишда уйдирмалар мавжуд. Гап шундаки, Октябр инқилобига келиб ҳам ўзбек халқи миллий қадриятлар кўрсаткичлари бўйича бошқа халқлардан устун бўлмаса-да, ҳар ҳолда ўз маданий-маънавий даражасида барқарорликни сақлаб қолган. Шу ўринда туб аҳолининг саводхонлиги борасида қилинган илмий ҳисоб-китоблар ва берилган баҳолар диққатга сазовордир. Айрим муаллифларнинг кўрсатишича, 1917 йилда ҳар 100 нафар ўзбекдан 3 нафари, тожикларнинг эса 2 нафари, туркманларнинг 0,7 нафари саводли бўлган[2]. Бошқа ҳисоб-китобларига кўра, инқилобга қадар ўзбеклар орасида саводлилар 2 фоизни, тожиклар орасида 1,1 фоизни, қозоқлар орасида 1 фоизни, туркманлар орасида 0,7 фоизни, қирғизлар орасида 0,6 фоизни ташкил қилган[3]. Айни вақтда, баъзи материалларда республика туб аҳолисининг саводхонлик даражасини кўрсатувчи бошқа маълумотлар ҳам қайд этилган. Уларга кўра, инқилобга қадар туб аҳолининг 19,6 фоизи саводли бўлган[4]. Ўзбекистон аҳолишунослиги соҳасида кўзга кўринган мутахассис О.Б. Ата-Мирзаев ўз тадқиқотларида академик А. Миддендорф томонидан Фарғонада таълим тизимини ўрганиш натижасида бу ердаги туб аҳоли ўқиш ва ёзишни мукаммал билиши ҳақидаги фикрини келтирган[5]. Ана шу ва бошқа маълумотларнинг ўзиданоқ аниқ-равшан кўриниб турибдики, Ўрта Осиё минтақаси туб аҳолисининг шаъни ва қадр-қиммати, миллий ғурури ва маданиятга дахлдорлик туйғусини ерга уриш ҳукмдор Россия ва тоталитар шўро давлати миллий сиёсатининг усулларидан бири бўлган. Ҳеч қачон, ҳеч бир ҳолатда ва кўламда ўзбек халқининг тарихий, маданий-маънавий ва умумахлоқий мероси тарғиб қилинмаган, намойиш этилмаган. Бу масалада муҳим яна бир фактни мисол тариқасида келтириш мумкин. Чунончи, 1957 йили Москвада чоп этилган кўп томли “Истории философии” китобида

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 11-бет.

[2] Рахманов Н. Осуществление ленинской национальной политики в Средней Азии. – Т.: Фан, 1973. – С.26.

[3] Социально-экономическое развитие Узбекистана за годы Советской власти. – Т.: Узбекистан, 1984. – С.158.

[4] Правда Востока. – 1993. – 3 август.

[5] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.151.

фалсафий тафаккур ривожланишининг икки минг йилдан ортиқ даври 718 бетда баён этилган бўлиб, унда Ўрта Осиё ва Шарқ фалсафаси мактабининг вакиллари учун бор-йўғи 9 бет ажратилган. 1968 йилда чиқарилган 6 томли “Истории философии народов СССР”да Ўрта Осиё ва Озарбайжон фалсафий фикрларига атиги 15 бет бағишланган[1]. Бир қатор бошқа таҳлилий ва статистик маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдаги илмий-маънавий ва маданий ҳаёт ўтмишда ривожланмаган, маҳаллий мутафаккирларнинг баён этган ғоялари эса, назарий ва билим нуқтаи назаридан қимматга эга бўлмаган таассурот уйғотар эмиш.

Ёки бошқа мисол. Собиқ иттифоқ даврида умумтаълим мактабларида тарих курсини ўқитиш ўқув дастурларининг таҳлили 5-11 синфларда СССР тарихини ўрганишга 374 соат, умумий тарихни ўрганишга 612 соат, Ўзбекистон тарихини ўрганишга эса бор-йўғи 50 соат ажратилган. Бунда тақсимот қуйидагича бўлган: 7-синфда 6 соат, 8-синфда 8 соат, 9-синфда 14 соат, 10-синфда 6 соат Ўзбекистон тарихи ўтилганини кўрсатади. Қолган 16 соат эса дастурларга факультатив машғулотлар сифатида киритилган[2]. Бу масалада юзага келган вазиятни Президент И.А. Каримов шундай баҳолаган эди: “...ўз тарихимизни ўзимиз ёзиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолдик. Бировлар томонидан яратилган тарих дарсликларини ўқир эдик. “СССР тарихи” деб аталган дарсликда Ўзбекистондай мамлакатга бор-йўғи 3-4 саҳифа ўрин берилиб, тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида нохолис фикрлар айтилар ёки умуман лом-мим дейилмасди”[3]. Шўролар даврида Шарқ маънавий меросини инкор этилганини тасдиқловчи бошқа материаллар ҳам бор. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ФА Қўлёзмалар институтида 10 минг қўлёзма ва қадимги матбаа китоблари, Шарқшунослик институтида 18 мингдан ортиқ манускрипт сақланаётган бўлиб, улар Шарқ мутафаккирларининг 70 мингдан ортиқ асарини ўзида мужассамлаштирган. Ана шу мероснинг бор-йўғи ўндан бир қисмига яқини жамоатчиликка ошкор этилган[4].

Эътироф этиш керакки, мустақиллик йилларида собиқ шўролар даврида омборхонага айлантирилган, мутаассиблик, қолоқлик белгиси деб қаралган тарихий-маданий қимматга эга обидалар – мадрасалар, масжидлар, зиёратгоҳлар, мақбаралар бутунлай қайта тикланди. Чунончи, Нақшбандий, Ғиждувоний, Ичан Қалъа, Пои Калон мажмуалари, Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарларидаги қўриқхоналар, Мир Араб, Улуғбек, Исмоил Самоний мадрасаларининг қайта тикланганини мисол тариқасида келтириш мумкин. Мамлакатимизда ўзбек маданий-маънавий меросининг устуворлиги ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини тиклаш ишлари бугунги кунда ҳам

---

[1] Бабаярова Р. Возрождение духовности – требование времени // Учитель Узбекистана. – 2004. – 3 декабря.

[2] Правовое государство – независимость, нация, экономика, идеология, политика. Т.1. – Т.: Адолат, 1994. – С.99.

[3] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 133-бет.

[4] Ачилов Н. С почетанием к великим предкам: Духовность и просветительство // Ташкентская правда. – 2004. – 21 апреля.

тизимли равишда давом эттирилмоқда. Маданий қадриятларимизни тиклаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва уларнинг жаҳонда тан олинаётгани ҳақида тўхталиб давлатимиз раҳбари қуйидагиларни таъкидлаган эди: “... Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини яратганини, Берунийнинг илмий жасоратини, Амир Темурнинг бунёдкорлик даҳосини, Улуғбекнинг беқиёс кашфиётларини, арабларга араб тили грамматикасини ўргатган Замаҳшарий меросини, ... яқинда Мисрда ҳайкалини ўрнатганимиз Аҳмад Фарғоний бобомизнинг ўлмас хизматларини нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё тан оляпти, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиряпти”[1].

Ёки бошқа мисол. Ҳозирги кунда мамлакатимиз худудида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган 4 мингдан зиёд моддий - маънавий обида мавжуд.

Бироқ, буюк давлатчилик ғоясига бўйсундирилган миллий сиёсатнинг амалга оширилиши ўзбек миллати ва маънавиятига жиддий зарар кўрсатган эди.

Собиқ шўро даврида миллий давлатчилик барпо этилиши, социалистик миллат шакллантирилиши, давлат тили ўрнатилишининг пировард натижасида Иттифоқда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида миллий масала ҳал этилгани ҳақида жар солинган эди. Бироқ, бу чиқишлар декларатив характерда бўлиб, пухта асосга эга эмас эди. Улар миллатлараро зиддиятларнинг асосий манбаларига барҳам берилганини англатмасди. Социалистик мафкура ва атеизм халқни ўзининг етакчи маънавий ва ахлоқий базасидан – минг йиллик маданиятидан йироқлаштириб қўйди. Ваҳоланки, бу маданият доимо миллатнинг бирлиги ва яхлитлилигини таъминловчи асослардан, миллий руҳ ва хулқ-атвор манбаларидан бири сифатида хизмат қилиб келган. Ўзбек алифбосининг рус графикаси негизида унификация қилиниши, моҳиятан олганда, туб аҳолини ўзининг тарихий, фалсафий, этик, бадиий ва бошқа шу каби меросидан бегоналашувига олиб келди, зеро, худди ана шу мерос орқали кўп асрлар давомида қадимий маданиятнинг илдизлари билан маънавий алоқа ва изчиллик сақлаб келинар эди. Миллий ўзликни англашнинг яна бир томони – тарихий хотира, ота-боболаримизнинг ўз мустақиллиги ва эркинлиги, миллат шаъни ва қадр-қиммати учун курашини ўрганиш, ўзлаштириш ҳам бузғунчиликка дучор қилинди. “Маълумки, шўролар сиёсатига ва коммунистик мафкурага асосланган маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида миллатлараро муносабатлар масалаларига соф сиёсий мақсадлар асосида ёндашилди. Бундай тушунчалар мафкуралашган, синфий тушунча бўлганлиги учун ҳам улар ҳақидаги назарий қоидалар тарих сабоғига чидай олмади ва тузумнинг ўзи каби барбод бўлди. Хусусан, марксча-ленинча таълимот намояндаларининг ҳар бир миллатда икки миллат, ҳар бир маданиятда икки хил маданият мавжудлиги, социализм, коммунизм ривожланиб борган сари миллатлар ўртасида ўзаро яқинлашув

[1] Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 16-17-бетлар.

ҳамда пировард натижада қўшилиб кетиши, халқларнинг ягона янги бирикмаси – “совет халқи”нинг вужудга келиши каби қатор назария ва “изм”ларнинг вужудга келиши тўғрисидаги таълимотлар сафсатадан бўлак нарса эмаслиги энди аён бўлди”[1].

Фикримизча, шўро даврида миллий масалани ҳал этишда жиддий хатоларга йўл қўйилганига сабабли “миллат” тушунчасига ҳам назарий-услубий жиҳатдан нотўғри таъриф берилган. Узоқ вақт давомида шўро илм-фанида сталинча талқин ҳукмронлик қилиб, унга мувофиқ миллатга фақатгина тилнинг умумийлиги, феъл-атвор, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт нуқтаи назаридан таъриф берилган. Бу масала атрофида мутахассислар ўртасида доимо жиддий баҳслар бўлганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, улардан бири ўтган асрнинг 60- йилларида бўлиб, унда “миллат” тушунчасига таъриф тугал эмас, деб баҳо берилиб, унда миллатнинг ижтимоий тузилиши ва ўзини ўзи англаши каби хусусиятлар ҳисобга олинмагани қайд этилган эди[2]. Ю.В. Бромлей бундай белгилар жумласига ижтимоий-иқтисодий жиҳатларнинг муштараклиги[3], И. Мўминов эса маънавият ва миллий маданиятнинг умумийлиги хусусиятларини қўшди[4]. Ҳозирги шароитда мамлакатимиз тадқиқотчилари томонидан ҳам юқоридаги таърифларни маъно жиҳатидан қайта кўриб чиқиш ва тегишлича талқин қилишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада ушбу масалага нисбатан кенг тарқалган, учта асосий ёндашув мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Сиёсий-ҳуқуқий ёндашувда миллат муайян давлат фуқароларининг уюшуви деб талқин этилади. Бундай изоҳ ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам кенг қўлланилади. Ижтимоий-маданий ёндашувда урғу миллатни ташкил этувчи гуруҳнинг тили, маданияти, дини, урф-одатлар ва анъаналарининг умумийлигига берилади. Яъни миллат бу умумий маънавий маданият, тарихий ривожланиш ва маиший турмуш тарзи хос бўлган одамлар бирлигидир. Учинчи ёндашув биологик хусусиятлардан келиб чиқиб, миллатнинг қондош бирлигини асосий белги сифатида эътироф этишга таянади. Бундай талқин Япония ва Германия мамлакатлари учун хосдир[5]. “Миллат” тушунчасига бўлган ёндашувларни бир-биридан фарқланишини қайд этиш билан бирга, ушбу масала юзасидан мамлакатимизнинг айрим мутахассисларининг қарашларидан мисоллар келтириш лозим деб ҳисоблаймиз. Масалан, Р.Р. Назаров миллат деганда, муштаракликнинг икки турини: бир томондан, ижтимоий синф, профессионал гуруҳ қатламлари ва шу кабиларнинг, бошқа томондан, (этник) қабила, элат, этник гуруҳнинг уйғунлиги, яъни этноижтимоий муштаракликни тушунади[6]. М. Орипов эса

---

[1] Мусаев О.Р. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ijod dunyosi, 2004. – ....б.

[2] Қаралсин: Вопросы Истории. – 1966. – №1, 6, 12; Ўша ерда. – 1967. – №1, 6, 7; Ўша ерда. – 1970. – №8.

[3] Бромлей Ю.В. Основные разновидности национальных общностей // Научный Коммунизм. – 1990. – №1. – С.32.

[4] Муминов И.М. Избранные труды. Т.2. – Т.: Узбекистан, 1970. – С.467-470.

[5] Хайдаров А.А, Тулаганова Н.У, Гафуров С.М. Основы политологии: Учебное пособие для студентов. – Т.: (издательство), 2003. – С.197.

[6] Назаров Р.Р. Национальные отношения как объект социально-политического управления: Автореф. дис. … канд. филос. наук. – Ташкент, 1995. – С.13.

аксинча, миллат этнос ҳам, этник муштараклик ҳам эмас, балки одамларнинг тарихий қарор топган муштараклигининг ўзига хос қотишмаси бўлиб, унинг асосини давлатчилик ташкил этади, деб ҳисоблайди[1]. И.Р. Хўжамуродов кўпроқ миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятида ифодаланадиган миллий психология ва феъл-атворни ажратиб кўрсатиш тарафдори[2]. Саъдулла ва Сарвар Отамуродовларнинг фикрича, миллат ўз давлатчилигига эга бўлган, маълум бир худудда яшайдиган, ягона тил, миллий ўзини англаш руҳий ҳолати, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари мавжуд, иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлган этник бирликдир[3]. Ж. Бахронов миллатни таърифлашда унинг маънавий томонларига аҳамият бериш лозимлигини қайд этади[4]. Н. Назаровнинг ишларида “миллат”, “этнос” тушунчаларидан ташқари ”макроэтнос”, “микроэтнос”, “субэтнос”, “ирредента” терминлари ҳам тадқиқ қилинган. Муаллифнинг фикрича, бу тушунчаларнинг талқини этник ва миллатлараро жараёнларнинг моҳияти ва мазмунини янада чуқурроқ ёритиш имконини беради[5]. А. Очилдиев миллатлараро тотувлик масалаларига тўхталиб, маҳаллий бўлмаган миллатларнинг руҳиятига, манфаатларига хос хусусиятларга алоҳида эътибор бериш талаб этилишини таъкидлайди[6].

Юқорида келтирилган таърифлардан кўринадики, муаллифлар миллатнинг жиддий аҳамиятга молик жиҳати, яъни миллат маданий-маънавий муштаракликни англатиши ҳақида якдил фикрдалар. Миллатга доир сифат муайянлигини тавсифловчи бошқа жиҳатлар бўйича мунозара қилишни бир четга суриб қўйиб, таъкидлаш лозимки, миллат ҳақида унинг моҳиятидан келиб чиқиб ва мазкур китобда тадқиқ қилинаётган муаммони ҳисобга олган ҳолда унга юқорида тилга олинган маданий муштараклик сифатида баҳо берилганида янада аниқ тасаввур ҳосил бўлади. Миллатга таъриф берилганда унинг ижтимоий, этник қиёфаси янада яққол ва яхлит кўриниш касб этиши шак-шубҳасиз, бироқ маданий муштараклик миллатнинг ўзига хослигининг муҳим кўрсаткичи, деб ўйлаймиз. Айни бир миллатни бошқа миллатдан фарқланиши, миллий ўзига хослиги ҳар қандай миллий этник муайянликни шакллантириш механизми бўлиб хизмат қилади, миллий характер ва феъл-атворнинг муштараклиги ҳамда уларнинг бошқа миллатларникидан фарқ қилиши ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилади. Бу жиҳат айни маданий-маънавий соҳада кўпроқ кўзга ташланади. Албатта, бу фикрга қўшилиш ва уни қўллаб-қувватлаш ёки инкор қилиш ҳам мумкин, бироқ тарихий ўзини ўзи англаш ва миллий меросга, ахлоқий кодекслар

[1] Арипов М. Нация – объединение не этническое, а государственное // Азия (международная газета). – 1994. – №31. – С.5.

[2] Хужамурадов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама: Автореф. дис. … докт. филос. наук. – Ташкент, 1994. – С.18.

[3] Отамуродов С., Отамуродов С. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 38-бет.

[4] Бахронов Ж. Проблемы национального самосознания личности в политике государства Узбекистана: Дис. ... докт. полит. наук. – Ташкент, 1995. – С.36.

[5] Назаров Н. Этносоциальные процессы в условиях независимости. – Т.: Типография Ташкентского финансового института, 2008. – С.11.

[6] Очилдиев А. Миллий ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 127-бет.

ҳамда маънавий ахлоқий қадриятларга, анъана ва урф-одатларга таянувчи айни маданий муштараклик миллий характер бетакрорлик ва ўзига хослиги жиҳатидан ноёб эканини намоён этади.

Бундай тавсифлар умумлаштирилганда давлат ва миллатнинг ўзаро муносабатлари ҳамда биргаликдаги ҳаракатлари ғояси масаласи, аниқроқ айтганда, “миллий сиёсат” тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиши муқаррар.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда жаҳонда 3 мингга яқин миллат, улар ўз навбатида, инсониятнинг ўрта ҳисоб билан 96 фоизини бирлаштирган ҳамда атиги 4 фоизгина элатлар ва қабилалардан иборатдир[1]. БМТ томонидан эътироф этилган давлатларни ҳисобга олганда, 200 га яқин суверен давлат мавжуд. Жаҳондаги ҳар тўрт давлатнинг учтасида аҳолининг чорагидан камроғини ташкил этувчи миллат вакиллари истиқомат қилади. Жаҳонда фақатгина битта миллатдан иборат давлатнинг ўзи йўқ, мамлакатларнинг 40 фоизида этатним ва этноним бир-бирига мос келмайди[2]. Давлат миллий-этник ўзига хослик ва аломатларнинг бутун спектрини ўз доираларида мужассамлаштириш ва жамлаш ҳамда уларни ўзининг функционал ваколат тизимида қамраб олиш имкониятига эга эмас. Бироқ, бу фикр давлат фақатгина миллий ўзига хосликни қайд этишга қодир, деган маънони англатмайди.

Бинобарин, давлат ўз табиатига кўра миллатнинг кўзгудаги акси эмас экан, у миллий маданий-маънавий менталитетнинг асосий элементи сифатларини ўзида мужассамлаштиришга интилади. Пировард натижада, ана шу аснода етакчи миллат ва аҳоли таркибига кирувчи бошқа халқларни ривожлантиришнинг давлат сиёсати юзага келади. Миллий сиёсатга – бутун халқни миллий-маданий муштаракликка жалб этиш мақсадида режали ҳамкорлик қилиш ва шу тарзда бутун халқни миллий характердаги муштаракликка айлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган сиёсат сифатида қараш, яъни миллий сиёсат деганда, миллий кўпчиликни монополияга айлантириши ва мазкур маданий муштаракликка бошқа этник миллий гуруҳларни бўйсундириш воситаси сифатида тушуниш муайян даражада собиқ Иттифоқда амалга ошган бўлиб, ўзининг нобоблиги ва номақбуллигини тўла-тўкис исботлади. Шўро давридаги марксизм-ленинизм адабиётида синфлар ва миллатларга, ижтимоий ва маданий сиёсатга аниқ таъриф берилган, аммо “миллий сиёсат” тушунчасининг тугал таърифи бўлмаган. Бу ўринда сўз “миллий сиёсат” тушунчасига назарий-услубий жиҳатдан таъриф бериш мураккаб эканида эмас балки, бундай таъриф концентрлашган ва синтезлашган тарзда ижтимоий муносабатлар борасидаги ўта мураккаб муаммолардан бирини ҳал қилиш бўйича муайян давлатнинг ҳаракатлари ва тадбирларининг бутун мажмуини қамраб олади. Табиийки, бу ўринда материалистик услубиётдаги нуқсонлар ва номукаммалликларни ҳам сабаб қилиб келтириб бўлмайди, чунки бундай услубиёт социалистик мафкура ҳукмрон бўлган даврда шўро жамияти тарихий тараққиётининг ҳар

---

[1] Мустақиллик. Изоҳли илмий - оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 2009. – 212-бет.

[2] Котов А. Самоопределение наций и свобода национального развития // Азия (международная газета). – 1994. – №35. – С.7.

бир босқичида ленинча миллий сиёсатга тор ва кенг доирада таъриф бериш имкониятини бой бермас эди. Ҳақиқатан ҳам партия съездлари ва пленумлари ҳужжатларида, сиёсий ва давлат арбобларининг маъруза ҳамда нутқларида, жамиятшуносларнинг умумлаштирма ва хулосаларида “миллий сиёсат”нинг энг муҳим элементлари регламентлаб қўйилган эди. Уларда умумий тарзда берилган таърифга кўра, миллий сиёсат миллий минтақаларнинг ривожланиш даражасини иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан бараварлаштириш, миллатлар ва элатларнинг яқинлашуви ҳамда бирикуви жараёнини мафкуравий жиҳатдан таъминлаш, халқларнинг бир хил ва ягона социалистик турмуш тарзини шакллантириш, маъноси ва тузилиши жиҳатидан бир хил бўлган маданий-маънавий маконни қарор топтириш бўйича партия, давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган стратегик йўлидир. Ана шу кўрсатмалар доирасида маданий-маънавий қадриятлар тизимини байналмилаллаштириш ва унификация қилиш йўллари, шакл ва услублари, миллий анъана ва урф-одатлар, ахлоқий кодекслар ҳамда қоидаларни сақлаб қолиш ва тарқатиш, миллий ўзига хослик ва фарқланувчи аломатларга барҳам беришнинг механизм ва воситалари белгиланган. Мазкур жиҳатларнинг барчаси КПСС Марказий Қўмитасининг сўнгги пленумларидан бирида ҳозирги босқичда партиянинг миллий сиёсати тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш вақтида ўз тасдиғини топган. Шуниси диққатга сазоворки, агар партиянинг аввалги анжуманларида иқтисодий ва техникага оид муаммолар мунозараларнинг марказида турган бўлса, юқорида тилга олинган пленумда тарихий миллий-анъанавий ўзига хосликни қайта тиклаш жараёнларини рағбатлантириш, миллий ва байналмилал қадриятлар, миллатлараро муносабатлардаги тил, хўжалик ва маданий жиҳатларни уйғунлаштириш каби маънавий соҳаларга бир оз бўлса-да, устунлик берилди[1]. Муқаддам Бутуниттифоқ партия конференциясининг “Миллатлараро муносабатлар тўғрисида”ги махсус резолюциясида ва маърузанинг мазкур муаммога доир бўлимида мамлакатда миллий масаланинг ҳал этилишида йўлга қўйилган жиддий хато ва камчиликлар эътироф этилган бўлса-да, аммо партия принципиал масалалар юзасидан ўзининг аввалги ортодоксал ёндашувдан воз кечмаган ҳолда, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, республикаларнинг реал ва мустақил миллий давлат мақомини олиши ҳақидаги ва шу каби бошқа ғояларга қўшилмади[2]. Моҳиятан олганда, бу соҳада партия ичида юзага келган танглик ҳам мавжуд миллий сиёсатнинг мутлақо номақбуллигидан далолат берарди. “Суверен Республикалар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома” лойиҳасида аҳволни ўнглашга уриниб кўрилди. Мазкур ҳужжатда ҳар бир республика суверен давлат экани, ўзининг ривожланишига тааллуқли барча масалаларни мустақил ҳал этиш ҳуқуқи сақлаб қолиниши, миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиш борасида барча ваколатларга, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимига эга экани қайд этилган эди[3]. Бироқ, бир қатор ўта муҳим

---

[1] Материалы Пленума ЦК КПСС (19-20 сентябр 1989 г.). – М.: Политиздат, 1989. – С.22-24.
[2] XIX Всесоюзная конференция КПСС // Коммунист Узбекистана. – 1988. – (номер).
[3] Проект договора о Союзе суверенных государств // Известия. – 1991. – 9 марта.

вазифалар, шу жумладан, миллий сиёсатни ва энг аввало, ягона мафкура, маданият ва маънавият маконини ривожлантириш бўйича миллий сиёсатни шакллантириш марказ қўлида сақлаб қолинган эдики, бу ҳол моҳиятан олганда республикаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, маданий-маънавий ҳаётни ўзи танлаш ва ташкил этиш масалаларини ҳал қилишида аввалги диктат ва монополия сақлаб қолинишини англатар эди.

Ўзбекистон Республикасининг иттифоқ таркибидан чиқиши мустақил миллий сиёсатни ишлаб чиқиш имкониятини берди. Бундай сиёсатнинг асосий принциплари Олий Кенгашнинг "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёноти ва "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонунда ифодалаб берилди[1]. Ана шу ҳужжатлардаги қоидаларнинг кўпи кейинчалик ўз тасдиғини топиб, Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Юқорида таъкидлаб ўтилган давлат ҳужжатларининг барчасида Ўзбекистон бундан буён ҳам чинакам байналмилал республика бўлиб қолиши[2], миллатидан қатъи назар, барча фуқаролар Ўзбекистоннинг суверен халқини ташкил этиши[3] ғоялари таъкидланди ва мустақил миллий сиёсатни амалга оширишнинг асосини ташкил этди.

Ўзбекистоннинг бутун тарихида биринчи марта мустақил равишда амалга оширилаётган ўз миллий сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати нафақат республикада аҳоли таркибининг кўп миллатли экани, геосиёсий маконда миллатлараро кескинлик манбалари мавжудлиги, балки республикадаги барча халқларни жамиятимизни сифат жиҳатидан янгилашнинг фаол жараёнига жалб этиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат умумий мақсадга эришишда миллат ва элатларнинг меҳнат, касб ҳамда интеллектуал салоҳиятини максимал даражада сафарбар этиш эҳтиёжини тақозо этди.

Маълумки, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат, элатлар яшайди. Бироқ, Ўзбекистонда "оз сонли миллат" атамаси ниҳоятда кам ишлатилади ёки ишлатилмайди. Ўзбек халқи бу билан умумий уйимиздаги бошқа барча халқлар мавқеини камситишни истамайди[4].

Собиқ иттифоқ ва ҳозирги мустақил Ўзбекистон юритаётган миллий сиёсатнинг назарий-услубий таҳлили ва мазмуни, тузилиши, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишига қиёсий ёндашув бир қатор принципиал жиҳатларни аниқлаш имконини беради. Биринчидан, шўро миллий сиёсати доирасида кадрлар масалалари устувор даражада партия давлат монополияси ва номенклатура тизими асосида ҳал қилинган. Бунда ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва юқори лавозимга тавсия этиш марказ томонидан қатъий равишда белгиланиб, республика кадрлар таркиби асосан аҳолининг рус тилида сўзлашувчи вакиллари ва мамлакатнинг бошқа минтақаларидан

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1991. – №11. – 246-модда.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 4-бет.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 5-бет.
[4] Мусаев О.Р. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ijod dunyosi, 2004. –11-бет.

кўрсатилган вакиллар ҳисобига таъминлаб борилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ўз сиёсатида қайси миллат ва партияга мансублиги, сиёсий ва диний эътиқодидан қатъи назар, ўзининг ибратли сифатлари билан кўзга кўринган профессионал кадрлар ва мутахассисларга устунлик беради.

Иккинчидан, собиқ Иттифоқда ахборот-маънавий макон партия мафкураси негизида шакллантирилган ва ривожлантирилган бўлиб, унинг мазмун-моҳиятига боғлиқ тузилмаси, энг аввало, марказий бошқарувнинг ғоявий-сиёсий фикрлари ва манфаатларига, аҳолининг психологик ҳолатига қараб белгиланган. Тарғибот, тарбия ва шу каби соҳаларнинг бутун тизими махсус давлат хизматлари, цензуранинг қаттиқ назорати остида турган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг миллий сиёсатида конституциявий қоидалар, давлатнинг қонунлари ва норматив ҳужжатларига мувофиқ ахборот-маънавий маконининг демократлаштирилиши, ошкоралиги учун шарт-шароит ва имкониятлар берилади, бунда мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг маданият, дунёқараш, сиёсат борасидаги серқирра манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари ҳисобга олинади.

Учинчидан, агар собиқ Иттифоқнинг миллий сиёсатида расмий муомала соҳасида рус тилидан фойдаланиш ва уни қўллашни кенгайтиришга устуворлик, рус тилини билиш шарт экани ва бу ҳол миллат ҳамда элатларнинг ривожланишига дахлдор кўплаб масалаларнинг ҳал этилишида ҳисобга олинган. Миллий маданиятни, маънавий муҳитни руслаштириш сиёсати амалга оширилди. Қиёслаб таъкидлаш мумкинки, мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳукмрон янги мафкура туб миллатнинг тилини давлат тили сифатида эътироф этиб, барча тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бошқа миллат ва элат вакилларига таълим олиш, касб-ҳунар ўрганиш, ўз тилидаги маънавий меросдан фойдаланишда шарт-шароит ва имкониятлар яратиш принципларига таянади.

Тўртинчидан, собиқ Иттифоқнинг миллий сиёсатида диний, аҳлоқий қадриятлар ва маънавий, айниқса, теологик мерос маданиятга зид кўриниш сифатида таснифланиб, виждон эркинлиги ва диний эътиқод курашувчан атеизм ёрдамида тийиб турилган. Бунинг оқибатида турли миллат ва элатлар вакиллари ўз маънавиятининг тарихий илдизларидан амалда бегоналаштирилган бўлиб, аввалги авлод билан алоқалари узилиб қолган эди. Ўзбекистон Республикасининг миллий сиёсати диний эътиқодлар ва оқимларнинг серқирралигини сақлаб қолиш, конфессиялар ва бошқа бирлашмаларнинг эркин амал қилишига, уларнинг ижтимоий муносабатлар тизимида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, янгиланиш жараёнида тўлақонли иштирок этишига, маънавият, халқнинг ахлоқ ва удумлари қайта тикланишига қаратилган.

Бешинчидан, собиқ Иттифоқнинг миллий сиёсати умумиттифоқ ва байналмилал анъаналарга, миллат ва элатларнинг турмушига бир хилдаги миллий қадриятларни жорий этиш, барчада маданият ва маънавиятга доир стандарт эҳтиёжлар, манфаатлар, дидни шакллантиришга афзаллик, устувор аҳамият берилган. Бунинг акси ўларок, Ўзбекистоннинг миллий сиёсати тарихий ва турмушнинг анъанавий шаклларини қайта тиклаш маънавий-

ахлоқий жиҳатдан бойитиш ва такомиллаштириш учун ижтимоий ҳамда ҳуқуқий базани имкон қадар кўпроқ ва юқорироқ даражада яратиш, ўз халқининг тарихи тўғрисидаги, миллий руҳияти ва феъл-атвори, ўзига хос менталитети ҳақидаги билимларни қайта тиклашга қаратилган.

Миллий масала ва маданий-маънавий соҳадаги миллий сиёсатга ёндашувдаги фарқларнинг рўйхати ўз қамровига кўра кенг ва бой, тузилиши бўйича эса, серқирра ва сермазмунлиги шак-шубҳасиздир. Таъкидлаш керакки, "ленинча миллий сиёсат" ўзи амал қилган узоқ тарихий муддат давомида одамларнинг онги ва психологиясига сингиб кетган кўплаб шиорларга эргашувчи стреотиплар, беқарор қолиплар, ақида ва асоси йўқ қоидалар яратган. Бу сиёсатни рўёбга чиқаришнинг мослашувчан ва мобил шакллари ҳамда механизмларининг, ўзлаштириш осон бўлган жозибадор ва енгил шиор ҳамда чақириқларнинг бутун бир мажмуаси ишлаб чиқилган бўлиб, аҳолининг турли қатламлари томонидан ижобий қабул қилинган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам ўзининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини сақлаб қолган, назарий-услубий жиҳатдан аҳамият касб этади. "Шўролар даври, ... изсиз йўқолди, деб ўйлаганлар хато қилади. Бу даврда шаклланган муайян қадриятлар бор. Кишилар онгига ижтимоий тенглик тушунчаси яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкура кириб қолган"[1] деб таъкидлайди И.А. Каримов.

Амалий ўзгаришлар жараёнида юзага келаётган карама-каршиликларни демократик ҳал этиш борасида етишмаётган билим ҳамда тажрибанинг ўрнини тўлдиришда ўзи танлаб олган йўл истиқболли эканидан далолат бермоқда. Шу билан бирга, миллий сиёсатнинг мазмуни ва тузилишини сифат жиҳатидан ижтимоий-маданий элементлар билан бойитишда бу сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари намоён бўлмоқда. Фикримизча, пировард натижада миллий давлат менталитетининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берувчи ижтимоий-сиёсий элементлар жуда жиддий аҳамиятга эгадир. Бу ўринда, энг аввало, мустақил давлатнинг миллий сиёсати:

– Конституция ва қонунлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, мамлакатда яшовчи турли миллат вакилларининг тенглиги ҳамда адолатни таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари тизимига таяниши;

– халқларнинг ўзаро тотувлиги ва дўстлиги, миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни уйғунлаштиришга асослангани, ҳар бир миллат ва элат гуруҳининг тарихий миллий-анъанавий ўзига хослиги негизида ўзининг маънавий ҳаётини шакллантиришда миллий-маданий автономия ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини эътироф этишга;

– халқларнинг жипслашувига эришишга қаратилган умуммиллий мақсадли вазифаларга, халқлар ўртасида миллий тотувлик ва фуқаровий тинчлик ўрнатишга, маънавий-ахлоқий меъёрлар ва қоидаларнинг, турли халқлар маданияти ва маънавияти тизимларига хос қадриятларнинг бир-

---

[1] Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат ва мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 14-бет.

бирига мос келадиган мезонлари ҳамда параметрларидан фойдаланиш негизида миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга;

– маданий-маънавий маконни жипслаштириш, Ўзбекистондаги барча халқлар учун умуммиллий анъаналар ва урф-одатларни шакллантириш, уларнинг ватанпарварлик ва миллий ғурур, қадр-қиммат, инсонпарварлик ва мурувват сифатларини оширадиган аҳлоқий меъёрларни шакллантириш, ўзаро тушуниш ва бардош, мажбурият ва бурч, барча халқлар тарихи, тили ва маданиятини ўзаро ҳурмат қилиш зарурлигини англашга;

– давлат халқларнинг маънавий турмуши соҳасидаги бош ислоҳотчи ҳамда миллатлар ва халқларнинг маданиятини ривожлантиришда асосий тартибга солувчи бўлиб, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос маданиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, маданий-маънавий меросини муҳофаза этиш, Ўзбекистоннинг манфаатлари йўлида барча ижодий ва интеллектуал иқтидорни ҳар томонлама рағбатлантиришни қонунчилик базасида амалга ошираётганини эътироф этишга асослангани назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси миллий сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини, унинг асосий қоида ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, у давлатнинг Конституция ва қонунларига, давлат мустақиллиги ва миллий ғоя мафкурасига, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ягоналиги ҳамда яхлитлигига, биринчи навбатда, инсонни уйғун ривожлантириш ва инсон салоҳиятини фаоллаштиришга қаратилган миллий омилга, халқларнинг бир миллатнинг бошқасидан устунлигига йўл қўймайдиган маданияти ва маънавиятига таянадиган комплекс дастуридир. Ушбу таъриф табиийки, миллий масалани ҳал этишдаги муаммоларнинг бутун жиҳатлари ва қирраларини акс эттирмайди, аммо, фикримизча, принципиал жиҳатдан ёндашганда, унда миллий сиёсатининг назарий асослари ўз аксини топган. Ўзбекистоннинг миллий давлат сифатида ўз тақдирини ўзи белгилаши кўпгина миллатлар ҳамда халқлар учун фуқаролик ва миграция, икки тиллилик ва бандлик, касб ва хизмат бўйича ўсиш, ўз она тилида ахборот олиш ва ўзининг тарихий меросини ўрганиш каби эҳтиёжларни қондириш учун шарт-шароитлар яратилганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бинобарин, қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилмаслиги миллатлараро муносабатларда, айниқса, маданий-маънавий соҳалардаги муносабатлардаги зиддиятларни чуқурлаштириб юбориши мумкин. Этник устуворлик ва маданияти юксак тараққий топганлик ғояси негизида миллий кўпчиликда шовинизм ёки бошқа халқларда миллатчилик иллатлари юзага келиши ва намоён бўлиши мумкинлигини истисно қилиб бўлмайди. Шунинг учун турли миллат вакилларининг ўзаро тинч-тотув яшашлари, ҳамкорлик, ўзаро билим, тажриба ва қадриятлар алмашиш зарурлиги, фуқаровий муштараклик ва қариндошлик, битта кўп миллатли давлат суверен халқининг ягона ва яхлитлигини ҳис қилиш, Ўзбекистон уларнинг барчаси учун ҳақиқий Ватан эканлигини англаб етиш туйғусини шакллантириш ғояси мамлакатимиз миллий сиёсатининг асосий жиҳатини ташкил этади.

## 1.2. Маънавий янгиланиш жараёнини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари

Миллий сиёсат соҳасида этник ва умуминсоний, миллий ҳамда байналмилал қадриятларнинг ўзаро муносабати муаммосига доимо энг муҳим ва белгиловчи жиҳат сифатида қаралган, илмий-назарий соҳада эса, бу муаммо аллақачон жиддий эътибор қаратиладиган ва жадал тадқиқотлар олиб бориладиган объектга айланган. Чунки, миллат ва элатларга хос хусусиятлар, уларнинг қай даражада тараққий этгани ҳамда етуклиги даражасига баҳо бериш уларнинг жамият, инсонлар турмуш фаолиятининг турли соҳаларидаги ўзаро алоқа ва муносабатлари ҳолатига боғлиқдир. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, бош ислоҳотчи – давлат томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларда босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мазкур муаммо ижтимоий-фалсафий фандаги етакчи ва устувор масалалардан бирига айланди[1].

---

[1] Гаибов Н. Научно-духовные мысли Центральной Азии: некоторые направления и вклад в мировую цивилизацию. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 208 с.; Мирза-Ахмедова П.М. Классика и современность в аспекте взаимодействия. – Т.: Академия, 2008. – 149 с.; Джаббаров И. Узбеки (Этнокультурные традиции, быт и образ жизни). – Т.: Шарк, 2007. – 288 с.; Астанаев Қ.С. Ўзбекистон жамияти ижтимоий иқтисодий негизлари янгиланишининг ғоявий сиёсий муаммолари: Сиёс. фанл. номз. … дис. автореф. – Тошкент, 2008. – 20 б.; Юнусова Н.Ш. Маънавий маданият тизимининг фалсафий таҳлили: Фалс. фанл. номз. … дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 21 б.; Тиллаволдиева М.Х. Мафкура ва ижтимоий тараққиёт. Ўзаро алоқадорлик муаммолари: Фалс. фанл. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро боғлиқлиги муаммоси азалдан мавжуддир. Ўрта асрлардаёқ Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ҳар бир халқнинг турмуш тарзида шу халққа хос этник хусусиятлар бошқа миллатда ҳам учрашига эътиборни қаратганлар. Ҳар қандай бирликнинг маданияти турли маданиятларнинг уйғунлашувидан таркиб топиши, ўртадаги фарқ халқларни яқинлаштириши, турфа хиллик эса, ўзига хос уйғунликни юзага келтиришини, "ўзининг" ва "ўзганинг" деган тушунчалар ҳар бир нарсага хос эканини эътироф қилганлар. Масалан, Беруний "ер фақат бизга қарашли", "одамлар фақат бизнинг халқимиз вакилларидир", "подшолар фақатгина бизнинг ҳукмронларимиз", "дин фақатгина бизнинг эътиқодимиз", "фан фақатгина бизга қарашли" қабилида фикрлаган одамларни қоралаган[1]. Ал-Киндий эса, асл ҳақиқат – бизга жуда йироқ бўлган қабилалар ва қўшни мамлакатлар халқларидан келиб чиққан бўлса ҳам уни маъқуллаш ҳамда ўзлаштириш лозимлигини таъкидлаган[2]. Қатор олимларнинг илмий ишларида барча даврлардаги турли фалсафий оқим ва мактаблар вакилларининг миллий этник ҳамда умуминсоний қадриятларнинг бир-бирига сингиши жараёнларига бўлган муносабатлари, аниқ тарихий материалларни таҳлил қилиш орқали халқлар бир-бирининг маданий-маънавий қадриятларидан баҳраманд бўлишининг характери ҳамда мазмун-моҳияти очиб берилган[3]. Уларнинг фикрича, ўтмишда турли этнос ва динларга мансуб бўлган одамларнинг ўзгаларнинг анъана ва урф-одатларига муносабати ҳозирги даврдаги ҳолат билан қиёслаганда, очиқлик ва интеграциялашувга мойиллик кучлироқ бўлган.

Миллий қадриятларда байналмилал ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги масаласига оид марксистик ва номарксистик концепциялар ҳамда қарашларга берилган қиёсий баҳо уларнинг бир-биридан тубдан фарқланиши кўрсатади. Гап шундаки, буржуазия жамиятида миллатлар ва маданиятларнинг ривожланишидаги икки тамойил тўғрисидаги марксистик талқинда уларнинг мазмунида, энг аввало, синфий тусга эга бўлган фарқлар мавжудлигига урғу берилса, номарксистик талқинда назарий асос мутлақо бошқа қоидаларга таянади.

Услубий ёндашувлардаги фарқ миллий ва интернационал қадриятларга баҳо беришда назарий хулосаларнинг турфа хиллиги, уларнинг мутаносиблиги ва устувор аҳамиятини ҳам белгилаб берди. Бу ҳол шўро ҳокимиятининг миллий сиёсатида ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, унинг оқибатлари мазкур тадқиқотнинг аввалги бўлимида баён этилган. Албатта, ҳозирги янги сиёсий вазият ва дунёқараш принципларидан келиб чиқиб қаралганда, миллий ва интернационал, этник ва умуминсоний қадриятларга тарихий ва бугунги воқелик нуқтаи назаридан берилган муайян тавсифнинг

---

[1] Беруни Абу Райхан. Избранные произведения. Т.2. – Т.: Академия наук УзССР, 1963. – С.67-68.

[2] Избранные произведения мыслителей Ближнего и Среднего Востока (IX-XIV вв.). – М.: Соцэкгиз, 1961. – С.59.

[3] Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (Уйғониш даври маданияти). – Т.: Фан, 1994. – 80 б.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 414 б.; Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – 200 б.

аҳамияти борасида ҳар жиҳатдан ва турли даражада мушоҳада юритиш имкони мавжуд. Бироқ, қандай бўлганида ҳам илмий билиш тизимида кретицизмни ўтмишни кўр-кўрона рад этиш ёки қоралаш, шу жумладан, собиқ Иттифоқдаги миллатлараро муносабатларни рад этиш ёки қоралаш механизмига айлантириб бўлмайди.

“Интернационал қадрият” ва “умуминсоний қадрият” тушунчалари, гарчи “миллий қадрият” тушунчасига қарама-қарши қўйилса-да, бир-бирига ўхшаш (уларни бирлаштириб турувчи умумий жиҳатлар ва сифатлар мавжуд бўлса ҳам), бўлишига қарамай, уларни айнийлаштириш мумкин эмас. Шу билан бирга ушбу феноменларнинг ҳар бири ижтимоий табиати ва моҳиятига кўра, турли маданий-маънавий ва ахлоқий жиҳатларга эга бўлса-да, уларни бир бирига қарама-қарши қўйиб ҳам бўлмайди. Шак-шубҳасиз, дастлаб пролетар, кейинчалик эса, социалистик интернационализм ғояси ушбу феноменларнинг уйғунлашувига ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан катта зиён етказган. Айрим муаллифлар “интернационаллик” тушунчасини рад этиб, уни “умуминсоний” категорияси билан алмаштириш тўғрисидаги фикрга қўшилиб бўлмаслигини қайд этади. Уларнинг фикрича, интернационалликнинг мақсади, ижтимоий онг ва ижтимоий амалиётдаги ўрни хусусида янги илмий ёндашувни ишлаб чиқиш, унинг асл маъно ва аҳамиятини тиклаш зарур[1]. Фикримизча, ҳозирги замон ахборот маконида интернационаллик ҳеч нарсани англатмайдиган ва реал ҳаётни акс эттирмайдиган тарғибот шиори деб эълон қилинишини ҳисобга олсак, юқоридаги хулоса эътиборга лойиқдир.

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, миллий анъана ва урф-одатлар халқнинг ахлоқий принциплари ҳамда эстетик идеалларини ўзида жамлаб, пировард натижада ўзаро мулоқот ва ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисалар ифодасининг барқарор шакллари бўлиб, у, бир томондан миллатнинг ўз–ўзини англашининг бир қисмига айланади, бошқа томондан бутун инсоният учун аҳамиятли бўлган қадриятлар сифатида намоён бўладии[2].

Қатор илмий тадқиқотларда умуминсоний қадриятларнинг миллий қадриятлар билан уйғунлашуви ҳамда миллий қадриятлардан интернационал қадриятларни бойитиш учун фойдаланиш тўғрисидаги ғоя эътироф этилади[3]. Бошқа илмий изланишларда интернационал қадрият жамият тарихий

---

[1] Юнусов А.М. Демократизация общества и взаимодействие национального и общечеловеческого в развитии духовных ценностей: Автореф. дис. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 1995. – 48с.; Азимова Д.С. Национальное, региональное и общечеловеческое в культуре народов Центральной Азии в условиях независимости: Дис. ... докт. филос. наук. – Ташкент, 2000. – 231 с.; Ўтамуродов А. Маънавий-маърифий бағрикенглик – миллий тараққиёт кафолати // Фалсафа ва ҳуқуқ. – 2007. – №2. –12-14-бетлар;

[2] Мухитдинова Д.М. Национальная эстетическая культура: самобытность и проблемы развития: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент, 2005. – 21 с.; Ғаниев Ж. Тикланаётган қадриятлар // Тафаккур. – 2008. – №2. – 4-10-бетлар; Аҳророва Ш. Миллий қадриятлар-миллат бешиги // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №3. – 35-37-бетлар.

[3] Бердиалиев Н.Ш. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий маънавий хусусиятлари: Сиёс. фанл. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – 29 б.; Фиерман У. О “национализации” узбеков (Об анализе процесса конструирования узбекской идентичности) // Этнографическое обозрение. – 2005. – №1. – С.72-77.

ривожланишининг барча босқичларида барқарор ривожланиб бориш хусусиятига эга бўлган серқирра ҳодиса сифатида баҳоланади[1]. Интернационал қадриятнинг халқлар ва элатлар ўзаро муносабатига таъсири муқаррарлиги эътироф этилади. Бир қарашда, бу ўринда интернационал умуминсоний қадриятларнинг миллий-этник қадриятларга нисбатан устуворлиги исбот қилингандек туюлади. Бироқ, бундай мушоҳада ҳамда хулоса хатодир, негаки, муаллифлар ўз умумлашма ва хулосаларида мутлақо бошқа фикрни, хусусан, интернационал – умуминсоний қадриятларнинг маданият ва маънавиятда намоён бўладиган серқирра миллий ўзига хослик билан яхлит маданий-маърифий маконда уйғунлашуви, уларнинг ҳар бир этник-миллий бирлик менталитетининг маъноси ҳамда тузилишига яқинлашуви ва мослашувини назарда тутади.

Халқнинг тарихий дунёқараши концепцияси тўғрисида эслатиб ўтилгани бежиз эмас, зеро, миллий умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатлари ва уйғун ҳолда амал қилишининг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш учун Шарқ ва Ғарб менталитетининг умумий ва фарқли хусусиятлари, сифат ва белгиларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов коммунистик мафкура Ўрта Осиё минтақаси учун ғайритабиийлиги ва Ғарб демократиясининг Ўрта Осиё халқи менталитети учун монанд эмаслиги ҳақида тўхталиб, “Биз қўлга киритаётган улкан натижаларнинг яна бир муҳим омили – ...ҳеч кимдан нусха олмасдан, жаҳонда ўзини оқлаган тажрибани инкор этмасдан туриб, “ўзбек модели” деб ном олган ва машҳур беш принципга асосланган ўзимизга мос тадрижий тараққиёт йўлини ҳаётимизда жорий этиб келаётганимиз...” дея таъкидлаган эди[2].

Дарҳақиқат, Ғарбнинг ахлоқий-маърифий ва маданий-маънавий қадриятлари маҳаллий миллат учун мақбул бўлмайди. Бу ўринда ўзбек халқи бошқа халқларга қарши қўйилаётгани ёки улардан устун деб даъво қилинаётгани йўқ. Халқнинг тарихий ўтмиши ва ҳозирги воқелик шундан далолат берадики, ҳар бир миллатнинг ўзига хос қадрият ва урф-одатлари бошқа миллатларга ва элатларга хос элементларни халқнинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ, мажбурий тарзда киритилиши ва зўравонлик билан жорий этилишидан ҳимоя қилади. Давлатимиз мустақиллиги қарор топишининг дастлабки йилларидаёқ жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш бош вазифалардан бири деб белгиланди. Йилдан-йилга халқнинг миллий ўз-ўзини англаши юксалиб бормоқда, жамият том маънодаги халқ маънавиятидан қувват олмоқда бошлади. Мамлакатимиз Президенти ислоҳотларнинг натижаларига баҳо берар экан: “Энг муҳими, бугун бизнинг онгу тафаккуримиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгармоқда. Биз бугун ўз тақдирини ўз қўлига олган озод халқ, эркин миллат бўлиб, ҳеч кимдан кам

---

[1] Губаева С.С. Этническая консолидация – процесс естественно-исторический // Этнографическое обозрение. – 2005. – №1. – С.48-51; Касымов Н. От национального к общечеловеческому // Учитель Узбекистана. – 2006. – 30 июня.

[2] Каримов И.А. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар: Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқ ( 2009 йил 1сентябрь). – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 10-бет.

бўлмасдан, маърифий дунё билан бирга ҳамқадам бўлиб бормоқдамиз. Энди биз ўтган асрнинг 90-йилларидаги одамлар эмасмиз. Юртдошларимизда ўз ери, ...учун эгалик ҳиссиёти, ён-атрофида ва дунёда юз бераётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда" деган эди[1].

Тарих нуқтаи назаридан қисқа муддат ичида халқимизнинг онги ва психологиясида миллий ғояни мустаҳкамлаш ва унинг турмуш фаолиятида миллий суверенитет омилини кучайтириш учун барча воситалардан фойдаланилди. Бу ўринда биринчи навбатда, ўзбек миллатининг ўзига хос шарқона менталитетининг тикланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ушбу муаммони тадқиқ этишда фойдаланилган қиёсий таҳлил миллий шарқона менталитетга хос хусусиятлар ҳақида умумлаштирилган хулосалар чиқариш имконини беради. Миллий шарқона менталитет, биринчидан, Ғарбдагидан фарқли ўлароқ, ўзига хос жиҳатларининг маданий-маърифий манбалари ва илдизлари авлоддан авлодга ўтувчи генетик хотирага эга эканини; иккинчидан, кўп асрлардан буён тузилиши ва мазмунига кўра, европача-христиан ахлоқ этикасига мос келмайдиган мусулмон ахлоқ этикаси асосига таяниши; учинчидан, ўз негизида ўтмишдаги Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида ўз аксини топган қадриятларга асосланиши; тўртинчидан, Ғарбий Европадагидан фарқ қилувчи ўзининг халқ анъана ва урф-одатлари, диний ва миллий маросимларнинг ўзига хос тизимига таяниши; бешинчидан, ўзига хос табиий иқлим шароити, турмушнинг жамоа шакллари, ўз атрофидаги халқлар билан ўзаро алоқа ва муносабатлардан келиб чиққани; олтинчидан, давлат ва қонунга, ёши катталар ва илм–фанга нисбатан чуқур ҳурмат, эҳтиром билан йўғрилган ҳамда ўз Ватани, табиати, она заминига, меҳр-муҳаббат ва садоқати билан ажралиб туради.

Инсон ўз она тилида сўзлаш ва ёзиш, ўз халқининг тарихий йўли, маънавий меросидан марҳум этилса, у моддий турмуши қандай бўлишидан қатъи назар, насл-насабсиз ва маънавиятсиз шахсга айланади, ўз миллатини ҳис қилиш туйғусидан жудо бўлади. Миллийлик – миллий рух ва миллий характернинг бирлиги ва яхлитлиги, умумий тақдир ва идеаллар негизидан эмоционал ва психологик жиҳатдан қайғудош бўлишдир. Айни мана шу сифат ва хусусиятлар миллатни (маданий-маънавий умумийликка асосланган) интернационал бирликлардан, касби,синфи, давлатни ташкил этувчи аҳолиси эмас, балки ўзаро уйғун, муштарак бирлик касб этиши билан ажралиб туради. Миллийлик–ҳар бир кишининг муайян элатга мансублигини англаши, ўз миллатининг интилишлари ва орзу-умидлари билан бирдамлиги, ҳозирги куни ва келгуси тақдирига дахлдорлигидир. Айнан мана шундай яқинлик туфайли ҳар бир одамда халқи олдида масъулият ва бурч ҳисси шаклланади, ёлғизликдан чўчиш ва бегоналашиш ҳисси барҳам топиб, ватанпарварлик туйғуси уйғонади ва мустаҳкамланади.

---

[1] Каримов И.А. Тарихи бой, бугуни гўзал, келажаги буюк шаҳар: Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқ ( 2009 йил 1сентябрь). – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 21-бет.

Тарихнинг туб бурилиш ва ўзгаришлар палласида миллийлик кескин кучаяди. Бундай даврларда миллий қиёфани йўқотишга олиб келадиган жараёнлардан ҳимояланиш эҳтиёжи туфайли миллийлик омили, интернационаллик омилига қараганда устуворлик касб этади. Шунинг учун дастлаб миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ғояси муқаддам йўл қўйилмаган ва ман этилган миллий тиллар, халқ тарихи ва маданиятини тиклашга йўналтирилади. Шу боис учун ўтиш даврида миллий суверенитетга интилиш тамойили юзага келадики, баъзида бу тамойил негизида миллатчилик ва айирмачилик оқимларининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, кескин ва тиғиз вазиятларда "миллийлик" мисли кўрилмаган ғоявий куч касб этадики, натижада у муайян ҳаракатлар, қарорлар, қилмишлар туфайли амалий тусга эга бўлиб, жиддий ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, "...миллий қадриятларни бир ёқлама, сунъий равишда улуғлаш ва идеаллаштиришга уриниш, улардан сиёсий мақсадларда фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Айниқса, Ўзбекистон каби кўп миллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай ҳаракатлар охир-оқибатда миллатлараро зиддият, миллатчилик ва диний бетоқатлик каби нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин"[1].

Албатта, кўп миллатли давлатда аҳолининг кўпчилиги миллий омил ва миллий ғоя мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини ҳисобга олиш зарур. Бинобарин, мустақиллик шароитида миллий кўпчиликнинг маданий-маънавий қадриятларининг сақланиб қолиши ва такомили учун кенг имкониятлар яратилади. Шу билан биргаликда кам сонли этник гуруҳларнинг этномиллий хусусиятларини сақлаб қолиниши ва ривожлантирилиши ўта муҳим. Бу жараён айрим ҳолларда етакчи этноснинг "миллийлиги" бошқа халқларни камситиш ва таҳқирлашга, уларнинг маданий-маънавий манфаатларини инкор этиш ва унутилишига, пировардида эса, кам сонли этносларни ўз маданий-ахлоқий муҳитига сингдириб юборишга ҳаракат қилишига олиб келиши мумкин.

Моҳиятида "умуминсоний", "интернационал" элементлар мавжудлигини "миллий устунликни тийиб туриш"нинг ўзига хос катализатори ва тартибга солувчи омил, деб айтиш мумкин. Мазкур тушунчаларнинг ҳар бири ўз мақсади йўналиши, ғоявий-ахлоқий моҳиятга эга бўлса-да, уларнинг йўналиши умумий вазифаларни ҳал этиш ва умумий мақсадларга қаратилгани учун бу тушунчаларни бир-биридан ажратмаслик лозим деб ўйлаймиз. Зеро, "Миллийлик" тушунчаси умуминсоний қадриятларни рад этмайди. Аксинча, уларни уйғун ҳолда тасаввур этиш минг йиллар давомида ўз менталитетига Осиё, Араб, Европа ва бошқа цивилизацияларнинг тажрибасини сингдирган, кенг кўламда интеграциялашган ўзбек миллатига хос хислатдир. Шунинг учун ҳам ўзбек миллати бошқа мамлакатлардан кириб келган янгиликларни нисбатан

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 82-бет.

оғринмай қабул қилади. Бироқ, бу ҳол ўзбек миллатининг мафкуравий иммунитети беқарор, ёт янгиликларга нисбатан қаршилик кўрсатиш қобилияти суст экан, деган маънони англатмайди. Масаланинг бу жиҳати Н. Жўраев, Муртазо Қаршибой, Қ. Назаров, О. Аббосхўжаев, Н. Умарова ва Р. Қўчқоровларнинг илмий тадқиқотларида атрофлича тадқиқ этилган[1].

"Умуминсоний қадриятлар", "интернационал фазилат" тушунчалари бошқа халқлар билан ҳамкорлик алоқалари ва ўзаро муносабатлар натижасида юзага келган, узоқ тарихий ривожланиш маҳсулидир. Бундай алоқалар қанчалик мустаҳкам бўлса, умуминсоний қадриятлар миллий қадриятларга шунчалик чуқурроқ интеграциялашган ва мазмун-моҳияти жиҳатидан серқирра бўлади.

Назарияда "умуминсоний" тушунчаси, одатда, мавҳум феномен сифатида талқин этилади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, бутун инсоният ўзига хос бўлган миллий-маданий ранг-баранглик билан биргаликда, умуминсоний қадриятларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Айни чоғда, бу таъриф илмий нуқтаи назардан тўғри эмаслигини қайд этиш зарур. Миллий ўзига хосликнинг ранг-баранглигига қарамай, уч мингга яқин этномиллий гуруҳларни бирлаштирган инсоният халқларни бир бирига яқин ва ўхшаш қиладиган умумийликни юзага келтиради. Шу сабабли инсонларда уларни бирлаштирувчи, бошқа халқлар қадриятларига кўникиш, ўзаро тушунишга олиб келувчи элементларни кўриш мумкин. Интеграциялашган умуминсоний фазилатлар ва ўзига хосликлар индивиднинг бир умрлик, эҳтимол энг барқарор ижтимоий тавсифидир. Одам бойиб кетиши ёки қашшоқлашиб қолиши, касби, партиявий, синфий мансублигини ўзгартириши, бошқа динни қабул қилиши ёки даҳрий бўлиши мумкин, бироқ умуминсонийликка хос стереотип ҳар қандай ўзгарувчан вазият ва шароитда ҳам сақланиб қолади. Бинобарин, инсон уни болалигиданоқ ўзаро муносабатларнинг бутун тизими орқали, энг аввало, оила, маҳалла, жамиятнинг маданий-маънавий муҳитида миллий қадрият сифатида ўзлаштиради.

Ҳаёт оқилона ва маданий тарзда ташкил этилган тақдирда, "умуминсоний қадрият", "миллий қадрият"ни ютиб юбормайди, унинг ўзлигини йўққа чиқармайди, аксинча, уни тўлдиради ва бойитади. Айнан умуминсоний қадрият туфайли инсонни бошқа миллат вакиллари, уларнинг маданияти ва тарихи билан кўп томонлама алоқалар ўрнатишга ундовчи фазилатлар кучаяди. Индивиднинг ижтимоий қиёфаси миллий ва умуминсоний жиҳатлар, ўзига хослик ва фазилатларнинг органик уйғунлашувидан, маънавий олами эса, у ўзлаштирган маданий қадриятлар мажмуидан таркиб топади. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатлари мавзуи турли даврда ўрганилган ва ҳозирда ҳам ўрганилаётганини юқорида қайд этдик. Ўтмишда илғор кишилар миллий ва

---

[1] Жўраев Н. Мафкуравий иммунитет. – Т.: Маънавият, 2001. – 16 б.; Муртазо Қаршибой. Бунёдкор халқ ғояси. – Т.: Маънавият, 2001. – стр; Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Ижод дунёси, 2001. – 32 б.; Аббосхўжаев О, Умарова Н, Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. – Т.: Akademya, 2007. – 119 б.

умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашуви тимсолида халқлар, инсоният маданий ва маънавий тараққиёти учун йўл ҳамда имкониятлар очиб берадиган асосни кўрганлар.

Бу масалага мамлакатимиз жамиятшунослари ҳам жиддий аҳамият бериб келмоқдалар. Масалан, айрим муаллифлар миллатнинг маданий меросини таҳлил қилар экан, ўзбек халқи ўз фольклори ва профессионал санъатида, шак-шубҳасиз, барча миллат вакилларига тегишли бўлган умуминсоний қадриятлар билан бирга, ана шу қадриятларни идрок этишнинг миллий усул ҳамда ўз эмоционал оҳангини ҳам қўшади, деб таъкидлайди[1].

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрича, инсоният тарихи бошқа халқларнинг маданияти ва анъаналари таъсиридан холи равишда — автоном, бошқалардан ажралган ҳолдаги “соф” миллий анъанани билмайди. Зеро, миллий қадрият нафақат миллий специфик элементларни, балки бошқа халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти элементларини ҳам ўз ичига олади[2]. Бу масалага оид қатор илмий изланишларда тадқиқотчилар шу кунга қадар жаҳонда бой салоҳиятга эга, ўз мазмуни ва ранг-баранглиги бўйича “соф” маданият бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги тўғрисида фикр билдирганлар. Ўз ички ресурсларидан бошқа маданиятларга бирор нима бера оладиган, шунингдек улардан ўзида мавжуд бўлмаган нарсаларни олишга қодир бўлган маданиятгина амалда ривожланиши мумкин. Халқларнинг маънавий мероси қотиб қолган ва фақатгина ички салоҳият билан чегараланган бўлмайди. Маданиятлар қанчалик бир-биридан фарқланмасин, объектив қонуниятлар, ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик ва бир-бирини ўзаро бойитиш туфайли уларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар юзага келади[3].

Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, миллий характерга хос хусусиятларни бир миллатнинг бошқа миллатга нисбатан паст назарда қарашидан эмас, балки умуминсоний фазилатларнинг мураккаб уйғунлашуви ва ўзига хос ифодасидан қидирмоқ керак[4].

Турли давр ҳамда ижтимоий тузумларда фаолият юритган маданият ва маънавият соҳалари вакилларининг бундай бирдамлиги миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг яхлитлигидан, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ҳар қандай ўзгаришлардан қатъи назар, уларнинг бир-биридан ажралмас эканидан далолат беради. Бироқ, юқоридаги фикрларга қарама–қарши бўлган қарашлар ҳам мавжуд. Масалан, собиқ иттифоқ даврида нашр этилган К.Н. Алтайский ва М. Қоратоевларнинг китобида қозоқ

---

[1] Гельдиева А.Ч. Национальная культура и личность. – Т.: Узбекистан,1993. – С.73; Қосимова Б. Миллий бадиий тафаккур. – Т.: ЎзМУ, 2004. – 112-бет.

[2] Қўчқоров В. Халқ руҳи ва миллий ўзликни англаш // Жамият ва бошқарув. – 2007. – №3. – 36-39-бетлар; Ўтанова У. Халқ маданиятини ўрганишнинг илмий усуллари // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. №1, 2007й, 44-48 бетлар.

[3] Тиллаволдиева М.Х. Мафкура ва ижтимоий тараққиёт. Ўзаро алоқадорлик муаммолари: Фалс. фанл. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. – 24 б.; Отамуродов С. Миллий маънавий иммунитетни шакллантириш // Жамият ва бошқарув. – 2006. – №1. – 10-14-бетлар.

[4] Қаххарова М. Маънавий идеал. – Т.: Маънавият, 2008. – 64-бет; Ҳамроқулова Б. Миллий характерни шакллантирувчи энг муҳим омил // Жамият ва бошқарув. – 2007. – №1. – 33-36-бетлар.

оқсоқолларидан бирининг фикрига асосан халқлар миллий характерининг бошқа халқларникидан фарқ қилиши мутлақлаштирилади. Унга кўра, гўёки украинларга хушчақчақлик, грузинларга меҳмондўстлик, арманларга меҳнатсеварлик, русларга она заминга муҳаббат ва мардлик, эстонларга тиришқоқлик, тожикларга эса билимга интилиш хос, қозоқларда эса, ана шу фазилатларнинг ҳаммаси мужассам эмиш. Ана шу муаллифларнинг фикрича, моҳиятан олганда қозоқ минталитетида инсоний қадриятларнинг барчаси намоён ва мужассам бўлган бир пайтда, бошқа халқларда маълум жиҳатларигина мавжуд экан[1]. Қозоғистонлик жамиятшунос Р. Жангишиннинг фикрига кўра эса, Қозоғистон суверен давлат мақомини олганидан кейин юзага келган вазият республикадаги мавжуд кўп миллатли ҳамжамият ўрнида янги уюшган тузилма вужудга келиши учун замин яратади. Биринчи босқичда республикадаги барча фуқароларни бирлаштирувчи фуқаролик ҳамжамияти ва инсон ҳуқуқлари мафкураси устунлик қилиши мумкин[2]. Агар юқорида келтирилган фикрларнинг биринчисида миллатни ҳаддан ташқари тоифалаштиришга бўлган уринишни кўрсак, иккинчисида эса, аксинча, умуминсоний қадриятлар негизида ягона маданий бирлик пайдо бўлиши ғоясига дуч келамиз.

Ҳозирги кунда ҳам шу каби назарий асосга эга бўлмаган фикрларни учратиш мумкин. Хусусан, таниқли рус олими, Академик Сергей Капица “Аргументы и Факты” газетасига берган интервьюсида ягона маданий маконни қайта ташкил этиш ёрдамида собиқ иттифоқни тиклашга қаратилган ҳаракатларни кузатиш мумкин. У жумладан, бугунги кунда маданият масалалари сиёсат ва миллий хавфсизлик масалалари билан бевосита боғлиқлигини қайд этган. Олимнинг фикрича, шу маънода рус маданиятини юксалтириш масаласи мамлакатнинг келажаги масаласидир. Давлат маданият ва шу соҳадаги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини юритиш лозим. Давлат жаҳон миқиёсида ўз кучи ва обрў-эътиборини фақатгина пул маблағлари ва қуролли кучлари ёрдамида мустаҳкамлай олмайди. Бугунги кунда биз собиқ иттифоқдош республикаларни фақатгина маданият ёрдамида ўзимизга жалб қила оламиз. деб таъкидлайди. Олим Франциянинг Франкофония вазирлигини, Англиянинг Британия Кенгашини мисол тариқасида келтириб, уларнинг бош вазифаси мамлакатнинг маданият соҳасидаги сиёсатини жаҳонга ёйишдан иборат эканини ва шу орқали дунё мамлакатлари ўртасида таъсир доирасини кенгайтириш вазифасини бажараётганини ҳақида сўз юритиб, рус маданиятидан ҳам шундай таъсир кўрсатишнинг муҳим элементи сифатида фойдаланиш зарурлигини, собиқ иттифоқни бирлаштиришнинг энг яхши ва энг тинч йўли эса ягона маданий макон яратиш эканини қайд этади[3].

---

[1] Алтайский К., Каратоев М. Путешествие в Жер-Уюк. Книга о Казахстане. – М.: Детская литература, 1971. – С.26-27.

[2] Джангишин Р. Обретение обретенного. Культура, сознание, политика // Звезда Востока. – 1994. – №1-2. – С.206.

[3] Қаралсин: Газета “Аргументы и Факты”. – 2009. – №37. – С.8-9; Ўша ерда. – 2009. – №50. – С.25.

Бундай қарашларнинг таҳлилига якун ясаб, барча нарсаларда мўътадил мулоҳаза қилувчи халқимизнинг хоҳиш-иродасини ифодалаган Президент И.А. Каримов фикрини келтирамиз. “Миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиш даркор”[1].

Ўзбекистон миллий мустақиллик мафкурасининг асосини миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ягоналиги ҳамда яхлитлиги ташкил этади. Бу ҳақда И.А. Каримов “Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириши лозим. Шу билан бирга бу мафкура халқимизда, ўзининг кудрати ва ҳимоясига суянган ҳолда, умуминсоний қадриятларга асосланиб, жаҳон ҳамжиятидаги мутараққий давлатлар орасида тенг ҳуқуқли ўлароқ муносиб ўрин эгаллашга доимий интилиш ҳиссини тарбияламоғи керак” деб таъкидлаган эди[2]. Бироқ, бу миллий – ўзига хос ва интернационал умумийликнинг қандайдир маънавий бирлик конгломератига қўшилиб кетиши шарт, деган маънони англатмайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, миллий мустақиллик мафкурасида миллийликнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашуви ўз ифодасини топади. Бу жараёнда нафақат ягона яхлит тизим ичидаги, балки ташқи шаклларда ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларининг уйғунлашуви ҳамда ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши назарда тутилади[3].

Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек “Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжиҳат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам, таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиришга даъват этмоқда”[4]. Дарҳақиқат, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар ва ўзбеклар ўртасидаги яқинлик – тарихий, маънавий, маданий, диний яқинликдир. Минтақавий бирлик туйғуси нафақат туб миллат вакилларининг, балки ушбу ажойиб ўлкамизни ўз Ватани деб қабул қилган руслар, татарлар, яҳудийлар, уйғурлар ва бошқа халқларнинг ҳам қалбидан муносиб жой эгаллади.

Умуминсоний ва миллий қадриятлар ўзаро таъсири механизмлари ҳамда усулларининг таҳлили ушбу жараён минг йилликлар давомида

---

[1] Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни –миллат қилишга хизмат этсин.”Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 92-бет.

[2] Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 203-бет.

[3] Ўзбекистон бағрикенг диёр. Узбекистан – страна толерантности / Ред. А.С. Очилдиев. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 280 б.; Аббосова Ш. Миллий ғоя – барқарорлик кафолати.// Жамият ва бошқарув. – 2007. – №3. – 46-48-бетлар.

[4] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 10 б.

маданий-маърифий соҳада рўй бериб, давлат тузилмаларининг ушбу жараёнга таъсири суст бўлган. Халқлар ўртасидаги мулоқотлар, маданий алоқа ва муносабатларнинг усуллари ҳеч қачон ҳукмдорлар, султонлар ёки хонларга боғлиқ бўлмаган, ҳеч қачон ҳеч қандай тузум томонидан белгиланмаган. Халқлар бир-бирининг миллий қадриятлари баҳраманд бўлиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувининг ўз йўл-йўриқларига эга бўлган. Айни вақтда, маълумки, тарихимизнинг муайян босқичида тоталитар тузум ва авторитар аппарат, бир томондан, турли халқлар ўртасидаги алоқалар ва борди-келдиларни қисқартириш ҳамда чеклаш учун, бошқа томондан, ўз мафкурасига бошқа миллат ва элатларни бўйсундиришга интилиб келган. Чор Россиясининг миллий сиёсати мусулмонларнинг умумрус муҳитида буткул сингиб кетишини кўзлаган, шўро тузуми даврида эса, руслаштириш сиёсатини фаол амалга ошириб келинган. Шарқ ва Ғарбнинг жуғрофий жойлашуви эмас, балки мафкуравий ва сиёсий найранг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг ривожланишида зиддият ва тоқатсизлик келтириб чиқарган. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввалambор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”[1].

Р.Р. Назаров ва Д.М. Юнусова мустақил давлатнинг миллий сиёсатини миллатлараро муносабатларни бошқариш сифатида таърифлайдилар[2].

**Бизнинг назаримизда, миллий сиёсатга миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашуви жараёнларини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тартибга солиш воситаси сифатида тавсиф бериш ва баҳолаш тўғри бўлар эди. Зеро, миллий қадриятлар ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро муносабатининг ҳолати, даражаси кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ёки барқарорлашуви манбаига айланмоқда.** Бундан келиб чиқиб мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат деб айтиш мумкин:

- миллий ёки ирқий мансублигидан, диний эътиқоди ва динидан қатъи назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;

- шахс ҳуқуқларининг ижтимоий, биринчи навбатда, ижтимоий адолатни белгилаб берувчи бошқа барча ҳуқуқлардан устуворлиги ва қонун олдида тенглик;

- кам сонли миллатлар ҳуқуқларига нисбатан эътибор билан муносабатда бўлиш, уларнинг тили, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, ўзлигини сақлаб қолиши, эркин ва ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ассимиляторлик уринишларининг йўқлиги;

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 11 б.

[2] Назаров Р.Р., Юнусова Д.М. Национальная политика как система / Тезисы II Республиканской научной теоретической конференции “Мустақил Ўзбекистон фалсафа фанининг долзарб муаммолари”. Т.1. – Ташкент, 1995. – С.101.

- ҳар бир оилани, ҳар бир инсоннинг миллатидан қатъи назар, ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган юксак ривожланган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига таяниш;

- миллатлараро муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган салбий кўринишларнинг олдини олиш ҳамда уларни конституциявий асосда ва оқилона ҳал этиш.

Таъкидлаш жоизки, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатлари жараёнини давлат томонидан бошқариш ҳамда тартибга солиш муаммоси шу вақтга қадар етарли даражада ўрганилмаган. Қолаверса, собиқ Иттифоқ конституциявий ваколатлари тузилмасида бундай ҳуқуқлар ва вазифалар назарда ҳам тутилмаган эди. Шўро даврида ҳокимият ва ижроия органлари ўз имкониятларини партия қўмиталарига бериб қўйганлар, бинобарин, ижтимоий муносабатларнинг ушбу соҳаси расмий мафкуранинг тасарруфида бўлган. Ҳозирги кунга келиб, мазкур масала давлат тузилмаларидан ташқари, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари фаолиятининг ҳам объекти бўлиб қолмоқда. Улар ўз дастурий йўналишларидан, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, миллатлараро муносабатлар маданиятини шакллантириш, халқнинг миллий, маданий-маърифий ўзлигини тиклаш муаммолари билан шуғулланмоқдалар. Хусусан, Ўзбекистонда фаолият юритаётган барча партиялар дастурларида умуминсоний ахлоқ ва инсонпарварлик кафолатланадиган, таълим ривожланадиган, республика ҳудудида яшовчи халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, эътиқоди, тил ва маданияти ҳурмат қилинадиган жамият барпо этилиши тарафдори эканини баён қилган. Партиялар бошқа миллатлар ва элатлар тимсолида душман образини шакллантириш ва шунинг негизида зиддиятлар келтириб чиқарилишига қаршидир. Улар миллатлараро муносабатлар ва маънавият соҳасидаги ўз фаолиятини инсоний муносабатлар маданиятини ошириш, ахлоқий маданият анъаналарини мустаҳкамлашга йўналтирган. Партиялар ўз ҳужжатларида маънавият жамият тараққиётининг муҳим омили бўлиб, у ахлоқий меъёрларда (инсонийлик, инсонпарварлик, катталарни ҳурмат қилиш, юксак ахлоқ, ҳалоллик, виждонлилик, одиллик, меҳр-мурувватлилик, камтарлик) намоён бўлади, миллий ифтихор туйғусини уйғотиш, шакллантириш ва ривожлантиришга, ислом маданияти қадриятларини ҳурмат қилиш, бошқа динларнинг камситилишига йўл қўймаслик, яъни яхлит маданий-маънавий муҳитни, ҳар қандай миллат вакили учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни такомиллаштиришга кўмаклашувчи умуминсоний фазилатлар ва қадриятларга асосланади, деб эътироф этади. Айни чоғда партиялар ва нодавлат ташкилотлар ўз фаолиятида “миллий омил”ни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътиборини қаратмоқда. Бу омилни ривожлантиришда улар Шарқ халқларининг босиқлик, камтарлик, катталарни ҳурмат қилиш, қатъийлик, бардошлилик каби қадриятларига, жамоа бўлиб яшаш, садоқат, сахийлик ва оила тўғрисида ғамхўрлик қилиш, меҳнатни улуғлаш ва бошқа шу каби қадриятларига асосланиб ишларини ташкил этмоқда.

Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувида Ўзбекистондаги диний конфессиялар алоҳида ўрин тутади. Жамият ижтимоий тузилмасининг ушбу элементи халқ қалби соф сақланиши ҳамда одамлар ўртасида яхшилик ва меҳр-мурувват муносабатлари ўрнатилишида катта аҳамиятга эгадир. Ислом – халқимизнинг муқаддас дини бўлиб, кўп жиҳатдан ана шу туфайли миллат асрлар давомида ўз маънавияти, бой маданий меросини сақлаб келмоқда. Ҳақиқатан ҳам ислом дини жамият учун ижобий ва зарур бўлган кўпгина меъёрларнинг авлоддан авлодга етказиб берувчиси сифатида намоён бўлганини, бу меъёрлар умуминсоний қадрият ва аҳамиятга эга бўлиб, улар ёрдамида Қуръон одамларнинг маънавий-ахлоқий ҳаётини тартибга солиб келганини кўриш мумкин. Қуръоннинг кўпгина оятларида умуминсоний ахлоқ меъёрлари биринчи ўринга қўйилган: муқаддас китоб ҳар бир инсонни бардошли ва ҳақиқатгўй, кечиримли бўлишга, турли бўлмағур хатти-ҳаракатлар билан инсонни камситмасликка ўргатади, маст қилувчи ичкилик ичиш, қимор, бузуқлик, эрнинг (хотиннинг) бевафолик қилиши, фоҳишаликни тақиқлайди. Қуръонда, ҳадислар ва шариатда ҳалол меҳнат, ҳунар билан яшаш, судхўрлик қилмаслик, ўзганинг мол-мулкини босиб олмаслик ва ўзлаштирмаслик, ота-оналар, бева-бечоралар ва етим-есирлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ўз болаларини боқиш ва тарбиялаш каби одамларнинг ҳаёти ҳамда турмушини тартибга солувчи кўплаб кўрсатмалар мавжуд. Уларда шуҳратпарастлик, адоват, ғаразгўйлик, бахиллик, мунофиқлик, калондимоғлик ва бошқа иллатлар қораланади. Шунга ўхшаш ахлоқий қоидалар ва насиҳатлар Таврот, Инжил ва бошқа муқаддас китобларда ҳам мавжуд. Шунинг учун ҳам диний тажрибанинг кўпгина элементлари умуминсоний қадриятларни мужассам этиб, одамлар ўртасидаги алоқалар, ўзаро муносабатлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишига хизмат қилиб келган.

Сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва муассасаларнинг фаолияти ҳамда дастурларининг таҳлили миллий ва умуминсоний қадриятлар алоҳида олинган партия ёки ташкилотнинг монопол афзаллиги бўлиши мумкин эмаслигини яна бир бор кўрсатмоқда. Бинобарин, ҳар қандай миллат ёки элат ўзининг ижтимоий таркибига кўра муайян ижтимоий гуруҳлар ва қатламларга бўлинади. Табиийки, уларда тегишли қарашлар ва аломатлар таъсири сақланиб қолади. Давлат ва унинг миллий сиёсат соҳасидаги роли ҳақида гап борадиган бўлса, айтиш лозимки, бир томондан, унинг ўзи халқнинг маданий қадрияти ва маънавий-ахлоқий принципларининг ифодаси сифатида, бошқа томондан эса, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг энг илғор, прогрессив ва демократик жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган орган сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашувининг таъсирчан ҳамда самарали механизми эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида сиёсий институтлар, мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги расман эълон қилингани билан бир вақтда улардан бирортаси давлат миқёсидаги институт, мафкура ёки фикр сифатида монополияга эга бўлиши мумкинлиги рад этилади.

Шу муносабат билан “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан 2009 йилнинг июнида ўтказилган сўров натижаларига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Сўровда иштирок этганларнинг 75,2% партиялар, уларнинг дастурий мақсадлари ўртасидаги фарқни кўришини билдирганлар[1]. Электоратнинг 26% фикрича, ХДП сайловчиларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳалари билан бир қаторда маънавий-маданий йўналишдаги манфаатларини ифода этади. Респондетларнинг 12,2% бу борада Либерал демократик партияни қайд этган, 8,1% “Миллий тикланиш” ва 4,3% “Адолат” партиясини кўрсатган. Айни чоғда, сўровда иштирок этганларнинг 16,8% Ўзбекистонда электоратнинг фикр ва интилишларини тўлиқ ҳисобга олувчи ва ифода этувчи сиёсий партия мавжуд эмас, деб ҳисоблайди. Шуниси ҳам диққатга сазоворки, 2008 йилнинг октябрь маълумотлари билан солиштирилганда, партиялар ўртасида аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ва бошқа ҳаёт соҳалари каби маънавий соҳада ҳам қарашларини ифода этади деган респондентларнинг сони камайган. Албатта, сўров натижалари давлат ва унинг тузилмалари томонидан маънавиятни юксалтириш борасидаги фаолиятнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш лозимлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда давлат сиёсий партия ва нодавлат ташкилотларнинг, конфессия ва бирлашмаларнинг, миллий маданият марказлари ва уюшмаларнинг фаолият эркинлигини легаллаштириб, рағбатлантириб борар экан, уларга миллатлараро муносабатлар, миллий тикланиш соҳасидаги ўз дастурий мақсадлари ҳамда назарий-услубий вазифаларини белгилаб олиш учун конституциявий қоидалар, меъёрлар ва принциплар доирасида қонунчилик тартибида ҳуқуқлар, шарт-шароитлар ва фаолият майдони яратиб бермоқда. Бундай имкониятлар миллатлараро бирдамлик, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятлардан ўзаро баҳраманд бўлиш ва бу борада вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни тизимли комплекс ҳал этишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон миллий сиёсатида муайян минтақалар ва ҳудудлар доирасида миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлашуви жараёнини тартибга солиш вазифалари ва ваколатларини ҳокимият ҳамда ижроия тузилмаларига бериш лозимлигини Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллардаги амалиёти ва реал воқелик кўрсатмоқда. Буни кўп миллатли тизимлар ва тузилмалар, қадриятлар ўртасидаги номутаносибликлар, этномиллий бирликлар ўртасидаги муносабатларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш ҳам тақозо этмоқда. Бинобарин, бундай зиддиятлар жиддий миллатлараро қарама-қаршиликлар ва келишмовчиликларга айланиб, пировард натижада, мисли кўрилмаган моддий, маънавий ва ахлоқий талафотларга олиб келиши мумкинлигини қатор мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Шунинг учун давлат ўзига берилган конституциявий ҳуқуқий ваколатлар доирасида маданий-маънавий

---

[1] Аналитическая справка по результатам опроса общественного мнения «Выборы – 2009 год» / Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр». Т.,2009.

соҳадаги миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувида бевосита иштирок этмоқда. Давлатнинг ислоҳотчилик вазифаси қандайдир маҳаллий ёки локал шартлар ёхуд турли миллат ва элат вакилларига ўз мафкурасини сингдириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Давлат демократик асосда ўз тузилмаларидан, сиёсий партиялар ҳамда нодавлат ташкилотларининг фаолиятидан, умуман олганда халқларнинг серқирра минталитетларидан фойдаланган ҳолда уларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган кескинликни олдини олишнинг зарур механизмларини яратиши зарур. Бунга зўравонлик ва мажбурлов усуллари билан эмас, балки муайян миллатнинг ичида ҳам, миллатлараро муносабатлар бутун тизими доирасида ҳам “миллий” ва “умуминсоний” қадриятларни уйғунлаштириш жараёнини демократлаштириш орқали эришмоқда.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- миллий муносабатлар борасида давлатнинг монопол мафкурасининг йўқлиги мамлакатда яхлит маданий-маънавий маконни шакллантиришга давлат аралашувининг ноқонунийлиги ва бу ишга унинг дахлсиз эканини англатмайди;
- ўз обрў-эътибори ва нуфузига эга бўлган давлат ва унинг тузилмалари миллий ва умуминсоний қадриятларнинг бирор бир элементи таҳқирланиши ёки камситилишига йўл қўймайди ҳамда мамлакатнинг ҳудудий чегараларида уларнинг таъсир доираси ва улардан фойдаланиш кўламини чекламаслиги лозим;
- давлат миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш жараёнларида сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотларни фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий макон шакллантириши, уларнинг шу соҳага оид фаолиятидаги самарали механизмлардан унумли фойдаланиш имкониятларини яратиши зарур;
- давлат ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш ёрдамида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг Ўзбекистондаги миллатлар ҳамда элатларни уюштириш, уларнинг маънавий ва маданий жиҳатдан яқинлашувини таъминлайдиган механизмлардан самарали фойдаланишни рағбатлантириши керак;
- давлат Конституцияда белгиланган меъёрлар асосида зиммасидаги вазифалар ҳамда ваколатларни амалга оширишда миллат ва элатларнинг маданий-маънавий ривожланиши, миллат ҳамда элатлар ўзлигини тиклаш борасида устувор йўланишларни танлашга тазйиқ ўтказмаслиги лозим.

Илмий-назарий изланишларимиз натижалари асосида шундай хулоса чиқариш мумкин: биринчидан, умуминсоний қадриятлар ҳар бир миллатга хос ҳамда у билан бирликда ва яхлитликда мавжуд бўлади; иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатлари натижасида янги – интеграциялашган маданий-маънавий қадриятлар шаклланиши мумкин; учинчидан, миллий қадриятлар ўзининг маъно–моҳиятдан келиб чиққан ҳолда умуминсоний қадриятлар томон ҳаракат қилади ва муайян шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар юзага келганда умуммиллий қадрият

билан уйғунлашади; тўртинчидан, ҳар қандай суиистеъмолликларни истисно этувчи интернационаллашув маданий соҳадаги ижтимоий тараққиётнинг етакчи омили ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувида етакчи механизм бўлиб қолади.

Давлатнинг миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувидаги иштироки ва унга таъсир этиши зарурати бир қанча омиллардан келиб чиқади. Бизнинг фикримизча, бошқа мамлакатлар билан халқаро алоқалар кўламининг кенгайиб бораётгани ва ошкоралиги Ўзбекистон учун ҳозирги вақтда энг муҳим омилдир. Маълумки, бундай алоқалар ўрнатилганда ижтимоий муҳитга ёт ва бошқа миллатларга хос қадриятлар, баъзида эса ғайриинсоний ва ғайриахлоқий йўналишдаги қадриятлар кириб келиши мумкин. Масаланинг бошқа томони: гарчи маънавият ва иқтисодиёт бир-бирига зид бўлмаса-да, уларнинг ўзаро алоқалари оқибати ҳамиша ҳам ижобий бўлавермайди, негаки, мансабпарастлик манфаатлари, соф истеъмолчилик дунёқарашининг шаклланиши инсоннинг маънавий моҳиятини бузадиган, пасткаш туйғулар ва эҳтиросларни келтириб чиқариши мумкин. Бундай ҳолларда давлат маданий-маънавий макон, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлашувига тўсқинлик қиладиган ҳамда миллатлараро муносабатларда зиддиятли вазиятларни келтириб чиқарадиган иллатлардан жамиятни ҳимоя қилиши ўта муҳимдир.

## 1.3. Мустақиллик шароитида миллий маданий ва маънавий қадриятлар ўзаро боғлиқлигининг янги парадигмаси

Инсон доимий яшайдиган ижтимоий муҳит, миллий-этник жамоалар ва уларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш, улар хавфсизлигини кафолатлашдан ташқари, яшаш тартибини, феъл-атвор меъёри ҳамда қоидалари, шакллари ҳамда муносабат принципларини ҳам белгилайди. Ягона ижтимоий-маданий ва сиёсий-маданий маконда яшайдиган одамлар ҳамиша умумий қадриятлар, йўл-йўриқлар ва бошқа омиллар комплексига эҳтиёж сезади. Давлат, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар фаолиятида рўёбга чиқарилаётган ижтимоий онг ҳамда ижтимоий-сиёсий ғоя мазмун-моҳияти ва йўналишини белгилайдиган мазкур комплексни парадигма деб аташ қабул қилинган.

Парадигма – “қонуний” ижтимоий-сиёсий тизим модели, унинг мавжудлиги ва амалда қўлланиш шакллари, мақсад ҳамда воситалари моҳиятини ифода этади.

Парадигманинг асосий вазифаси – субъект (инсон, миллат, давлат) учун муҳим бўлган реал ижтимоий воқеликни тушунтириб бериш, баҳолаш ва йўналтиришдан иборат. Парадигма реал ижтимоий муносабатлар, масалан, миллатлараро муносабатлар тизимида шаклланиб ривожланади ҳамда маълум даражада омма фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга қаратилган сиёсий тадбирларда мужассам бўлади.

Бугунги шароитда миллий маданий-маънавий қадриятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаси шаклларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Ушбу ўзгаришларни таҳлил этиш учун айнан қандай этник жамоалар

маданий соҳада ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорликка киришаётганини аниқ тасаввур қилиш керак. Шу боис Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибини тўлиқ намоён этадиган 1989 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари ҳамда Ўзбекистон Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига мурожаат этишга эҳтиёж туғилади[1].

1989 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларидан кўриниб турибдики, республикамиз кўп миллатлилиги билан бошқалардан ажралиб туради. Республика аҳолисининг 99,8 фоизини 25та миллат вакиллари ташкил этади. Шунинг 71,4 фоизи ўзбеклар, 8,5 фоизи руслар, 2,1 фоизи қорақалпоқлар, 0,9 фоизи қирғизлар, 4,7 фоизи тожиклар, 0,3 фоизи арманлар, 0,6 фоизи туркманлар, 0,2 фоизи бошқирдлар, 0,1 фоизи мордвинлар, 2,4 фоизи татарлар, 0,1 фоизи чувашлар, 0,3 фоизи яҳудийлар, 0,1 фоизи Ўрта Осиё яҳудийлари, 1,0 фоизи қрим татарлар, 0,1 фоизи лўлилар, 0,1 фоизи греклар, 0,9 фоизи корейслар, 0,2 фоизи немислар, 0,1 фоизи эронийлар, 0,5 фоизи турклар, 0,2 фоизи озарбайжонлар, 0,2 фоизи уйғурлар ва бошқа миллат вакилларидан иборат .[2].

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра 2004 йилга келиб бу кўрсаткичлар қуйидагича тус олган: республика аҳолисининг 79,6 фоизи ўзбеклар, 2,2 фоизи қорақалпоқлар, 4,9 фоизи тожиклар, 4,0 фоизи руслар, 3,7 фоизи қозоқлар, 1 фоизи татарлар, 0,9 фоизи қирғизлар, 0,6 фоизи корейслар, 0,6 фоизи туркманлар, 0,4 фоизи украинлар, 0,2 фоизи арманлар, 0,2 фоизи озарбайжонлар, 0,1 фоизи белоруслар, 1,6 фоизи бошқа миллат вакилларидан иборат бўлган[3].

Кўриниб турибдики, сўнгги йилларда Ўзбекистонда руслар, украинлар, белоруслар ва татарларнинг сони камайган. Аҳолишунослик масалалари соҳасида таниқли олим О.Б. Ата-Мирзаевнинг фикрича, буни нафақат миграция жараёнлари, балки ушбу миллатлар вакиллари ўртасида туғилиш камайиб бораётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин[4].

Шаҳарлар қишлоқларга қараганда кўп миллатлилиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон шаҳарларида юқорида зикр этилган барча 130 миллат ва элат вакиллари яшаса, қишлоқ жойларда 14 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади[5].

Мустақиллик йилларида (1991-2008) республика аҳолиси сони 6,5 млн.га кўпайди[6]. 2009 йилнинг 1 июли ҳолатига республика аҳолисининг сони 27млн 733 минг кишини ташкил этди[1].

---

[1] Қаралсин: Национальный состав населения Узбекской ССР. – Т.: Госкомстат, 1990. – 294 с.; Демографический ежегодник Узбекистана (1991-2003 гг.): Статистический сборник. – Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2004. – 300 с.

[2] Итоги всесоюзной переписи населения 1989 года. Т.IV. Национальный состав населения УзССР. – Ташкент, 1990. – С.51-56.

[3] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.140.

[4] Ўша ерда. – С.141.

[5] Ата-Мирзаев О.Б., Гентшке В.Л., Муртазаева Р.Х. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. – Т.: Университет, 2004. – С.119.

[6] Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2007. – Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2008. – С....

Бироқ, ушбу ўсиш суръати миллатларда турлича бўлгани боис, бу ҳол республика аҳолиси таркибидаги миллий жамоалар нисбатининг ўзгаришига олиб келди.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибидаги бундай ўзгаришларни миграция жараёнлари, руслар, украинлар, белоруслар, яҳудийлар (Ўрта Осиё ва европа яҳудийлари)нинг, татарлар ва хусусан, қрим татарларининг, немислар ва месхети туркларнинг мамлакатдан кетиши билан изоҳлаш мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистонга доимий яшаш учун асосан Ўрта Осиё республикаларидаги ўзбеклар ва Тожикистонда мураккаб ижтимоий иқтисодий вазият ҳамда миллатлараро муносабатларда нотинч ҳолат юзага келгани сабабли тожиклар кўчиб келмоқда. Ташқи миграциядаги бундай вазият республика миллий таркибининг шаклланишига бевосита таъсирини ўтказиб, ўзбеклар ва тожикларнинг республика аҳолисининг таркибидаги улушининг ошишига ва табиий равишда бошқа миллат вакиллари салмоғининг камайишига олиб келмоқда. Хусусан, республика миллий таркибида ўзбекларнинг улуши 80 %дан ошди, тожиклар (4,9%)нинг сони ва улуши руслардан (3,8%) ошиб иккинчи ўринга чиқди. Республика аҳолисининг миллий таркибида татарларнинг (0,9%) ва украинларнинг (4,9%) улуши кескин камайди[2].

Мазкур маълумотлар Ўзбекистонда миллий жамоалар ривожланиши ва ўзаро алоқаси демографик жараёнлар билан узвий боғлиқ эканидан далолат беради. Ушбу жараёнларни ҳисобга олмасдан туриб республикада миллий муносабатларни янада такомиллаштириш, миллий сиёсатни амалга ошириш мураккабдир.

Миллий жамоалар таркибида шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати ушбу жамоаларнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон шароитида шаҳар аҳолисининг республика аҳолисининг умумий сонидаги улуши қисқариб бораётганини айтиш зарур. Маълумотларга кўра, 2007 йилда, республика шаҳарларида аҳолининг 36,5 фоизи қишлоқ жойларда эса 63,5 фоизи истиқомат қилган (1990 йилда бу кўрсаткич 40,8 ва 59,2 фоиз бўлган)[3]. Шаҳар аҳолиси улушининг камайиб бориши миграция жараёнлари, хусусан, асосан шаҳарларда истиқомат қилган славян гуруҳига мансуб миллатлар, шунингдек яҳудийлар, немислар, татарларнинг тарихий ватанига кўчиб кетиши билан боғлиқ.

Ўзбеклар, қорақалпоқларнинг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Маълумотларга кўра ҳозирги кунда шаҳарларда ўзбекларнинг ўттиз фоиздан сал ортиғигина яшайди[4]. Қозоқ, қирғиз, тожик, туркманлар орасида ҳам қишлоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил қилади. Рус, украин, белорус,

---

[1] Население нашей страны увеличилось на 200 тысяч человек // Новости Узбекистана". – 2009. – 7 августа.

[2] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.141.

[3] Қаралсин: Численность населения Республики Узбекистан (2007). – Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2008. – СТР???

[4] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.91.

озарбайжон, арман, бошқирд, мордвин, татар, чуваш, яҳудий, грек, корейс, немис, эрон миллати вакиллари, Ўрта Осиё яҳудийлари, қрим татарларнинг асосий қисми шаҳарларда истиқомат қилади. Шу сабабдан ҳам миллий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири маҳаллий аҳолини шаҳарлаштириш жараёнига жалб этишдан иборатдир. Бу борада Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар сиёсати жараёнида шаҳарлаштиришнинг янги тарихий даврини бошлаб берганини таъкидлаш зарур. Ҳозирги кунда урбанизация борасидаги сиёсатнинг асосий йўналиши шаҳар ва қишлоқ муносабатларини оқилона ташкил этишдан иборат бўлиб, қишлоқларда ҳам оммавий ахборот воситалари, коммуникация, ишлаб чиқаришнинг техник-технологик, интеллектуал имкониятлардан кенг фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Агар республика аҳолисининг сони ошиб боришини ва 2015 йилга келиб, у қарийб 30 млн.га етишини[1], ҳамда аҳоли сонининг ошиши асосан қишлоқ жойларда яшовчилар ҳисобига ўсишини эътиборга олсак (2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида аҳоли сони 200,4 мингга кўпайган, унинг 58% қишлоқ жойларга тўғри келган[2], мамлакатимиз учун шаҳарлаштириш сиёсатининг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тушуниш қийин эмас.

Демографик жараёнлар билан боғлиқ равишда республика аҳолисининг ўзбек тилини билиши масаласи ҳам қизиқиш уйғотади. “Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2009 йилда Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг аҳволи, динамикаси ва анъаналарини ўрганиш натижалари бу борада ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани қайд этган. Хусусан, сўровномада тилни билиш даражаси, уни ўрганишга бўлган ҳоҳиш ҳамда давлат тилини ўрганиш учун яратилган шароит ва имкониятлар бўйича респондентларнинг фикрини аниқлаш кўзда тутилган эди. Сўров натижаларига кўра респондентларнинг 65,6% ўзбек тилини аъло даражада ва 31,3% яхши билишини қайд этган. Ўзбек тилини аъло даражада билувчиларнинг сони ошиб бораётганини (2006 йилда 57%, 2008 йилда 57,5%) алоҳида таъкидлаш зарур. Сўровда иштирок этган рус миллати вакиллари орасида ўзбек тилини эркин биладиганларнинг сони 5,5%ни ташкил этади, холос, Айни чоғда, йилдан йилга славян гуруҳига мансуб миллат вакиллари орасида ўзбек тилини билиш даражаси ошаётгани ва респондентларнинг 61% бир оз қийинчилик билан бўлса-да, ўзбек тилида сўзлашишини қайд этган. Сўров натижалари республика аҳолиси орасида ўзбек тилини билиш ва уни ўрганишга бўлган қизиқиш ошиб бораётганидан далолат беради. Респондентларнинг 86,6% республикада ўзбек тилини ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган деб ҳисоблайди[3].

---

[1] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.186.

[2] Қаралсин: Газета “Новости Узбекистана” . – 2009. – 7 августа.

[3] Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Узбекистан многонациональный” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”. Т., 2009.

Мамлакатимиздаги бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, динлараро ҳамкорлик муҳитининг қарор топиши, давлат томонидан барча миллат ва элатлар манфаатларининг ҳимояланиши республика аҳолисининг умумфуқаролик интеграцияси учун зарур шарт-шароит яратади. Хусусан, “Ижтимоий фикр” Маркази томонидан ўтказилган ва юқорида қайд этилган сўровлар натижасига кўра, респондентларнинг 93% Ўзбекистонни ўзининг севимли Ватани ва аждодларининг Ватани, деб эътироф этган. Айни чоғда, сўнгги 6 йил мобайнида Ўзбекистонни фақатгина истиқомат қилинаётган мамлакат деб ҳисоблаётганларнинг сони 9,7%дан ошмаётгани ҳам эътиборга лойиқдир[1].

Юқорида келтирилган маълумотлар давлатимиз миллий таркибидаги миқдорий ўзгаришларни ифода этади, холос. Айни чоғда, турли миллий бирликлар ролининг ўзгариши, уларнинг аввало мустақиллик шароитида маданий соҳадаги ўзаро алоқаси масаласи ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишини қайд этиш зарур.

Бу ўринда масаланинг икки жиҳатига биринчидан,

алоҳида олинган давлат ичидаги миллий-маданий муносабатлар, иккинчидан,

бошқа давлатлардаги миллий бирликлар билан маданий муносабатлар масаласига алоҳида тўхталиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Масаланинг биринчи жиҳатига тўхталадиган бўлсак, Собиқ иттифоқ даврида миллатлараро муносабатларга бағишланган кўплаб адабиётларда иттифоқ ва мухтор республикаларнинг ўзаро алоқаларига, айниқса, миллий-маданий муносабатлар соҳасини ўрганишга етарлича эътибор қаратилмаганини таъкидлаш зарур. Собиқ шўро маконида мустақил давлатларнинг ташкил топиши уларнинг ички миллий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни таҳлил этишни биринчи ўринга қўйди. Шу сабабли давлатимизда миллий бирликлар ролининг ўзгаришини ўрганиб чиқиш долзарб масалалардан биридир.

Хўш, мустақиллик йилларида бу борада қандай ўзгаришлар рўй берди?

Аввалambор, ўзбекларнинг миллат сифатидаги роли ўзгарди. Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда республика аҳолисининг қарийб 80 фоизи ўзбеклардан иборат. Бироқ, гап фақат бунда эмас. Республикадаги моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритаётганларнинг аксариятини ҳам ўзбеклар ташкил этиши ниҳоятда муҳимдир. Республикада меҳнатни ижтимоий тақсимлашнинг барча жабҳаларида – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бошқарув, маънавий-маданий ва бошқа соҳаларда ўзбеклар салмоқли ўрин тутаётганини таъкидлаш зарур .

Мустақиллик шароитида ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш деб таърифлаш мумкин. Шу сабабли маънавиятимизни юксалтиришга таъсирини ўтказадиган: маънавий мерос, маданий бойликлар, қўхна тарихий ёдгорликларни асраб-

[1] Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Узбекистан многонациональный” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”. Т., 2009.

авайлаш; муқаддас динимизни пок сақлаш; буюк алломаларимизнинг ибратли ҳаёти ва қолдирган меросини чуқур ўрганиш ва унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш; оиланинг ўрнини мустаҳкамлаш ва нуфузини ошириш; маҳалланинг хуқуқий ва амалий ваколатларини кенгайтириш; таълим-тарбия тизимини тубдан такомиллаштириш каби омилларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Социализмнинг маъмурий буйруқбозлик модели учун хос бўлган камчиликлардан бири эса халқларнинг миллий ўзига хослигини етарлича баҳоламаслик, уларни ягона қолипга солишга интилиш, юқоридан, марказдан туриб бир хилликни ўрнатиш ҳисобланади. Бунда айниқса маънавият ва маданият соҳасида миллий ривожланишнинг кўплаб муҳим жиҳатлари рад этилганини қайд этиш зарур.

Бу борада Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... биз бошимиздан кечирган собиқ мустабид тузум даврида миллий маънавиятни ривожлантиришга мутлақо йўл қўйилмаган. Аксинча, халқимизнинг табиати, яшаш тарзига ёт бўлган коммунистик мафкурани ҳар қандай йўллар ва зўравонлик билан жорий этишга ҳаракат қилинган. Шунинг учун ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ бу соҳадаги аҳволни тубдан ўзгартириш юртимизда энг долзарб ва ҳал қилувчи вазифалардан бирига айланди”[1].

Мустақил ривожланишнинг дастлабки йилларида тўпланган тажриба ва амалга оширилаётган ислоҳотлар янги қадриятлар билан бир қаторда миллатнинг маънавий маданиятини бойитди: ислоҳотлар йўлининг тўғрилиги, уларнинг халқ манфаатларига мослигини англаш, мустақил ривожланиш халқнинг бирдамлиги ва катта меҳнатни талаб қилади; амалга оширилаётган ислоҳотлар шарқона ислом фалсафаси идеалларига, тажриба ва менталитетига жавоб беради; халқ ўз тақдирининг эгаси ҳисобланади, ислоҳотлар давомида халқнинг дунёқараши, ҳаётий йўналишларида ўзгаришлар юз бериши муқаррар; мустақил ривожланиш халқимиз фаровонлиги ва миллий маънавиятимизнинг юксалишига хизмат қилади.

Маънавий юксалишга доир чора-тадбирлар тизимининг асосий бўғинларидан бири – бу амалдаги ватанпарварликни мустаҳкамлаш билан бирга, бу – Ер шари барча халқларнинг умумий уйи экани ҳақидаги тушунчани қарор топтиришдир.

Давлат мустақиллигининг Герб, Байроқ, Мадҳия каби рамзлари, орденлар, медаллар, фахрий унвонлар каби давлат мукофотларини белгилаш ва уларни ҳурмат қилиш миллатлараро ҳамда давлатлараро ўзаро муносабатларнинг янги асослари саналади.

Аҳолишунослик ва экологик муаммоларни ҳал этиш ҳам миллий маънавиятимизни ривожланишига ёрдам бермоқда. Ўсиб келаётган ёш авлод, болалар ва оналар, ёшлар, мамлакатнинг экологик аҳволи, табиатдан оқилона фойдаланиш, рационал энергия ресурслари балански ҳақида ғамхўрлик қилиш шулар жумласидандир.

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 4-5-бетлар.

Маънавий юксалиш бозор иқтисодиёти талаб қилаётган маънавий фазилатларни (ташаббускорлик, ақл-идрок, билим, масъулият ва жавобгарлик ҳисси, шунингдек, боқимандалик ва лоқайдликка барҳам бериш) сингдиришни ҳам ўз ичига олади.

Миллий маънавиятни юксалтириш миллатлараро дўстлик ва тотувлик масалалари билан бевосита боғлиқдир. Республика аҳолисининг асосини ташкил қиладиган ўзбек миллати Ўзбекистонда яшаётган барча этник ва миллий гуруҳлар билан мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш учун одоб-ахлоқ, сабр-тоқат, эътибор ва ҳаттоки, ён бериш каби фазилатларини намоён этмоқда. Бундай хулосанинг тасдиғи сифатида "Ижтимоий фикр" Маркази томонидан 2009 йилда ўтказилган сўров натижаларига мурожаат қилиш мумкин. Хусусан, 1999-2008 йилларда шу марказ томонидан ўтказилган сўров натижалари республикадаги миллатлараро муносабатларини ижобий баҳолаганларнинг сони ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу соҳадаги муносабатларни "яхши" ва "жуда яхши" деб респондентларнинг 85,1 фоизи, деб баҳолаганлар 13,7 фоизни ташкил қилган. Респондентларнинг атиги 0,1 фоизи (2008 йилда 0,4 фоиз) миллатлараро муносабатларда танглик мавжудлигини қайд этиб[1], бу ҳол танглик кўринишлари маиший соҳага тегишли экани кўрсатилган.

Сўров давомида миллатлараро муносабатлар динамикасига берилган баҳо ҳам диққатга лойиқ. Жумладан, миллатлараро тотувлик даражаси ошганлигини эътироф этганлар 74,1 фоизни ташкил этган (2006 йилда бу рақам 63,7 фоиз бўлган). Бу соҳада танглик юзага келганини қайд этганлар сони 1,3 фоизни ташкил этган (2006 йилда бу рақам 5,4 фоиз эди)[2].

Миллий ўзликни англашга йўналтирилган сиёсат халқнинг ўз тарихи ва маънавий меросини қайта тиклаш, унинг мазмун-моҳияти, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини тушуниб етишга қаратилган. Шу муносабат билан заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз фаолияти билан башариятнинг тараққиёт саҳифаларида ўчмас из қолдирган буюк ватандошларимиз: алломалар, саркардалар, шоиру ёзувчиларнинг ҳаёт йўли ва илмий-маърифий меросини чуқур ўрганиш ва ибратли томонларини ёшларимизга етказиш ниҳоятда муҳимдир.

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда 130 миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти адабиётларда миллий гуруҳлар сифатида эътироф этилиб, илмий нашрларда уларнинг қуйидаги умумлаштирилган хусусиятлари қайд этилади:

- миллий гуруҳлар ўз миллатининг (ёки элати) асосий оммасидан алоҳида, одатда бошқа миллий муҳитда яшайдиган қисмини ифода этади;
- улар халқларнинг, яъни дунёдаги тегишли миллатга мансуб барча кишиларнинг маҳаллий қисмини ифода этади. Ушбу халқларнинг аксариятини мустақил давлатчиликка эга миллат ёки элатлар ташкил этади;

---

[1] Аналитический доклад по результатам социологического исследования: "Узбекистан многонациональный" / Центр изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр". Т., 2009.

[2] Ўша ерда.

- миллий гуруҳлар тарихан ташкил топган барқарор тузилмалардир. Уларнинг келиб чиқиши, тили, этник ватани битта бўлиб, кўпинча тарихий ватани билан ҳар томонлама мустаҳкам алоқага эга бўладилар;

- миллий гуруҳлар ўз халқининг (миллати ёки элати) ўзаги билан умумий хусусиятларга эгадир. Бу – тил, психика, менталитет, шунингдек бошқа барча этник бирликлардан ўз номида (халқнинг номи) қайд этилган ўхшашлиги ва бошқа этник бирликлардан ажралиб туришини англатувчи хусусиятлардир;

- миллий гуруҳлар тарихий ватанидан ташқарида зич ёки алоҳида бўлиб яшайди.

Халқларнинг бундай қисмлари битта давлат худудида ёки турли давлатлар таркибида яшаши мумкин. Масалан, собиқ шўро Иттифоқида 55 миллион киши ўз миллатининг (ёки элати) асосий оммасидан ажралган ҳолда яшаган ва бу Иттифоқ аҳолиси умумий сонининг 20 фоизини ташкил этган[1].

Миллий гуруҳларнинг ҳаёти, уларнинг ташкил топиши, ривожланиш шароитлари, ўз миллатларидан алоҳида яшаса-да, уларнинг ривожига бўлган таъсири каби муаммолар катта назарий ҳамда амалий қизиқиш уйғотади. Бу қизиқиш, аввало, собиқ Иттифоқда маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида ушбу гуруҳларнинг ўзига хос эҳтиёжларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга етарлича эътибор қаратилмагани, бу эса уларни этник ва миллий бирликлар сифатида эркин ривожланишини қийинлаштиргани билан боғлиқдир.

Бир хил номдаги миллатлардан алоҳида яшайдиган миллий гуруҳларнинг муаммолари собиқ шўро давлати маконида мустақил давлатлар ташкил топиши сабабли янада кескинлашди. Фарғона, Ўш, Тоғли Қорабоғ, Жанубий Осетия, Днепрбўйи, Болтиқбўйи, Чеченистон, Тожикистонда рўй берган воқеалар шундан далолат беради. Бунинг оқибатида бир қатор мустақил давлатлардан турли миллий гуруҳ вакиллари кўчиб кетди. Ушбу миграция оқими аҳолининг катта қисми кўчиб кетаётган ва келаётган давлатларда кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Миграция жараёнларидан баъзан сиёсий мақсадларда ҳам фойдаланилганини қайд этиш зарур. Масалан, 1991-1999 йилларда Ўзбекистонда асосан шаҳарларда яшовчи 356,8 минг руслар, 32,3 минг украинлар, 55,5 минг яҳудийлар, 22,6 минг немислар, 108,0 минг татарлар кўчиб кетган[2]. Айни чоғда, 1985-2006 йилларда республикага 1,2 млн. одамлар кўчиб келганини айтиш зарур[3]. Бунда республикага келган аҳоли кўп миллатли бўлган. Қолаверса, Ўзбекистонга келаётган меҳнат мигрантларининг сони ҳам ошган. Хусусан, расмий маълумотларга кўра

[1] Демографический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1985. – С.572.
[2] Ата-Мирзаев О.Б. Народонаселение Узбекистана: история и современность. – Т.: Ижтимоий фикр, 2009. – С.70.
[3] Ўша ерда. – С.72.

уларнинг сони 2001 йилдаги 44 мингта бўлса, 2006 йилга келиб 330 минг кишига етган[1].

Ушбу маълумотлар баъзи МДҲ мамлакатларининг айрим оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондан "оммавий қочиш тўғрисида"ги фикрлар асоссиз эканлигидан далолат беради.

Мустақил давлатларда миллий гуруҳлар муаммоларининг кескинлашуви қуйидаги омиллар билан боғлиқ:

- миллий гуруҳларнинг ўз асосий этноси (миллат ёки элати) билан алоқаларининг қийинлашгани;
- миллат ва шу номдаги миллий гуруҳнинг турли фуқароликка мансублиги;
- бир қатор гуруҳларнинг давлат тили жорий этилиши муносабати билан рус тилидан шу мамлакатда яшаётган бошқа этник бирликлар билан миллатлараро муомала тили сифатида фойдаланишида юзага келган қийинчиликлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги миллий гуруҳларда қандай ўзгаришлар рўй бермоқда? Авваламбор, таъкидлаш керакки, мустақиллик нафақат ўзбеклар, балки бошқа миллий гуруҳлар вакилларига ҳам миллий ўзига хосликни сақлаш ҳамда ривожлантириш имконини берди.

Ҳар бир миллий ёки этник гуруҳ ўз тили, тарихи, анъана ва урф-одатлари, миллий турмуш тарзи элементларини ривожлантириш йўлида ҳуқуқлар, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар даражасида камситилмаса, тақиқловчи ёхуд чекловчи тўсиқларга йўлиқмасагина ўзига хос муайян тарихий бирлик сифатида сақланиб қолиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади" дейилган[2].

Давлатимизда барча миллат ва элат вакилларининг ўз она тилида ўқиши ҳамда сўзлашиши, миллий маданий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш учун ҳақиқий конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Мавжуд тарихий тажриба, Ўзбекистонда миллий давлатчилик ташкил топишининг дастлабки босқичлари амалиёти ва этник ривожланишнинг замонавий талаблари шуни кўрсатадики, миллий маданият марказларини(МММ) ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши миллий гуруҳларнинг этник эҳтиёжларини қондиришнинг реал ҳамда самарали шакли ҳисобланади. Айни чоғда, фикримизча, уларнинг фаолиятини чуқур илмий таҳлил қилишга етарли даражада эътибор берилиши зарур. Чунки, миллий маданият марказлари миллий тил, тарих, анъана ва урф-одатларни қайта тиклаш ва асраб-авайлаш, ўз миллати билан алоқаларни мустаҳкамлаш, миллий гуруҳнинг ўзи яшаётган давлат худудида жипслашувига ёрдам

---

[1] Трудовая миграция в Республике Узбекистан: социальные, правовые и гендерные аспекты. – Т.: ПРООН и Гендерная программа Посольства Швейцарии, 2008. – С.13.

[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 4-бет.

бериш, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини Ўзбекистоннинг равнақи йўлида ҳамкорликка йўналтириш борасида катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Республикада маданият марказларининг фаолиятидан кўзланган мақсад – “тарихий ватандан” ажралганлик ҳиссига барҳам бериш, маънавий-маданий эҳтиёжларни таъминлашдаги камчиликларни бартараф этиш, миллатлараро маданий алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасида бирдамлик ва дўстликни мустаҳкамлаш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда миллий маданият марказлари шаклланиш ва ривожланиш жараёнининг икки босқичидан ўтди деб айтиш мумкин. Биринчи босқич – ташкилий расмий, фаолият йўналишларини аниқлаш жараёни – 80-йиллар охири 90-йиллар бошига тўғри келади. Айнан шу йилларда қозоқ, арман, тожик, корейс, озарбайжон, дунган ва бошқа миллий бирлашмалар ташкил топди. 1989 йилда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Маданият вазирлиги ҳузурида Республика Миллатлараро маданият маркази ташкил этилди.

Ривожланишнинг иккинчи босқичи 1992 йил охирида бошланди. Бу босқич марказларнинг Ўзбекистондаги миллатлар ва аҳолининг этник гуруҳлари ҳаётининг кўп қиррали томонларини қамраб олган фаолиятини жонлантириш билан ифодаланади.

1992 йил 13 январда Вазирлар Маҳкамасининг 10-қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Республика Миллатлараро маданият маркази Республика Байналмилал маданият марказига айлантирилиб, у миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишда кўмаклашадиган мустақил нодавлат муассаси сифатида фаолият юрита бошлади. 2003 йилда миллатлараро муносабатлар соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Республика Байналмилал маданият марказининг янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланиб, унинг мақсад ва вазифалари, асосий фаолият йўналишлари белгиланди[1].

1992 йилда Ўзбекистонда байналмилал маданият марказининг ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинганда уни миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасидаги аҳамиятини ҳамма ҳам етарлича тушунган эмас. Бундай қарор мамлакат тинчлиги, барқарорлиги, миллатлараро тотувликни таъминлаш – мамлакатимиздаги ислоҳотларнинг ижобий амалга оширилишининг муҳим шартларидан бири эканини чуқур англанган ҳолда қабул қилинди. Яъни, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакат раҳбарияти томонидан жамиятда бағрикенглик тамойилини қарор топтириш ва бу туйғуни ҳар томонлама рағбатлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Миллий маданий марказлар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши ички ва ташқи ғаразли кучларнинг юртимизда

[1] Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами. – 2003. – №4. – 29-модда.

миллий ва этник низоларни авж олдиришга бўлган уринишларни олдини олди.

Ҳозир Республика Байналмилал маданият маркази 150 яқин миллий маданият марказлари фаолиятини бирлаштиради. Мустақиллик шароитида уларнинг сони 15 бараварга ошгани, ҳозирга келиб улардан 14 таси республика ташкилоти статусига эга эканини қайд этиш зарур[1]. Шу йиллар давомида миллий маданий марказлар маънавий, маданий ва ижтимоий характердаги масалаларни ҳал этувчи нуфузли ижтимоий ташкилотга айланди. Улар мамлакатимизда яшаётган миллий гуруҳларнинг тили, қадриятлари, анъаналарини сақлаш ҳамда жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги роли кундан-кунга ошиб бормоқда. Миллий маданий марказлар ўзаро ҳамкорликда ва бир-бирини қўллаган ҳолда ҳар йили юздан ортиқ тадбирлар ўтказиб келмоқдалар. Улардан энг йириклари "Ватан ягонадир – Ватан биттадир", "Бизнинг кучимиз – бирликда ва ҳамжиҳатликдадир", "Ўзбекистон – умумий уйимиз" каби кенг қамровли дўстлик анжуманларидир.

Миллий маданият марказлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни, Конституция куни, Наврўз, Хайит, Хотира ва қадрлаш куни каби муҳим саналарни биргаликда нишонламоқда. Ана шундай байрам кунлари Ўзбекистон ҳақиқий тинчлик, дўстлик, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик мамлакати эканини янада яққол намоён бўлади.

Кўплаб миллат вакиллари иштирокида русларнинг масленица, рождество, пасха, татарларнинг сабантўй, арманларнинг Вардавар деб аталувчи атиргуллар байрами, қрим татарларининг Хедерлез, корейсларнинг ой календари бўйича янги йил ва "Тано" байрамлари ва бошқа кўплаб байрамлар нишонланмоқда.

Истиқлол йилларида ажойиб маданий янгилик – Республика Байналмилал маданият маркази томонидан миллий маданият бирлашмалари билан ҳамкорликда ўтказиладиган халқ ижодиёти фестивали ташкил этилди. Қозоқ, арман, яҳудий, корейс, татар ва бошқа маданият марказларининг маҳоратли ҳамда ҳаваскор артистлари Ўзбекистоннинг театр ва саройлари саҳнасида ўз маҳоратларини намойиш этмоқда, Мустақиллик майдонида Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган оммавий байрам тантаналарида иштирок этмоқда.

Миллий маданият марказлари Ўзбекистон аҳолисининг маданий, тил ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида маънавият ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Бу борада ижтимоий сўровлар, конференциялар, давра суҳбатлари, семинарлар, симпозиумлар ўтказилмоқда. Бу тадбирлар миллатлараро ҳамкорлик, маънавий ва ижтимоий фаолият юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишга ёрдам бермоқда. Миллий маданият марказлари сиёсий партиялар, илмий муассасалар, жамоат фондлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда

---

[1] Мухаммадиев Н. Равные права и равные возможности / Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 25-бет.

миллий муносабатларни тартибга солиш масалалари, миграция жараёнлари, маданий алоқаларни ўрганмоқда, республикада барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича ижтимоий дастурларни ишлаб чиқмоқда.

Масалан, рус маданият марказининг бошқалардан бир мунча ажралиб турадиган фаолияти бундан далолат беради. Корейс, арман, яҳудий ва бошқа маданият марказлари низомларида миллий тил, анъана ва урф-одатларни қайта тиклаш вазифаси белгиланган бўлса, рус маданият маркази уларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга интилади. Зеро, она тилида таълим олиш, миллий театрни ташкил этиш, рус тилидаги турли ахборот тизимларининг фаол ишлаши, турли даражада этник ватан билан яқин алоқалар ўрнатиш каби миллий ҳаётнинг муҳим жиҳатлари Ўзбекистонда давлат даражасида қўллаб-қувватланиб, республика миллий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Рус миллати вакилларининг маънавий-маданий ва тил эҳтиёжларини қондириш борасида давлат ҳамда жамоат ташкилотлари имкониятларини уйғунлаштириш марказ фаолиятининг асосини ташкил этади. Унинг фаолияти рус диаспорасининг янада жипслашуви ва бу соҳада зарур муҳит яратиш билан боғлиқ бошқа ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ташкил этилган.

1994 йилнинг мартида имзоланган “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш тўғрисидаги декларация” илмий, техник, маданий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни амалга оширишда кенг имкониятлар очиб берди. Ушбу ҳужжатда маданият маркази фаолиятининг муҳимлиги алоҳида қайд этилган. Шу маънода, марказ халқ дипломатияси функцияларини бажариб, нафақат руслар, балки рус маданияти билан қизиқувчи бошқа миллат вакилларини ҳам бирлаштиргани аҳамиятга моликдир.

2008 йилнинг октябрида Рус маданият маркази биносининг очилиши ва шу куниёқ унда “Миллий маданият марказларининг ҳорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги роли” мавзусида ўтказилган назарий-амалий конференция бунинг яққол далилидир[1].

1993 йил ташкил этилган ва ўз фаолиятини Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча белоруслар ҳақида маълумотлар базасини ташкил этишдан бошлаган белорусларнинг “Свитанок” маданият маркази ҳам бу борада катта ишларни амалга оширмоқда.

Белорус маданият маркази Республика байналмилал маданият маркази шафелигида, шунингдек украин ва рус маданият марказлари билан ҳамкорликда ўтказиб келинаётган Славян ёзуви куни, православларнинг

---

[1] Герасимова С. Наша сила в единстве и сплоченности / Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 63-69-бетлар; Овчинников О. Дорогой согласия и милосердия: О деятельности Русского культурного центра // Доверие-Ishonch. – 2008. – 4 июля. – С.5; Ким Е. Больше знать об обычаях и традициях народов: О работе Русского культурного центра Узбекистана // Вечерний Ташкент. – 2009. – 12 января.

кўплаб байрамлари, халқ қўшиқлари кечаси каби тадбирларда иштирок этмоқда.

Белорус маданият марказининг фаолияти миллий бирлашмалар нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳаракат қилган ҳолда, миллий сиёсат йўналишларини қўллаб-кувватлаш ва кенгайтириш ҳамда шу тариқа, Ўзбекистоннинг равнақ топишига салмоқли ҳисса қўшиши мумкинлигидан далолат беради[1].

Миллий маданият марказлари диаспораларнинг тарихий ватани билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича фаолияти миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни таъминлайдиган миллий сиёсатни қўллаб-қувватлашнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Адабиётларни чоп этиш, мақолаларни эълон қилиш, кинохроника ва ахборот видео тасмаларни ишлаб чиқариш, миллий даврий нашрларни жалб қилиш бу борадаги ахборот тўсиқларини бартараф этишга ёрдам беради. Миллий маданият марказлари Ўзбекистоннинг Россия, Қозоғистон, Украина, Германия, Исроил, Жанубий Корея билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Республика корейс маданият марказлари уюшмаси Ўзбекистонда яшаётган корейсларнинг (2008 йилда 200 мингдан ортиқ киши) тарихий ватани билан алоқаларини мустаҳкамлаш борасида улкан ишларни амалга оширмоқда. Уюшма 1992 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозир 24 та вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикасидаги марказни бирлаштиради. Ўтган асрнинг 30-йилларида мамлакатимизга депортация қилинган корейслар ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳис қилмоқда. Айни чоғда, ўз маданияти ва тилини асраш бўйича уюшма томонидан катта ишлар қилинган. Хусусан, маҳаллий корейсларнинг 90% ўз она тилида ёзиш ва ўқишни билмас эди. Шу сабабли марказ ўз фаолиятини, аввало, корейс тилини ўқитиш ва миллий анъаналарни қайта тиклашга қаратди. Ҳозирги кунга келиб, Тошкент, Фарғона, Андижон, Гулистон, Урганч, Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчиқ, Янгиер шаҳарларида зарур адабиётлар билан тўлиқ таъминланган корейс тилини ўқитиш курслари фаол иш олиб бормоқда. Республиканинг 9 та олий ўқув юртларида корейсшунослик кафедралари ташкил этилган, 112 та мактабда корейс тили ўқитилмоқда. Уюшма раиси В. Шин фаолиятнинг асосий якунларини сарҳисоб қилар экан, сўнгги йилларда ўтказилган йирик иккита тадбирни: иккита марта Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хваннинг 100 йиллиги ҳамда корейсларнинг Ўзбекистонда яшашининг 70 йиллигини нишонланганини алоҳида қайд этган.

Жойлардаги маданият марказлари Андижон, Оҳангарон, Фарғона, Наманган, Олмалиқ, Гулистон, Урганч, Тошкент шаҳарларидаги мактабларда корейс тилини ўрганишни ташкил этишда кўмаклашмоқда. Бундан ташқари,

---

[1] Петренко Г. «Свитанок» всегда рассвет: О деятельности белорусского культурного центра в Узбекистане // Правда Востока. – 2005. – 1 июля.

"Тинбо" илмий-техник маркази, корейс ҳаваскорлик театри, "Корё" ансамбли фаолият кўрсатмоқда, корейс халқ ижодиёти фестиваллари ўтказилмоқда[1].

Арман, туркман, грузин, татар, қозоқ, украинларнинг "Батъкившчина", озарбайжонларнинг "Гардошлик", болгар, немис, полякларнинг "Полонез" ва бошқа маданият марказлари ҳам шу каби тадбирларни ўтказмоқда[2].

Миллий маданият марказларининг бундай фаолияти Ўзбекистон Республикасининг миллий сиёсати миллатлараро муносабатлар масалаларини оқилона ҳал этиш, миллий маданият ва тилларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини мувофиқлаштиришга тўғри йўналтирилганини тасдиқлайди

Таъкидлаш жоизки, мустақил Ўзбекистон раҳбарияти томонидан миллий маданият марказлари ишларига кўмаклашиш уларни ҳар бир миллий диаспора учун алоҳида таъминланадиган тор этник эҳтиёжлар қобиғида ўралашиб қолишдан асраб қолди. Ҳолбуки, бундай ҳолат юз берганда, маданиятлар бир томонлама ва номукаммал ривожланган бўлар эди. Миллий маданият марказлари бир-биридан фарқ қилишидан қатъи назар, уларни халқлар характеридаги умумий хусусиятлар, биргаликда яшаш, бир-бирига ўхшаш ижтимоий йўл-йўриқлар ва бошқа кўплаб омиллар яқинлаштиради. Марказлар олдида ўз диаспораси аъзоларига давлат тилини ўрганиш, умумхалқ ватанпарварлик онгини шакллантиришда фаол иштирок этишда кўмаклашиш, Ўзбекистондаги барча халқлар бирдамлиги ва тенглиги ғоясини тарғиб қилиш, турли миллат ва элат вакилларининг мақсад ва интилишларини миллий ғояга уйғунлашувидек муҳим умумий вазифалар турибди.

Ушбу масалаларни ҳал этишга доир ишлар миллатлараро муносабатлар соҳасида барқарорликни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга экани сабабли илмий-оммабоп адабиётларда эътироф этилган миллий маданият марказлари фаолиятини қонуний мустаҳкамлаш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш даркор.

Мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш борасидаги ишларнинг самарадорлиги "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан доимий равишда ўтказиб келинаётган сўров натижаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, 2009 йилда ўтказилган сўровларда респодентларнинг деярли барча миллат ва элат вакиллари этник гуруҳга мансублик ва фуқаролик белгиларини бирдай қабул

---

[1] Шин В. Конституция – гарант процветания общества / Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 86-89-бетлар; Усманова Н. В семье единой: О деятельности Ассоциации корейских культурных центров Узбекистана // Правда Востока. – 2007. – 6 января; Ибрагимова З. Согрета вниманием и заботой: О праздновании Навруза под эгидой Ташкентского областного корейского культурного центра // Ташкентская правда. – 2009. – 8 апреля.

[2] Глушкова Г. Зажигает, кто горит: О деятельности Армянского национального культурного центра Узбекистана // Правда Востока. – 2009. – 23 апреля; Фахрутдинова Ф. День Татарстана: В Республиканском интернациональном культурном центре // Правда Востока. – 2006. – 22 декабря; Аскаров У. Межнациональное согласие и культурное развитие: О деятельности Казахского национального культурного центра // Вечерний Ташкент. – 2006. – 27 сентября; Фахрутдинова Ф. Нас объединяют общие корни: О Болгарском национальном культурном центре // Вечерний Ташкент. – 2006. – 26 октября; Шур И. Забота о человеке: Республиканский культурный центр немцев Узбекистана «Видергебурт» // Вечерний Ташкент. – 2005. – 24 февраля; Егиян Т. Польский стиль жизни Ташкента: О польском общественно-культурном детском центре «Заживе» // Вечерний Ташкент. – 2006. – 12 июля.

қилишини эътироф этган. Бу икки белгининг бирдай ифодаланишини аввало тожикларнинг 76,2%, татарларнинг 70%, қирғизларнинг 64,7%да кўриш мумкин. Славян диаспорасида у 27,8% ни ташкил этади. Айни чоғда, сўровда қатнашган славян ва татарларнинг 100%, қозоқларнинг 91,6% Ўзбекистон фуқароси бўлгани билан фахрланишини таъкидлаган[1]. Сўралганларнинг аксарияти ўзбек заминида уларнинг бир қанча авлоди ўсиб-улғайгани, кўпчилиги маҳаллий аҳолининг энг яхши анъана ва урф-одатларини қабул қилиб ўзлаштиргани, унинг маданий-маънавий қадриятларини ўзаро бойиш ҳамда ўзини маънавий ривожлантириш воситаси сифатида эътироф этганини билдирган.

Демак, миллий ўзликни англаш жараёни нафақат Ўзбекистондаги миллатларга, балки унда яшаётган этник гуруҳларга ҳам тааллуқлидир. Уларнинг бу жараёндаги иштироки ўз маданиятининг умуминсоний ва этник элементларини қайта тиклаш ҳамда ривожлантириш имконини бермоқда.

Республика байналмилал маданият маркази ва миллий маданий марказлар фаолияти ҳақидаги масалага якун ясаб, бундай марказлар жамият ҳаётининг ривожида муҳим роль ўйнаётгани, уларнинг нафақат халқларнинг маънавий қадриятларининг қайта тиклашдаги ўрни, балки миллатлараро муносабатлардаги тотувликни мустаҳкамлашдаги фаолиятини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Уларнинг кенг қамровли фаолияти мамлакатимизда тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан олиб борилаётган миллий сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Миллий маданий марказлар томонидан ўтказиладиган кўплаб тадбирлар, юртимизда бағрикенглик тамойилининг қарор топиши, турли миллат вакилларининг ўзаро мулоқати, миллатларнинг маданияти, урф одатлари билан танишиш имконияти, уларнинг янада яқинлашуви ва интеграциялашуви, яъни полиэтник жамиятнинг уйғун ҳолда ривожланиши учун шарт-шароит яратмоқда.

Республика байналмилал маданият марказининг бундай самарали фаолияти давлатимиз раҳбари томонидан муносиб баҳоланди. 2007 йилнинг январида марказнинг 15 йиллиги муносабати билан Президент И.А. Каримовнинг табригида Республика байналмилал маданият марказининг ва унга уюшган 150 га яқин миллий маданий марказларнинг юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш борасида кенг миқиёсдаги фаолияти алоҳида қайд этилди[2].

Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаш ва қайта тиклаш борасидаги салмоқли ишларини қайд этган ҳолда, бу соҳани ривожлантириш маълум бир қийинчиликлар, тўсиқлар, зиддиятларни енгиш орқали бораётганини қайд этиш зарур. Маънавий маданиятни ривожлантириш давомида унга бозор муносабатларининг таъсир кўрсатиши,

---

[1] Аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Узбекистан многонациональный” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”. Т., 2009.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилганлигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларига табриги // Халқ сўзи. – 2007. – 20 январь.

маданиятнинг “тижоратлашуви” билан боғлиқ тенденциялар мавжудлиги ҳам аниқланди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида бозор иқтисодиёти муносабатларининг жорий этилиши айнан маънавий маданият соҳасига, хусусан, халқ таълими, илм-фан, санъат, маданий-маърифий муассасалар, музейлар, оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бошқа соҳаларга сезиларли таъсир қилди.

Айни чоғда, жамиятда, миллатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатларида маънавий қадриятлар ўрнига моддий омиллар устун қўйилар экан, миллатлараро муносабатлар мамлакатимизда яшаётган халқ ва элатларнинг маънавий-маданий алоқаларига салбий таъсир этиши эҳтимолдан холи эмас.

“Шу ўринда, – дейди Президент И.А. Каримов, – баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт қуриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда” ва фикрини давом эттириб “...биз ... иқтисодий ривожланиш жараёнларининг... маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун равишда ривожланиб боришини доимо...эътибор марказига қўйиб келмоқдамиз”[1]. Шу нуқтаи назардан бутун жаҳонни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам мамлакатимизда жамият аъзоларининг маънавий ҳаётини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Хусусан, 2010 йилнинг давлат бюджети харажатларининг 50 фоиздан зиёди фақатгина соғлиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир[2].

Миллий маънавий маданиятни ривожлантириш миллий тикланиш, барча этник жамоаларни ҳар томонлама ривожлантиришга доир давлат сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган фаолият ўз натижаларини бераётгани, миллий маданий қадриятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқаси учун, демак, маданий тараққиёт учун барча шароитлар яратилганини қайд этиш зарур.

Миллий-маданий ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорлик кўп қиррали масала сифатида, у тил, анъанавий-маиший маданият, миллий психика, этник ўзликни англаш каби жиҳатлардан иборат эканини қайд этиш зарур.

Миллий-маданий ўзаро таъсир ва ўзаро алоқадорликни таъминлашда унинг барча жиҳатларининг муҳимлигини эътироф этиш билан бирга, тил масаласига алоҳида тўхталиш лозим.

Мустақиллик даврида ҳаётнинг барча йўналишларида бўлганидек, ўзбек тилининг Давлат тили сифатида мақомини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислоҳот бошланди ва бу жараён ҳозирги кунда ҳам изчил

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 68-69-бетлар.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон халқига янги йил табриги // Халқ сўзи. – 2010. – 1 январь.

давом эттирилмоқда. Табиийки, бу йўналишдаги ўзгариш ва янгиланишларга ”Давлат тили ҳақида”ги Қонун дастурий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тил ҳар бир халқ мавжудлигининг энг муҳим, ҳал қилувчи асосларидан биридир. Халқ ўз ўзини тилида абадийлаштиради ва тил абадият элчиси бўлиб яшайверади.

Маълумки, мустабид тузум даврида республикада ўзбек тилининг имкониятлари чеклаб қўйилган эди. Тилимиз, бамисоли халқимизнинг ўзи каби мустабидлик сиёсати ва мафкураси хизматига бўйсундирилган эди. ”Давлат тили ҳақида”ги Қонун тилимизга янги мазмун, янги дунёқараш, янгича садо ва куч бағишлади.

Шу ўринда, мустақил ривожланиш даврининг талаб ва эҳтиёжлари манбаида ”Давлат тили ҳақида”ги Қонун тарихий ва тадрижий янгиланиш йўлини босиб ўтганлигини таъкидлаш зарур. 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган Қонунда 30та модда бўлиб, улардан 7 тасида муайян муддатларда бажариладиган дастурий вазифалар белгиланган эди. Ўша пайтда бу ҳужжат ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашни жонлантириш ва ривожлантириш, унинг бой маданий меросини қайта тиклаш, жамиятни маънавий янгилашда муҳим роль ўйнади. Аслини олганда, Қонун омманинг миллий ўзига хослик, халқнинг тарихини қайта тиклаш, мамлакатнинг суверенитет ва мустақилликка эришишига қаратилган ҳаракатини бошлаб берган дастлабки қонунчилик ҳужжатига айланди.

Қонуннинг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Ушбу қонун республикада яшовчи барча миллат вакиллари томонидан тўғри қабул қилинди.

Давлат тили тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин ўтган йиллар мобайнида уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбек тилини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, судлар, давлат нотариал идораларида қўллаш тўғрисида талаблар аниқланиб, жорий этилди. Қонунга мувофиқ, халқ таълими, фан ва маданият соҳалари, оммавий ахборот воситаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларида давлат тили сифатида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Шаҳарлар, аҳоли пунктлари, майдонлар, кўчалар, географик объектларнинг тарихий номлари қайта тикланди. Ижтимоий-сиёсий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, илмий-техник атамаларни миллий тил асосида янгилаш борасида ҳам самарали ишлар бажарилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг миллий тилларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳуқуқларининг барча муҳим шартлари ҳамда кафолатлари яратилди. Ўзбекистон қонунчилиги мамлакатимизда ҳамжиҳатликда яшаётган бошқа халқлар тилларини эркин ўрганиш ҳамда улардан фойдаланиш билан бир қаторда, аҳолининг аксарияти фойдаланадиган битта давлат тили бўлиши кераклигини ҳам тақозо этади. Ўзбекистонда ҳеч қандай тил цензураси йўқ. Шу сабабли қатор қўшни давлатлардаги каби давлат тили билан бирга, яна иккинчи расмий тилни жорий этиш шарт эмас.

Шу билан бирга, 1989 йилда ушбу қонун қабул қилингандан кейин, айниқса, Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйгандан сўнг ўтган вақт давлат тили тўғрисидаги илк таҳрирдаги қонунга тузатишлар киритишни талаб қилди.

Чунки, Қонун республика ҳали собиқ Иттифоқ таркибидаги пайтда ҳамда маданий-маънавий соҳада ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилаётган бир шароитда қабул қилинган эди. Марказ зўравонлигидан тезроқ қутулиш истаги қонуннинг айрим моддаларини амалга жорий этиш муддатларида бир оз шошқалоқликка йўл қўйилганлигини кўрсатди. Кейинчалик амалиёт ҳам барча моддаларни белгиланган муддатларда амалга ошириб бўлмаслигини намоён қилди.

Шу сабабли Қонуннинг баъзи моддалари, қатор атамалари эскирди. Боз устига, қисқа муддат ичида давлат тилини тез ва самарали ўқитишни ташкил этиш бўйича муаммолар юзага келди.

1995 йилга келиб бу Қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, унда ҳаёт, тараққиётнинг янги босқичи илгари сурган қатор янги талаблар ўз аксини топди. 1995 йилнинг декабрида “Давлат тили ҳақидаги қонун”нинг янги таҳрири тасдиқланди.

Янги таҳрирдаги давлат тили тўғрисидаги қонунда аввалги қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар ҳисобга олинган. Айни пайтда унда давлат тили ва республикада истиқомат қилаётган бошқа миллатлар тилларининг ҳуқуқлари ва улардан фойдаланиш меъёрлари белгиланган. Бу эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ мос келади.

Қонунда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги устуворлиги аниқ белгиланиши билан бир қаторда, Ўзбекистон фуқаролари турли вазиятларда бошқа тиллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга экани ҳам белгиланган. Бу ҳуқуқ ўз ихтиёрига кўра танлаш мумкин бўлган миллатлараро муомала тилининг фаолият юритиши учун жорий этилди.

Қонуннинг 24-моддасида “Ўзбекистон Республикасида давлат тилига ёки бошқа тилларга менсимай ёки хусумат билан қараш тақиқланади” дейилган. Бу халқаро ҳуқуқ меъёрлари, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларацияга тўлиқ мос келади.

Қонун қабул қилингандан сўнг ўтган давр мобайнида катта ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳаётимизда рўй берган улкан жараёнлар туфайли кўпгина янги сўзлар, иборалар, терминлар тилимизга кириб келди. Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятга қўшилиши ва сиёсий, иқтисодий, маданий йўналишларда ўзаро фаол ҳамкорлик натижасида кўплаб хорижий сўзлар четдан келиб қўшилди. Эскирган деб истеъмолдан чиқарилган сўзларга (девон, вазирлик, ҳоким, вилоят, туман, даҳа, мавзе ва бошқалар) истиқлол қайта ҳаёт бағишлади. Шу йилларда тилимиз ташқи олам таъсирида четдан сўз олиш ва ўзлаштириш орқали ҳам бойиб борганини қайд этиш зарур.

Бугунги кунда тилни ривожлантиришда фақат тилшунос ва адабий ижодкорлар эмас, балки турли соҳа мутахассислари ҳам иштирок этаяпти.

Сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, тиббиёт, кон-геология ва бошқа бир қатор соҳаларда махсус луғатлар тайёрланди. Мамлакатимиз, жамиятимиз, ривожланиб борган сари тилимиз ҳам такомиллашиб, оммалашиб бормоқда, Масалан, ўзбек кураши жаҳон майдонига чиқиши натижасида Миллий курашимизга оид "кураш", "ёнбош", "ҳалол", "чала", "ғирром" каби тушунчалар ҳалқаро спорт терминологиясидан мустаҳкам ўрин олди.

Ўтган давр мобайнида ўзбек тилида 12 жилдли "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" яратилди. Мамлакатимиз илмий зиёлиларининг кучи ва фидойилиги асосида юзага келган ишлар миллий тилимизнинг улкан ютуқларидан далолатдир. Фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доираси кенгайиб борди[1].

Айни чоғда тилшунослигимизни даврнинг юксак талаблари асосида ривожлантиришнинг бир қанча муҳим масалалари бор. Улар ҳақида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, атоқли тилшунос олим А. Ҳожиев шундай дейди: "Ўзбек тилшунослигида кейинги вақтларда юз берган муҳим воқеалардан бири тилни система сифатида ўрганишга жиддий эътибор берилаётганидадир. Бунинг муҳимлиги шундаки, тил системаларининг шаклланиши билан билан боғлиқ ҳодисаларнинг моҳиятини тўла ва тўғри ёритиш билан ўзбек тилшунослигида шу пайтга қадар етарли эътибор берилмай келинаётган муаммоларни белгилаш ва ҳал этиш имкониятлари юзага келади. Бошқа муаммо тилга оид тадқиқотлардаги номукамаллик. Масалан, таълим-тарбиянинг турли босқичлари учун чиқарилаётган ўзбек тили дарсликларидан айримларида бу муаммо яққол сезилмоқда. Баъзи дарслик ва қўлланмаларда жиддий мунозарали ўринлар мавжуд. Уларни бартараф этиш учун малакали мутахассисларнинг ҳамфикрликка эришуви зарур"[2].

Бу борада ўзбек тилини мамлакатимизда асраб-авайлаш ва ривожлантириш тажрибаси жаҳонда эътироф этилаётганини, давлат тилимиз халқаро миқиёсда фаол мулоқот воситасига айланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур. Хусусан, 2009 йилнинг октябрида Германиянинг Бремен университетида ЮНЕСКО шафелигида, халқаро "Тиллар фестивали" бўлиб ўтди. Тадбирда дунёнинг 60 мамлакатидан тилшунос олимлар, шоирлар ва лингвистлар иштирок этди. Фестиваль доирасида "Ўзбек тили ривожининг тарихи, босқичлари ва истиқболлари" номли кеча бўлиб ўтди. Германиялик тингловчилар Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг амалга оширилаётган, она тилимизни оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирлар билан яқиндан танишдилар. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бошқа тилларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётгани, хусусан, мактаб таълими етти тилда олиб борилаётгани алоҳида таъкидланди. Тадбирда тарихда кечган мураккаб даврларга қарамасдан, ўзбек халқи ўз она тилини

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 87-бет.
[2] Миллий онг ва тафаккур ифодаси // Ҳалқ сўзи. – 2009. – 21 октябрь.

сақлаб қола олгани, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг миллий тил ривожида сифат жиҳатдан янги босқич бошлангани эътироф этилди[1].

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- биринчидан, мамлакатимизда барча тиллар ва улардан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқлар таъминланганини қайд этиш зарур. Албатта, уларнинг тутган ўрни турлича бўлиши табиийдир. Негаки, ушбу тилларда сўзлашадиганлар сони ҳам, уларнинг ривожланиш даражаси ҳам турличадир. Бироқ, тилларнинг тенг ҳуқуқлилигини эътироф этиш ва таъминлаш уларни камситишдан ҳимоя қилиб, ривожланиш ва такомилига ёрдам беради;

- иккинчидан, миллий тилларни ривожлантириш, улардан таълим олиш соҳасида, матбаатчилик оммавий ахборот воситалари, санъат соҳаларида фойдаланиш учун шарт-шароит яратиш зарур. Таржима фаолиятини ҳам ривожлантириш ниҳоятда муҳимдир. Бу чора-тадбирлар тиллар, маданиятларни асраб-авайлаш, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бойишга хизмат қилади;

- учинчидан, Ўзбекистонда миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун бу ердаги тегишли миллатларнинг асосий қисми яшайдиган мамлакатлар томонидан ҳам кўмак талаб этилади. Аммо, бу ёрдам Ўзбекистон суверенитетига дахл қилмайдиган, унинг ички ишларига аралашмайдиган тарзда кўрсатилиши лозим.

- тўртинчидан, Марказий Осиё халқларининг маданияти, анъаналари, урф-одатлари, диний эътиқоди ва бошқа кўплаб хусусиятларининг умумийлигини эътиборга олиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Марказий Осиё халқлари тилларида ўқув адабиётларни чоп этиш (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистондаги дарслар ўзбек тилидаги ўтиладиган мактаблар учун ўзбек тилида дарсликлар чиқариш) минтақа халқлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланиши хизмат қилган бўлар эди.

---

[1] Ўзбек тили халқаро форумда // Ҳалқ сўзи. – 2009. – 14 октябрь.

# Иккинчи боб

# Ўзбекистон Республикасининг маънавий-маданий соҳадаги миллий сиёсатини такомиллаштириш механизми ва йўллари

## 2.1. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш шароитида Ўзбекистон халқи маданий-маънавий ўзига хослигини ривожлантиришнинг етакчи йўналишлари

Миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги тамойилини қўллаб-қувватлаш – миллатни маънавий жиҳатдан юксалтириш сиёсатининг энг муҳим шартларидан биридир. Ўзбекистоннинг цивилизациялашган демократик ҳамжамиятга интеграциялашуви, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этишда ўз моделини яратишида миллий ва умумдемократик қадриятлар, миллатнинг ўзига хос фазилатлари ва умумбашарий хислатларнинг уйғунлашувига эришиш ғоят муҳим аҳамият этади. Чунки, маъмурий буйруқбозлик ҳукм сурган мустабит тузум даврида пролетар, яъни синфий тусдаги қадриятларнинг миллий ва умумбашарий қадриятлардан устунлиги тўғрисидаги ғоя барча оммавий тарғибот воситалари томонидан халқ онгига сингдириб келингани ҳолда, миллий ва умумбашарий қадриятлар умуман инкор этилар эди.

Ваҳоланки, миллий ва умумбашарий маънавий қадриятлар муайян синфнинг, ижтимоий гуруҳнинг эҳтиёжларини қондириш учунгина хизмат қилмайди, балки барча миллатларнинг манфаатларини ифода этади. Бу қадриятлар, Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “... бирон бир ҳалқ маънавиятига хос қадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олиниши, табиийки, ана шу халқ тарихига нисбатан чуқур ҳурмат ифодасидир. Бундай эътироф халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади”[1].

Барча моддий ва маънавий маданият қадриятларининг ижодкори бўлмиш инсон шу қадриятларнинг ўлчови сифатида ўз халқининг маънавий маданияти ҳамда инсоният маънавияти соҳасидаги ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларни оммалаштиришда ва ҳаётга татбиқ этишда ўзининг асл табиатини тўлиқ намоён этади.

Маданият – инсониятнинг тарихий ривожланиши жараёнида яратилган моддий ва маънавий қадриятларнинг мажмуидир. Моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиш даражаси шахс, миллат, халқлар ва умуман башарият ривожланиши даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Маънавий маданиятнинг олий кўринишларидан бири инсонпарварлик бўлиб, у ўзида олий маънавий-ахлоқий қадриятларни мужассамлаштиради.

Инсонпарварлик ғоялари бутун инсоният тарихига сингиб кетган бўлиб, унинг моҳияти ва мақсади жамият ҳаётининг барча соҳаларида

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 48-бет.

ижтимоий адолат идеалларини қарор топтиришдан иборат экани яхши маълум. Халқимизга хос ана шу фазилат ҳақида тўхталиб, И.А. Каримов шундай деб ёзади: “Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди – маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ тушира олмади”[1].

Халқлар ўртасидаги, айниқса, битта минтақада яшовчи умумий тақдир, тарихий илдизларга эга бўлган халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик Ўзбекистоннинг миллий сиёсатида ўзининг ёрқин ифодасини топган умумбашарий қадриятлардан биридир. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, ҳайрихоҳлиги, меҳмондўстлиги, болажонлиги ва яхши қўшничилик фазилатлари нафақат МДҲ давлатларида, балки бутун дунёда машҳур. Президент И.А. Каримов ўзининг нутқларида Ўзбекистоннинг эркинлик ва мустақиллик сари интилишларининг моҳияти инсонпарварликдан иборат эканини исботловчи далилларга ҳамиша мурожаат этади.

Минг йилликлар давомида инсоният яратган барча эзгуликларни ўзида жамлаган маънавий маданият серқирра умумбашарий қадриятлар ўзаги ва негизини ташкил этади. Шунинг учун жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан қайта тиклаш, маданиятнинг миллий аҳамиятига етарли даражада баҳо бермаслик, баъзида эса, уни рад этувчи салбий ҳолатларга барҳам бериш мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг олдида турган муҳим вазифалардан бири эди. Маданиятни байналмилаллаштириш ҳозирги замон ривожланиш томойилларидан бири сифатида: миллий маданият, миллий тил, миллий анъаналар, урф-одатлар, удумлар, яъни миллат ҳаётининг ўзига хос жиҳатларининг бутун комплексини тиклаш ва тараққий эттиришни сира истисно этмайди, балки аксинча бунга шарт-шароитлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, умумбашарий қадриятларнинг негизида миллий қадриятлар мавжуд бўлади, бинобарин, улар муайян бир миллатнинг, халқларнинг маданияти заминида вужудга келади, шаклланади ва ривожланади, шундан кейингина уларнинг илғор жиҳатлари талай омиллар таъсирида ўзга халқлар ва миллатлар томонидан қабул қилинади. Шу муносабат билан ҳозирги кунда миллий ва умумбашарий маданият ўртасидаги нисбатга қатъий танқидий баҳо бериб, уни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш, бирёқламаликка йўл қўймайдиган сиёсат юритиш зарур. Агар яқин ўтмиш сиёсатида миллий маданиятнинг миллат турмушидаги аҳамиятига етарли даражада баҳо берилмаган бўлса, ҳозирги кунга келиб миллий маданиятни бошқа маданиятлардан ажратиб қўйишга уринишлар кўзга ташланмоқда. Башарти, тоталитар мафкуранинг ифодаси бўлмиш ягона

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон. – 77-бет.

социалистик маданият назарияси расмий сиёсат ёрдамида миллий маданиятнинг асосига, моҳиятига путур етказган ва айни шу орқали миллатлар ўртасидаги зиддиятларни кескинлаштириб, баъзан эса ихтилофларга олиб келган бўлса, бошқалардан ажратиб қўйиш, уни бошқа халқлар миллий маданиятининг энг яхши фазилатлари билан бойитишга йўл қўймасликка қаратилган тарғибот унинг суст ривожланишига ва қашшоқлашувига олиб келади.

Ҳар бир миллат ўз маданияти, тарихи, мероси ва анъаналари билан ноёб экани шак-шубҳасиз. Бироқ, миллат фақатгина ўз салоҳияти ҳисобига эмас, балки қўшни, шунингдек жуғрофий жиҳатдан олис бўлган бошқа миллатлар ва халқларнинг маънавий ҳамда моддий қадриятлари таъсирида бойиш ҳисобига ҳам ривожланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, миллатлараро муносабатлардаги интеграциявий ва дезинтеграциявий жараёнларнинг кескин тўқнашуви шароитида миллатлараро мулоқот маданиятини такомиллаштириш, миллатлараро алоқалар самарадорлигини таъминлаш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади. Ҳар бир миллатнинг маънавий-ахлоқий ривожланиши муваффақиятлари кўп жиҳатдан дунёдаги барча халқлар маданиятидаги энг яхши фазилатларни қабул қила олиши ва ўзлаштира билишига боғлиқ. Миллий маданиятнинг ривожланишида улар қанчалик ўзига хос, бетакрор, миллий жиҳатдан серқирра бўлмасин, тарихнинг барча босқичларида уларнинг ўзаро таъсири, бир-бирини бойитиш жараёни муҳим аҳамиятга эга бўлган. Миллий маданиятлар ўртасидаги ҳамкорлик жараёнида уларнинг бири бошқасидан нимадир олиши муқаррар. Миллатни бошқа миллатлар таъсиридан ажратиб қўйишга бўлган интилиш ўзининг миллий маданияти атрофида ўралашиб қолган миллат учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шу маънода Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “... биз маънавиятимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга интилаётган эканмиз, ҳеч қачон ўз қобиғимизга ўралашиб қолмаслигимиз керак”.[1]

Айни вақтда, миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири муҳимлигини эътироф этиш билан бирга, давлатимиз раҳбари, ҳар бир халқ маданияти ривожланишининг ўз ички омиллари, фақатгина ўзига хос руҳияти билан йўғрилганини алоҳида таъкидлайди.

Миллий маданиятларнинг бетакрорлиги, ўзига хослиги уларнинг асрлар давомида жаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда таркиб топади, деган маънони англатмайди. Неча асрлардан буён турли миллат, минтақалар ва уларнинг компонентларини бирлаштирувчи савдо-иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий алоқалар халқнинг миллатлараро маданият элементларини қабул қилиши учун хизмат қилиб келган. Ҳар қандай миллат бошқа миллатлар билан муайян соҳада ҳамкорлик қилар экан, цивилизациялашган миллатлар бир-бири миллий маданиятининг маънавий хазинасидан баҳраманд бўлади.

---

[1] Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 32-бет.

Ҳар бир миллий маданият эришган муваффақият бошқа халқлар миллий маданияти билан ҳамкорлик қилиш объекти ва соҳасини тўғри танлаш, уларнинг миллий қадриятларига нисбатан ижодий ва авайлаб ёндашиш, бу борада сиёсий тенгликнинг таъминланишига боғлиқ.

Турли миллатларнинг маънавий қадриятлари, турли тарихий даврлар цивилизациясини қабул қилиш ёки ўзлаштиришда ўзаро ҳамкорлик қилаётган миллатнинг ўзига хос феъл-атворини, миллий характери ҳамда ўзига хос санъати – меъморчилик, адабиёт ва бошқа шу каби соҳалардаги асарлар қандай тарихий шароитларда яратилганини чуқур ва ҳар томонлама ҳисобга олиш зарур.

Президент И.А. Каримов бу борада таъкидлаганидек, “Бизнинг юртимизда яшаб кўрган, халқнинг анъаналарини, турмуш тарзини, ахлоқий ва маънавий қадриятларни билган кишигина буни тушуниши мумкин”[1].

Бошқа миллатлар маънавий маданиятига тааллуқли асарларни ўз халқи, ўз тарихий даври, ўзи яшаётган цивилизация нуқтаи назаридан кўра билиш, тинглаш ёки ўқишни билиш муҳимдир. Бу ўринда даврлар, халқлар ва турли миллатларнинг маданий қадриятлари ўртасидаги алоқаларнинг мазмун–моҳиятини англаш жаҳондаги барча халқлар тараққиётидаги изчилликни кузатишга ёрдам берувчи ривожланган тарихий хотира муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан олганда, миллий чекланганлик ва яккаланишга йўл қўймаслик, манманлик ва миллий калондимоғликка олиб борувчи миллий устунликни даъво қилишга кескин зарба бериш миллий сиёсат олдида турган вазифалардандир. Турли халқлар ва цивилизациялар маънавий меросини бир-бирига сунъий равишда қарши қўйишга уринишлар, бошқанинг ҳисобига ўз манфаатини қондиришга бўлган интилиш ва шу каби бошқа иллатлар инсоният эришган тараққиётнинг энг яхши ютуқларини ўзлаштиришга тўсқинлик қилади.

Хўш, маданият соҳасидаги ижтимоий интеграциянинг объекти нимадан иборат? Умумбашарий тажриба ва мустақиллик йилларида Ўзбекистон тўплаган тажриба маънавиятнинг қуйидаги тузилмавий-функционал элементларини ажратиб кўрсатиш имконини беради:

- умумэътироф этилган қадриятлар, эстетик қадриятлар, ахлоқий принциплар, биринчи навбатда, инсонпарварлик тамойили;
- она заминга, қон-қариндошлик алоқаларига садоқат, азалий меҳнатсеварлик ва меҳмондўстликдан иборат умуммиллий маънавий маданиятнинг устувор йўналишлари;
- маданий ривожланиш фуқаролик хиссини кучайтириш ва ватанпарварликка йўналтирилгани: кўп миллатли Ўзбекистонда минтақавий-этнографик муштараклик тарихан шаклланган бўлиб, унинг доирасида хўжалик, маданият, оила-никоҳ алоқалари мустаҳкам қарор топганини доимо эсда тутиш лозим. Ушбу муштараклик Ўзбекистон Конституциясида

[1] Каримов И.А. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашмоққа тайёрман. “Труд” газетаси саволларига жавоблар (1993 йил 26 май) / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 229-бет.

“Ўзбекистон халқи” ибораси орқали белгилаб қўйилган, кундалик норасмий мулоқотда эса “ўзбекистонликлар” деб юритилади;

- миллий маданиятлар, ҳунармандчилик анъаналарини тиклаш;
- мамлакат ичида минтақавий ва халқаро маданий айирбошлаш, маънавиятни юксалтиришга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш;

Шу жиҳатдан олганда, Марказий Осиё халқлари маданиятини уйғунлаштириш муҳим масала бўлиб, бунда қуйидагиларни назарда тутиш зарур:

- Марказий Осиё халқларининг бирлиги ғоясини юксалтириш, илмий, маданий-маърифий алоқаларни такомиллаштириш;
- тинчлик ва осойишталик йўлида дўстлик, тотувлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- минтақадаги барча халқлар учун умумий бўлган бой анъанавий меросни асраб-авайлаш;
- умумий тараққиётнинг янги имкониятларини топиш йўлида Марказий Осиёдаги мустақил давлатлар адабиёт, санъат ва фан соҳасида эришган ютуқлари билан жаҳон ҳамжамиятини таништириш;
- ёш авлодни умумий тарихий қадриятларга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш, мустақиллик туфайли қайта тикланаётган ўзига хосликни англашда кўмаклашиш, уларнинг онги ва қалбига миллий ғурур, эзгулик, яхши қўшничилик ва қардошлик ҳиссини сингдириш, минтақадаги тинчлик ва осойишталик, ўз халқи истиқболининг муносиб бунёдкорлари этиб тарбиялаш.

Барча соҳаларида бўлгани каби маънавий маданиятнинг ривожланишда ҳам ҳозирги замон миллий маданиятларнинг ўтмишдаги илғор маданиятлар ва тамаддунлар билан изчил алоқаси мавжуд. Моддий ва маънавий маданиятнинг барча элементлари ўртасидаги изчил алоқа – ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим қонуниятлари, диалектик инкор этишга хос жиҳатлардан биридир. Маълумки, диалектик инкор этиш ялпи инкор қилишни эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг ўтмиш босқичларида инсоният эришган ютуқларнинг энг қимматли, энг муҳим жиҳатларини сақлаган ҳолда беҳуда, ўринсиз бўлган нарсаларни рад қилишни тақозо этади. Моддий ва маънавий маданият қадриятларини асраш ҳамда кўпайтириш ҳар бир комил инсоннинг бурчидир.

Миллий мустақиллик ва сиёсий суверенитет шароитида миллий, этник ўзини англаш ҳиссини ривожлантириш ва юксалтириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этиб, халқларнинг ўз тарихий ўтмиши, миллий тили, анъана ва урф-одатларига бўлган қизиқиши ортади.

Миллий маданий ёдгорликлар ва анъаналарга нисбатан нафақат тарихий қадриятлар хазинаси сифатида, балки яшаб турган замон ва маконни англашнинг муҳим воситаси, мамлакатни ривожлантиришга кўмаклашувчи қудратли омил сифатида ҳам муносабатда бўлиш керак. Ҳар бир халқнинг маънавий меросидаги илғор яратувчилик кучига эга бўлган қудратли маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама мустаҳкамланиши керак бўлган

элементларни ажрата билиш лозим. Бундай сиёсатни амалга ошириш учун Ўзбекистонда мамлакатимиз тарихи ва маданий ёдгорликларини қўриқлаш, таъмирлаш ва қайта тиклашга қаратилган давлат дастурлари қабул қилинган. Бугунги кунда рўйхатга олинган 7570 та маданий мерос ноёб осори-атиқаларни қамраб олади. Шундай дастурлар асосида Самарқандда "Гўри Амир" мавзолейи мажмуи, "Регистон", Жумамасжид (Бибихоним) ансамбли, "Руҳобод", "Шоҳизинда" мажмуалари, Мароканддa "Афросиёб" шаҳарчаси, Шаҳрисабзда "Доруттиловат" мажмуи ва темурийларнинг "Дорус-саодат" мақбараси, "Оқсарой" саройи, Кўкгумбаз масжиди; Қаршида Жума масжид, ўрта асрларда қурилган кўприк ва тарихий ҳаммом; Термизда "Султон Саодат" комплекси; эрамизга қадар III асрда Хоразмда бунёд этилган Қўйқирилганқалъа қолдиқлари, Бухорода Калон масжид, Қаффол Шоший ва Кўкгумбаз масжидлари таъмирланди ва қайта тикланди. Улуғ бобомизнинг 660 йиллигига бағишлаб Тошкент шаҳрида бунёд этилган Соҳибқирон Амир Темур музейи ҳамда қайта таъмирланган Ҳазрати Имом мажмуаси, Самарқанддаги Имом Бухорий, Хоразмдаги Жалолиддин Мангуберди мемориал комплекслари ҳақиқий дурдоналарга айланди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш, фикр эркинлиги, виждон эркинлиги ва дин эркинлигини амалга ошириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Ҳар бир халқнинг маънавий мероси, миллий ва умумий қадриятларининг асраб-авайланиши Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни – Конституциясида кафолатланган. Бундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таянган ҳолда маънавий меросни сақлаш ва қадриятларни тиклаш билан бирга миллатни тиклаш ва маънавиятини юксалтириш зарур. Миллат ўзлигини тиклаши учун бой тарихидан, минг йиллик маданий тажрибасидан, буюк бобокалонларининг меросидан куч-кувват олиши керак.

Ўтмиш маданий меросидан омманинг ва ҳар бир шахснинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун фойдаланиш керак. Бундай мерос миллатни ўз иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий қудратини кучайтиришига йўналтириши, Ўзбекистоннинг буюк истиқболини яқинлаштиришга кўмаклашиши керак.

Янги ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларини қуриш чоғида Ўзбекистон қандай маънавий-ахлоқий асосга таяниб ўтаётганини чуқур ҳис этиш, сезиш ва англаш лозим.

Бир қатор соҳа мутахассислари жаҳон цивилизацияси томонидан яратилган қадриятларни ўзлаштириш механизмларини таҳлил қилар экан, ҳақли равишда қуйидаги хулосага келади: хорижий қадриятларнинг миллий маданиятга айланиши механизмини оддийгина ўзлаштириш сифатида қабул қилиб бўлмайди. Бу – ўзининг миллий қадрияти асосида ва хорижий қадриятни билиш негизида янги қадриятнинг яратилиши жараёнидир. Бу айни ижодий жараён бўлиб, унда ўтмиш ва ҳозирги замон, миллий ва бошқалар қадрияти уйғунлашиб кетади. Бу жараён миллий маданиятларнинг ривожланишидаги ўта муҳим ҳаракатлантирувчи куч, шахс ва жамиятнинг маънавий ривожида миллий доирадагина чекланиб қолишига барҳам берувчи

омил ҳисобланади. Янгилик, шу жумладан хориж янгилигини ўзлаштириш ва ўзига мослаш билан боғлиқ фаолият шакли шахс маънавиятнинг ривожланишида алоҳида аҳамиятга моликдир[1].

Миллий қадриятларни тиклаш билан бирга янги қадриятларни ўзлаштириш ва ўзига мослаш қобилияти ҳозирги ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларининг янгиланиши жараёнида шахсни тарбиялашда жиддий аҳамиятга эгадир. Бу ҳамжиҳатликда яшовчи барча миллатлар маданий тараққиётини рағбатлантирувчи омиллардан бири ҳамдир. Бу борада Ўзбекистоннинг ҳозирги кун маданий воқелигидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, республикамизда истиқомат қилувчи этник жамоаларнинг кўпи ўзбек миллий маданияти, анъана ҳамда урф-одатларининг энг илғор элементларини ўз турмуш тарзига жорий этмоқда. Ва аксинча, кўпгина ўзбек оилаларида бошқа миллатларнинг турмуш маданиятига хос урф-одатларга амал қилинаётганини кузатиш мумкинки, бу ҳам ўзини англашнинг умумий жиҳатлари, ижтимоий афзалликлар мезонлари таркиб топганидан далолат беради.

Ўта муҳим миллий ва умумбашарий қадриятларни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг пировард мақсади шахс, унинг ҳуқуқлари устуворлиги, ўзбек менталитетига хос бўлган барча шакл ва кўринишлардаги серқирра демократик эркинликларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашдан иборатдир.

Ана шу қадриятлар мамлакатимизнинг миллий давлат манфаатлари, ўзбек халқига хос фазилатлар, дунёни англаш тарзига тўла-тўкис мос келади. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этаётган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари нафақат қонунлар орқали, балки халқнинг ўзлигини англаши, ахлоқий тажрибаси, кенг феъллиги ва ҳиммати билан ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Миллатнинг маънавий жиҳатдан юксалиши борасидаги мураккаб ва кўп жиҳатларга эга муаммоларнинг ҳал этилишида, яқин ўтмишда миллий сиёсатда мавжуд бўлган жиддий нуқсонларга барҳам беришда тилга доир сиёсат муҳим роль ўйнайди. Собиқ мустабит тузум дврида миллатлар яқинлашуви ва ҳаттоки бирикувини жадаллаштириш учун рус тилининг миллатлараро муомала тилига айлантирилиши натижасида унинг ўрни ва роли кескин ошишига сабаб бўлгани яхши маълум. Бундай сиёсатнинг зўрма-зўраки амалга оширилгани, рус тилига эътибор ҳаддан зиёд катта бўлгани оқибатида собиқ миллий иттифоқдош ва автоном республикаларда миллий тилларнинг роли ва аҳамиятига жиддий путур етказилди.

Миллий тилларнинг тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинган бўлса-да, амалда туб миллат тили билан рус тилининг тенглигини таъминлашга ҳамиша ҳам эришилмаган.

---

[1] Назаров Қ. Национальность и национальные ценности / Миллий ғоя ва манъавий қадриятлар: назария, методология, амалиёт. – Т., 2004. – 286 б.; Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. – Т.: Янги аср авлоди, 2008. – 200 б.; Мирза-Ахмедова П.М. Классика и современность в аспекте взаимодействия. – Т.: Академия, 2008. – 149 с.; Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий қадриятлар // Жамият ва бошқарув. – 2008. – №3. – 6-10-бетлар.

Адолат нуқтаи назаридан таъкидлаш жоизки, социализм йилларида, айниқса, унинг бошланғич даврларида миллий тилларни ривожлантиришга муайян эътибор қаратилган. Бу ҳол саводсизликни тугатишда, турли миллат вакиллари ўртасида маданий даражадаги тавофутларга барҳам беришда муҳим роль ўйнади, маҳаллий аҳоли орасидан ишчилар, зиёлиларни шакллантириш жадаллашди. Баъзи халқларнинг луғат таркиби бойиди, миллий тилларга, илмий терминологияни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди. Масалан, Ўзбекистонда 10 йил ичида (1930-1940 йиллар) ёзув ислоҳоти амалга оширилди, яъни аввалги лотин алифбосдан кирилл алифбосига ўтилди. Бундай ижтимоий эксперимент Ўрта Осиё халқлари миллий тилларини, шу жумладан, ўзбек тилини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиш билан бир қаторда, унга тўсиқ ҳам бўлди. Дастлаб, ўзбек тили сўз бойлигини халқаро сўз бирикмалари билан, кейинчалик эса славян атамалари билан бойитишга ҳаракат қилинди, бундай сиёсат ўзбек тилини ривожлантиришга кўмаклашмагани аён бўлиб қолгач эса, араб атамаларини ўрганишга зўр берилди. Оқибатда ўзбек тилидаги атамаларнинг 25 фоизидан ортиқроғи чет тиллар таъсирига учраб, шундай мазмун касб этдики, ҳатто мутахассислар ҳам баъзида қийналиб қоладиган бўлди.

Иккинчи "она тили" сифатида рус тилини ўрганиш зарурати кенг тарғибот қилиниши туб аҳолининг бу тилни жиддий ўрганишини таъминлаб, охир-оқибатда мустақиллик шароитида давлат тили мақомини олган она тилини эгаллашда қийинчиликлар туғдирди. Тил сиёсати борасидаги бундай паст-баландликлар шунга олиб келдики, ўзбек ёшларининг аксарияти, айниқса, аҳолиси кўп миллатли бўлган йирик шаҳарларда истиқомат қилувчи йигит-қизлар асосан рус тилида сўзлашадиган бўлиб қолди, улар ўз она тилларини яхши билмайди ёки билганди ҳам кундалик турмушдаги гап-сўздан нарига ўтолмайди. Бунинг яна бир сабаби шундаки, рус тилида таълим бериладиган мактабларда ўзбек тили бўйича машғулотлар юзаки, номигагина олиб борилган. Шунинг учун рус мактабларида таълим олган ўзбек болалари ўз она тилларини "хўжакўрсин"га ўрганишган. Бу борада Президент И.А. Каримов "... бундан йигирма йил олдин оддийгина ариза ёки маълумотномани ҳам ўзбек тилида ёзишнинг имкони йўқ эди. Бугун бу ҳақда гапирсангиз, кўпчилик ёшларнинг ишониши қийин" деб таъкидлаган эди[1].

Бу ҳол ўзбек тилини мактаблар, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида ўқитиш ва ўрганишни тубдан яхшилашни тақозо этди.

Мустақиллик шароитида ўзбек тили давлат тилига айланганидан кейин барча мактабларда, шу жумладан, таълим рус, қозоқ, қирғиз, тожик, корейс ва бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитиш анча яхшиланди. Бу ҳол нафақат туб аҳоли фарзандлари, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг болалари давлат тилини ўрганиши учун имконият яратди. Ўзбек тили миллатлараро мулоқотда, иш юритишда, давлат аппарати иши ва жамоат ташкилотларида, тиббиёт муассассалари, савдо, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида,

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 86-87-бетлар.

шунингдек соҳасида борган сари кўпроқ ишлатилмоқда. Қадимий миллий адабий тиллардан бўлмиш ўзбек тили гўёки қайтадан дунёга келгандек, Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи барча миллатлар ҳаётида тобора сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, янги таҳрирдаги Давлат тили тўғрисидаги Қонунда (1995 йил декабрь) барча тилларнинг тенг ҳуқуқлиги сиёсатини амалга ошириш зарурлиги, фуқароларни тилга мансублигига қараб камситилишига йўл қўйиб бўлмаслик яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тилдан фойдаланишдаги тенглик муаммоси кўпинча демократиядаги тенг ҳуқуқлиликни бузиш деб талқин этилади. Бироқ, гап шундаки, эркинлик ва тенглик ҳеч қачон тил гуруҳларининг тенглигини англатмаган ва англата олмайди ҳам. Муайян мамлакат аҳолисининг асосий қисмини ташкил этган етакчи миллат ўз тилини давлат тили даражасига кўтариш ва шу маънода уни умумий, мулоқотдаги устувор тилга айлантиришдан доимо манфаатдор бўлган ва бу ҳол табиийдир.

Ҳамонки, муайян давлатда бир неча тилнинг ҳукмронлик қилиши мумкин эмас экан, ҳар қандай демократия этнократия сифатида ҳам, яъни бир миллатнинг бошқа этник жамоалар ва миллий камчиликка нисбатан устунлиги кўринишида намоён бўлади. Барча фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳаммасидан тенг равишда фойдаланадиган ҳар қандай ўта демократик давлатда шундай бир ҳуқуқ борки, уни ҳар доим ҳам амалга ошириб бўлмайди: бу – она тилида сўзланганда тилнинг бошқалар учун тушунарли бўлишидир.

Ҳамма учун тушунарли бўлиш ҳуқуқи деярли ҳамиша бошқалар эркинлигини жиддий чеклашни, катта маблағ ҳамда вақтни талаб қилган ҳолда талай ходимлар учун, масалан, давлат органларининг ходимлари зиммасига бошқа халқлар тилларини ўрганиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистондаги алоқа хизмати ходимларини олиб кўрайлик. Тасаввур қилинг, агар айрим минтақаларда ўзбеклар, руслар, корейслар, қорақалпоқлар, тожиклар, поляклар, немислар ва бошқа халқлар бирга истиқомат қилишини назарда тутадиган бўлсак, алоқа ходимлари нечта тилни билишлари керак бўлади?

Она тилига бўлган ҳуқуқ – айни унда таълим олиш, маданий ривожланиш, миллий диаспоранинг бошқа аъзолари билан мулоқот қилиш учун фойдаланиш ҳуқуқидир, аммо бу ҳуқуқ мутлақо муайян соҳадан ташқарида сени тўлиқ тушунишлари керак, деган маънони англатмайди.

Бироқ, ушбу муаммонинг бошқа томони ҳам бор. Собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган мустақилликни қўлга киритган давлатлар собиқ Иттифоқдан қолган, мутлақо мақбул бўлмаган мерос – давлат тилини “иккинчи она тили”га айлантириш ниятида мажбурий ўрганишни жорий этишга ва истиқболда “биринчи она тили”дан воз кечиш тажрибасини қўллашга тайёр экани маълум бўлиб қолди. Бу бошқача йтганда, Россиядан ташқарида яшовчи кўп миллионли русларни эстонлар, тожиклар, латишлар, ўзбеклар ва бошқа миллатларга айлантиришга бўлган ҳар қандай уриниш,

бир томондан, муваффақиятсизликка юз тутса, бошқа томондан, аҳолининг катта қисмини сепаратизм ва этник миллатчиликка қўзғайди.

Шунинг учун ёш демократик давлатларда Ўзбекистонда бўлгани каби рус тилида сўзлашувчи аҳолини ўзига тортадиган миллий сиёсат ўтказилиши зарур. Бошқача айтганда, полиэтник давлат ватанпарварлигига кўмаклашувчи шундай сиёсат ўтказиш керакки, токи республикада истиқомат қилувчи бутун аҳоли Ўзбекистон давлатига нисбатан ўзининг Она юрти, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда туб миллатга қандай бўлса, бошқа миллат ва элатларга нисбатан ҳам бир хил муносабатда бўлаётган давлат сифатида қарасинлар.

Бу соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатини Президент И.А. Каримов таърифлаб, “Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она Ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир”[1], деб қайд этган. Бу борада ўзбек тилида сўзлашмайдиган аҳоли вакилларини тил жиҳатидан ҳимоя қилиш ҳам муҳим роль ўйнади, бу эса “Ўзбек тилининг давлат мақоми тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири ва Президент И.А. Каримовнинг “Агар миллатчилик кайфиятлари, қисувга олиш йўлидаги уринишлар содир бўлса, ўша ерга бориб, улар билан ёнма ён тураман”[2], деган сўзларида ифодаланган принципал муносабатида ўз аксини топди.

Республикамизнинг ташқи иқтисодий ва маданий алоқаларини жадал ривожлантириш шароитида билингвизм, яъни икки тиллилик борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда бу жараён турмушнинг барча соҳаларида она тилидан ва жаҳонда энг кўп тарқалган инглиз ва рус тилларидан фойдалана олиш билан боғлиқдир. Ҳозирги шароитда, масалан, тадбиркорликни муваффақиятли амалга ошириш борган сари тилларни қай даражада билишга боғлиқ бўлмоқда. Республикада кенг тарқалган икки тиллилик, яъни ўзбек ва рус тилларини билиш ҳам ўз миллати ва ҳам бошқа миллатларнинг маданиятини чуқурроқ ўрганиш; ўз билимини чуқурлаштириш, идрокини кучайтириш, ва мулоқот доирасини янада кенгайтириш, умумбашарий маънавий қадриятларнинг улкан хазинасидан фойдаланиш имконини юзага келтиради. Айни вақтда жаҳонда энг кўп тарқалган тилларни,  инглиз тили ва бошқа тилларни билиш борган сари кўпроқ аҳамият касб этмоқда, давлат томонидан ҳам бу масалага катта эътибор қаратилмоқда.

Миллатлар ва миллий тиллар бирикувини жадаллаштиришга қаратилган номақбул уринишларга барҳам берилгани нафақат ўзбек миллатини, балки мамлакатимизда истиқомат қилувчи бошқа миллатлар психологиясини ўзгартиришда улкан аҳамиятга моликдир. Бу ҳол айниқса

---

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 83-бет.

[2] Каримов И.А. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашмоққа тайёрман. “Труд” газетаси саволларига жавоблар (1993 йил 26 май) / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 234-бет.

қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аҳолининг умумий маданият даражасини ошириш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ўстириш, дунёқарашини ўзгартириш, халқнинг тарихий хотираси билан узвий боғлиқ миллий ўзлигини англаш туйғусини юксалтиришга хизмат қилади. Жамиятнинг маънавий янгиланиш жараёнига тавсиф берилар экан, таъкидлаш жоизки, уйимизнинг маънавий замини – давлатимиз истиқболининг таянчи жуда кўҳна ва мустаҳкамдир. Тарихимиз илдизлари узоқ минг йилликларга бориб тақалади. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Улуғбек ва бошқа кўплаб бобокалонларимизнинг беназир асарлари ўзбек халқининг миллий мероси, миллий фахри ҳисобланади. Улар жаҳон маданияти, бутун инсоният цивилизацияси ривожига бебаҳо таъсир кўрсатган. Айни чоғда, Президент И.А. Каримов бундай улуғ аждодларимизнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини ёшларимизга етказиш долзарблиги ҳақида, "... биз бу улуғ сиймоларимизнинг фақат номларини зикр этиш, уларнинг шуҳратига маҳлиё бўлиш билан чекланиб қолмаяпмизми, деган савол туғилади. Ана шундай буюк зотларнинг фаолияти, жаҳон тарихидаги ўрни ва аҳамияти, бугунги ҳаётга таъсири ҳақида жамоатчилигимизга, ёш авлодга етарлича маълумот бераяпмизми, деган масала барчамизни ўйлантириши керак" [1] деган эди.

Ўзбек халқининг миллий менталитетига, тили, қадимий урф-одатлари ва анъаналарига асосланган мустақиллик миллий мафкураси республикамизда истиқомат қилувчи барча аҳолининг онгига меҳр-мурувват, инсонийлик, бардошлилик, адолат, ижтимоий тенглик туйғуларини сингдиришга қаратилган. Бундай мафкуранинг умумбашарий қадриятлар билан уйғунлашуви қисқа вақт ичида Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олишига, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланишига шарт-шароит яратмоқда.

Умумбашарий қадриятлар ҳамиша жамиятни тубдан янгилаш, тарихий сусткашликка барҳам бериш, ўз умрини ўтаб бўлган ва ўзини оқламаган ақидаларни кескин рад этишнинг муҳим омили ва ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб келган. Умумбашарий ахлоқ, инсон ҳаётининг оддий қоидалари ҳар қандай миллатга мансуб одамлар ўртасида жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ўзаро муносабатлар бутун тизимининг негизи, асосидир. Умумбашарий ахлоқий императивлар ва тақиқлар жамиятни, биргаликда яшовчи одамларни нормал турмуш тарзига таҳдид солувчи муайян ижтимоий хавфли тартиббузарликлардан муҳофаза этади. Қадим замонлардаёқ шаклланган "қотиллик қилма", "ўғрилик қилма", "ёлғон гапирма", "зино билан шуғулланма" каби ахлоқий тақиқлар цивилизациялашган давлатда инсон хулқ-атворининг меъёрига айланган. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида инсон, унинг ҳуқуқлари устуворлиги, демократик эркинликлар қарор топиши ва мустаҳкамланиши ҳар бир

---

[1] Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 17-18-бетлар.

инсоннинг фуқаролик мажбуриятлари билан уйғунлашган ҳолда ахлоқ меъёри ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан янгиланишида маънавиятнинг ҳалоллик, самимийлик, тартиблилик, фахрланиш ва мардлик, қатъийлик каби хусусиятларини мустаҳкамлаш ва бойитиш муҳимдир. Маънавий жиҳатдан баркамол инсон яхшиликни ёмонликдан, адолатни адолатсизликдан, ҳақиқатни ёлғондан, жасурликни қўрқоқликдан, самимийликни сохталикдан, ор-номусни беорликдан, бахтни бахтсизликдан фарқлай олади.

Одамлар ўртасидаги меъёрий-ахлоқий муносабатлар ўзаро ҳурматга, ўзаро ёрдамга асослангани барчага аён. Масалан, ҳашар Ўзбекистонда қадимий ва чинакамига халқ удуми бўлиб, унда бошига мусибат тушган ёки мададга мухтож қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар ва яқин кишиларга беғараз, холисона ёрдам кўрсатилади.

Лекин айни вақтда таъмагирлик қон-қонигача сингиб кетган, аниқроқ айтганда, маънавиятдан мутлақо йироқ одамлар ҳам йўқ эмас. Бу каби худбин, ўз манфаатидан бўлак ҳеч нарсани ўйламайдиганлар “бизники халтада, сизники ўртада”, “меники битсин, сеники йитсин”, “оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним”, “бепул кафан топилса, ўлмоқ керак”, “бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури” қабилида яшайди. Улар шахсий, кўпинча эса ғаразли манфаатларини одамларнинг, баъзида эса жамиятнинг манфаатидан устун қўяди. Бундай одамлар худбинлик қули бўлиб, ҳеч нарсадан тап тортмайди, тўғридан-тўғри жиноятлар содир этади. Лоқайдлик, бефарқлик, ялқовлик ҳам қўрқоқлик ва худбинликка яқиндир. “Менга деса сув олмайдими”, “мендан кейин ўлиб кетмайдими” деб яшовчилар ҳар хил салбий кўринишлар, ҳар қандай кўринишдаги экстремизмга йўл очиб беради. Президент И.А. Каримов бундай кишиларга нисбатан маънавий жиҳатдан кескин зарба бериб, таъкидлаган эдики: “...бировнинг ҳаётига, ён-атофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамлардан қўрқиш керак ... уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди”[1].

Маълумки, шаън ва қадр-қиммат каби маънавий-ахлоқий фазилатлар асрлардан буён ўзбек халқи ўртасида юксакларга кўтариб келинган. Бу фазилатлар шахснинг юксак ахлоқий маданиятга эга экани, ижтимоий онги даражаси, ўз обрў-эътибори, яхши номи, шаъни ва қадр-қимматини сақлашга бўлган интилишидан далолат берадики, бу хислатлар шахсни, одамлар гуруҳи ёки бутун миллатни турли шаклларда ҳақорат қилиш иллатига мутлақо ёт.

Шахснинг, худди шунингдек, бутун миллатнинг шаъни ва қадр-қиммати деган тушунча, нафақат миллий ўзликни англаш даражасини, балки жамият томонидан эътироф этилиши, нуфуз ва миллий фахр туйғусини ҳам қамраб олади. “Шаън”, “қадр-қиммат” тушунчалари маънавиятнинг яна бир

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 123-бет.

жиҳати – виждон билан узвий боғлиқдир. Виждон деганда, энг аввало, инсоннинг ўз қилмишлари учун миллат, оила, мамлакат ва умуман инсоният олдидаги масъулияти тушунилади.

Виждон – шахснинг ўз хатти-ҳаракатлари, хулқ-атвори, ўй-ниятлари ва қилмишларини назорат қилиш ҳамда уларга баҳо бера олиш, жамият олдидаги ўз бурчини англай олиш қобилиятидир, хулқ-атворни тартибга солишнинг ички овозидир. Виждон инсонни муайян бир масала юзасидан ҳеч қандай босимсиз, ташқи таъсирсиз ўзи ўйлаганича иш тутишга мажбур қилади.

Ўзбек миллати вакилларининг маънавий қиёфаси ўзининг ва бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларини ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолаш қобилияти, бошқалар содир этган ҳаракатларнинг оқибатини ўз бошидан кечира олиш, яъни ўзини уларнинг ўрнига қўя билиш каби муҳим фазилатларни ўзида мужассамлаштирган.

Бошқача айтганда, инсон ўзига: фалончининг ўрнида бўлсам мен ўзимни қандай тутган бўлар эдим, деган савол бера олиши ва унга жавоб топа олиши керак. Одамнинг энг ноёб хислатларидан бири бўлган майл билдириш шахсни инсонийликка, оқилликка, мурувват ёки бошқа одамларнинг муваффақиятсизликлари ёхуд мусибатига ҳамдард бўла олишга ундайди.

Шахс ёки миллатнинг салбий қилмишларига ахлоқ жиҳатидан баҳо бера олиш, ҳаёсиз, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларни қоралаш, дили бошқаю, тили бошқа одамларнинг иккиюзламачиликларига муросасиз бўлиш қатъийликнинг, фуқароликнинг амалдаги ифодасидир. Ахлоқий жиҳатдан мукаммал бўлган инсон ҳеч қачон ўз виждонига қарши бормайди, у жамиятнинг ахлоқий талабларига, Ўзбекистон шароитида эса яна Қуръон ва шариат талабларига зид яшаётганларни, яъни номувофиқ қилмишлар содир этаётганларни қоралайди.

Юксак ахлоқий талаблар лоқайдлик, бағритошлик, бефаҳмликка зиддир. Одамлар ахлоқнинг оддий талабларига риоя этишда принципсизлик қилиб, бора-бора бундай хулқ-атвор ижтимоий ва ахлоқий жиҳатдан зарарли эканлигини ҳам унутиб қўяди. Ўзининг ғайриахлоқий қилмишлари учун панд емаган кишилар эса жамиятдаги соғлом ахлоққа, миллатнинг маънавий қиёфасига, адолат, яхшилик, тинчлик тушунчаларига зид бўлган ғайриахлоқий қилмишларини давом эттираверади.

Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов таъкидлаганидек, халқ вақтинчалик қийинчиликларга, йўқчиликка чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди. Ўзбек халқининг онгидаги адолат тушунчасининг кўлами кенгайиб кетди, халқимиз талабчанроқ ва ҳушёрроқ бўлиб қолди, унинг психологияси ва дунёқараши ўзгарди. Бу ҳолни, масалан, референдум, сайловлар, қонун лойиҳаларининг муҳокамаси ва бошқа шу кабиларда халқимизнинг фаоллиги ошгани билан изоҳлаш мумкин. Бунга кўп жиҳатдан инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган давлат томонидан фаол олиб борилаётган сиёсат сабаб бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқларига доир барча асосий шартномаларни ратификация қилиб, уларнинг бажарилиши

ҳақида доимий равишда маълумотлар тайёрлайди. Шу кунга қадар Республика БМТга шу масалага оид шарномаларнинг бажарилиши юзасидан 22 маълумотнома тақдим этган. Умуман олганда Парламент томонидан инсон ҳуқуқларига доир 70га яқин халқаро шартномалар, пактлар ва конвенциялар ратификация қилинган[1]. Улар орасида бола ҳуқуқларини таъминлашга, хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларини тугатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш; ҳақ тўланадиган йиллик таътиллар, бандлик тўғрисида ва бошқа конвенциялар бор. Мамлакатимизда нафақат бу ҳил шартномаларни ратификация қилишга, балки уларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг олиб боришга ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

1993 йилдаги Вена конфенциясининг тавсияларига биноан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш институтлари ташкил этилган. Улар ўз ичига Конституциявий судни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)ни ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказни қамраб олган. Мустақиллик йўлига ўтган, янгиланишнинг ўзга хос моделини амалга ошираётган жамият маънавий-ахлоқий асослари ва ҳуқуқий базаси, ижтимоий адолат ғоялари, асрлар давомида таркиб топган миллий заминига, қадриятларига, одамларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига эга.

Муқаддас ислом динининг халқимиз тарихидаги ўрни ва таъсири беқиёсдир. Мусулмонлар дини асрлар мобайнида кўплаб халқлар, шу жумладан, ўзбек халқининг онгига мустаҳкам ўрнашиб олган. У жуда кўп урф-одатлар, анъаналар, удумлар ва байрамларга жиддий таъсир кўрсатган, маънавий қадриятлар неча асрлар давомида дин негизида шаклланган. Шунинг учун кўпчиликда миллий байрамлар, урф-одатлар ва диний маросимлар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деган тасаввур қаттиқ ўрнашиб олган. Ваҳоланки, бундай айнийлаштириш хатодир. Гоҳида шу даражага бориб етадики, “мусулмон” атамасини тожик ва ўзбек миллатининг номлари билан ҳам тенглаштириб айтилади. Ёки бошқа мисол. Собиқ Югославияда мусулмонлар худди серблар, хорватлар, словаклар, черногорияликлар каби этник жамоа ҳисобланган. Аслида эса диний бирлик маънавий соҳага, миллий бирлик эса этник соҳага тааллуқлидир. Шу сабабдан ҳам, дин билан миллатни, диний аломатлар билан миллий белгиларни адаштиришга барҳам бериш ниҳоятда муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, худди миллатлараро муносабатлар соҳасидаги фаоллик каби диний фаоллик ҳам мустақиллик йўлига ўтган халқнинг маънавиятини юксалтиришда муҳим ўрин тутади. Дин ва диний эътиқодни халқнинг маънавий ҳаётидан чиқариб ташлаш қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида И.А. Каримов “... одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб юрадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб... Охир-

[1] Саидов А. Узбекистан и Всеобщая декларация прав человека / Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. – 19-20-бетлар.

оқибатда бундай одам ота -онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини ҳам танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади”, деб таъкидлаган эди[1].

Эркин иқтисодиёт, цивилизациялашган бозор – нафақат ташкилий ёки ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган масала, балки ахлоқий вазифа ҳамдир. Бинобарин, бозор муносабатлари унда иштирок этувчилардан ҳалоллик, масъулият, ҳаракатчанлик, батартибликни талаб қилади. Бу хислатлар ўзбошимчалик ва маънавий қашшоқликка мутлақо зиддир. Худди шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг миллий сиёсатида маънавий-ахлоқий, маърифат ва тарбия муаммоларига алоҳида аҳамият берилади. Президент И.А. Каримов Абдулла Авлонийнинг “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”[2] деган сўзларини бот-бот такрорлайди. Дарҳақиқат, юксак ахлоқий принципларнинг, ватанпарварликнинг кучли маънавий асослари мамлакатимизда бозор муносабатларини жорий этишда тутган ўрни беқиёсдир. Зеро, жаҳон цивилизациясига интеграциялашиш учун бозордан бошқа муқобил восита йўқ. Шунинг учун ўзбек халқида савдони юритиш, маҳсулот айирбошлаш каби асрлар давомида шаклланган кўникмалари билан ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси синовидан ўтган янгиликларни уйғунлаштириш Ўзбекистон учун маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан эркин бозорга ўтишда юзага келган қийинчиликларга барҳам беришнинг муҳим шарти бўлди.

Бундай уйғунлик механик жараён эмас, балки сиёсий, ташкилий, моддий, назарий хатти-ҳаракатларни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлаш, ўтмиш қадриятлари билан бир қаторда, халқимизнинг орзу-интилишларини ҳам ҳисобга олишни талаб қиладиган мураккаб диалектик жараёндир.

Мустақил Ўзбекистон ўз истиқболи сари тинчлик, миллатлараро тотувлик, эзгулик ва самимийлик йўлидан бормоқда. Миллатнинг маънавий қадриятларини юксалтириш – инсонийликка олиб борувчи йўлдир. Маънавий-маданий соҳадаги миллий сиёсат бунга амалий таъсир кўрсатмоқда. Давлатнинг маданий қадриятлар, миллат ва шахсни ривожлантиришга таянган ҳолда демократик жараёнларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ижтимоий-маънавий юксалиш, янгича хулқ-атворни шакллантириш сари етаклайди. Демократия миллий ўзликни англашни ривожлантириш воситаси сифатида таъсирчан бўлиши учун маданият, маънавий соҳа ва ахлоқий онгнинг таркибий қисмига айланиши керак.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган миллий сиёсат ўзбек халқининг маданий-маънавий жиҳатдан ўзига хослигини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги тамойилларга таянади:

- мустақилликка эришилгандан сўнг, жаҳон тажрибасини ўрганиш асосида, “ўзбек модели” деб ном олган ва беш принципга асосланган,

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 93-94-бетлар.
[2] Ўша ерда. – 62-бет.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий қадриятларига таянган тадрижий тараққиёт йўли;

- маданий-ахлоқий принциплар ва меъёрларнинг шаклланиш жараёнида учун, собиқ Иттифоқдаги кўп сонли ва ўзига хос этник бирликларнинг миллий-минтақавий хусусиятларини инкор этган марксизмнинг ақидаларига барҳам бериш негизида таркиб топган ва мустаҳкамланган миллий мустақиллик мафкураси ғоявий асос бўлган;
- инсониятнинг маданий хазинасига катта улуш қўшган улуғ аждодларимиз томонидан яратилган, аммо буйруқбозлик-тоталитар тизим шароитида халқдан йироқлаштирилган тарихий-маънавий меросга мурожаат қилиш ва уни халққа етказиш;
- халқнинг тарихий хотирасини тиклаш, уни сохта ва бузиб кўрсатишларига барҳам бериш, “социализм қурилиши” даврида қатағон этилган адабиёт ва санъат арбобларининг номларини тиклаш, халққа қайтариш;
- ғоявий-тарбиявий ва мафкуравий ишда умумбашарий қадриятлар билан танишиш ва уларни ҳисобга олиш, уларнинг эрксевар, адолатпарвар, меҳнатсевар ва инсонпарвар, очиқ кўнгил ўзбек халқининг миллий менталитети билан чуқур табиий алоқаларини аниқлаш;
- ижтимоий даражада ҳам, норасмий мулоқотда ҳам нуфузи ошиб бораётган ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари тилларини ривожлантиришга, она тилида таълим олиш ва маданий ривожланишини таъминлашга кўмаклашиш;
- бозор муносабатларини жорий қилиш жараёнида ҳалоллик, виждон, масъулият, зиммадаги вазифани бажариш бурчи каби ахлоқий қадриятлар ўрни чексиз эканини ва уларсиз бозор муносабатлари ўзининг бунёдкорлик моҳиятини йўқотиши мумкинлигини эътиборга олиб, иқтисодиётнинг универсал талаб ва мезонларини миллий маънавиятимиз хусусиятлари билан уйғунлаштириш.

## 2.2. Миллий анъаналарни тиклаш ва модернизация қилиш сиёсати – маънавиятни юксалтириш ва инсон ахлоқини мустаҳкамлашнинг омили сифатида

Маънавий-маданий ҳаётнинг халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари – мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатини кенг ёйишнинг ғоят мураккаб, серқирра ва муҳим тармоғидир.

Ҳеч бир жамиятнинг ҳаётини миллий урф-одат ва анъаналарсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки улар халқ маънавиятининг таркибий қисми бўлиб, ахлоқ, маданият, мулоқот шаклларининг амал қилиши жараёнида, миллатнинг турмуш тарзида яққол кўзга ташланади.

Башарият ўзининг кўп асрлик тарихи давомида инсон турмушининг моддий ишлаб чиқариш, ижтимоий-сиёсий, маданий, маиший каби соҳаларини қамраб олган кенг тармоқли урф-одатлар мажмуини вужудга келтирди, ривожлантирди, баъзида эса қайтадан тиклади. Уларнинг кўпи

узоқ ўтмишда шаклланган бўлса-да, инсонпарварлик моҳиятига эга экани, ижтимоий адолат ғояси билан суғорилгани туфайли ҳозирги кунгача ҳам яшаб келмоқда. Бу қадриятларнинг амал қилиш кўламини битта этномиллий ва ҳатто ижтимоий-иқтисодий формация доирасида чеклаб бўлмайди. Бу – умумбашарий тамаддун мевасидир.

Айни вақтда анъана ва урф-одатлар аниқ тарихий, миллий-минтақавий тусга эга. Уларнинг мазмуни реал воқелик билан боғлиқ. Жамиятнинг, муайян халқнинг турмушидаги ўзгаришлар бир вақтнинг ўзида анъана ва урф-одатларда ўз ифодасини топади, уларнинг мазмунига тегишли ўзгаришлар киритади. Бу ҳол, хусусан, ўзбек халқининг инсонпарварлик моҳияти ижтимоий ва тарбиявий салоҳияти билан фарқланиб турувчи анъана ҳамда урф-одатларининг шаклланиши ва амал қилиши жараёнида аниқ кузатилади.

Урф-одат ва анъаналардан фойдаланиш борасидаги амалий манфаатдорлик кўплаб илмий тадқиқотлар учун сабаб бўлган[1]. Мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг олимларимизнинг бу масалага қизиқиши кучайиб, кейинги йилларда янги тарихий шароитларда маънавиятни ривожлантиришга бағишланган қатор адабиётлар чоп этилгани диққатга сазовордир.

Анъана ва урф-одатларнинг фалсафий-ижтимоий ҳамда сиёсий жиҳатдан тадқиқ этишнинг долзарблиги республикамизда миллий ўзликни англаш ва маънавиятни юксалтириш шароитида уларга нисбатан янгича муносабатлар юзага келиши ҳамда уларнинг Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётидаги аҳамияти билан белгиланади.

Ҳаётимизда юз бераётган жиддий ўзгаришларга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги сифат ўзгаришлари, амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда тавсиф бериш мумкин. Бундай ўзгаришларга тайёргарликсиз, эмпирик тарзда, таъсир кўрсатиб бўлмайди. Шу жиҳатдан олганда, миллий сиёсатни амалга оширишда халқ анъана ва урф-одатларидан фойдаланиш, уларнинг қай бири янги ҳаёт воқелигига мос келишини ва қай бири ўтмишга айланиб, миллат тараққиётининг эҳтиёжларига жавоб бера олмаётганини фарқлай билиш керак. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “...урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш... бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур...”[2].

Ҳар қандай ҳодисани ўрганиш у вужудга келган шарт-шароит унинг мазмунида юз берган барча ўзгаришларни тадқиқ этишни тақозо этади. Шу

---

[1] Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА, 2004. – 222 б.; Туленов Ж. Маънавий юксалиш сари. – Т.: Меҳнат, 2000. – 196 б.; Муродов М. Қадриятнома. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 544 б.; Комилова Т. Миллий аҳлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. – Т.: Фан, 2000. – 200 б.; Солиева Ф.С. Культурные народные традиции: национальное и общечеловеческое в сознании личности: Дис. … докт. филос. наук. – Самарканд, 1994. – 320 с.; Касымова Х.И. Использование национальных традиций в нравственном воспитании детей старшего дошкольного возраста в семье: Дис. … канд. пед. наук. – Ташкент, 2001. – 152 с.

[2] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 81-бет.

маънода, мазкур китобнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, бутун диққатни янгиланаётган жамият ҳаётидаги анъаналар ва урф-одатларнинг миллий тикланиш ҳамда халқ маънавиятини юксалтиришдаги ролини аниқлашга қаратамиз.

Миллий урф-одат ва анъаналар жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда манфаатларидан келиб чиққан, деган фикр уларнинг моҳияти ва функционал мақсадини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Урф-одат ва анъаналар ижтимоий феномен сифатида турмушнинг турли соҳаларида ҳодисаларнинг барқарорлиги ва такрорланиши принципларига асосланади.

Ижтимоий тараққиёт, йирик шаҳарларда яшовчилар турмуши ва фаолиятининг техник ҳамда ижтимоий шароитлари жадал ўзгариши билан урф-одат ва анъаналарнинг таъсир доираси торайиб уларнинг жамият ҳаётидаги роли ўзгаради, десак муболаға бўлмайди. Албатта, маънавий маданият урбанизация жараёнининг таъсирига учраши мумкин. Бироқ, оила-турмуш муносабатлари барқарор, маҳалланинг одамларга таъсири кучли бўлган, шаҳар ва қишлоқ ўртасида ўзаро алоқалар мустаҳкам бўлган Ўзбекистон шароитида анъаналар сақланиб келаётгани туфайли халқ турмушининг барқарорлашуви шакли таъминланмоқда. Бу ҳол урф-одат ва анъаналарнинг халқ маънавий ҳаётига кўрсатадиган таъсирини нафақат сақлаб қолиш, балки кучайтириш имконини бермоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо қилиш борасидаги фаолият шахс, жамият, ижтимоий гуруҳлар томонидан мақсад ва манфаатлар бирлиги негизида жипслашишни англаш зарурати ҳар қачонгидан ҳам ортиб кетди. Бундай жипслаштирувчи институт сифатида, биринчи навбатда, давлатнинг ўзи фаолият кўрсатмоқда. У ислоҳотлар жараёнини амалга оширишда ташаббускорликни қўлга олиб, иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш, иқтисодиёт, ижтимоий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда изчил амалга ошириш вазифасини ўз зиммасига олмоқда. Давлат одамларда юксак мақсадларга эришиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш ҳиссини уйғотиш учун анъана ва урф-одатларга ҳал этувчи восита сифатида эътибор қаратмоқда. Бундай фаолият урф-одат ва анъаналар амал қилиши ҳамда ривожланиши учун мақбул шароитлар яратиш, байрам ва маросимларни ўтказишга ҳомийлик қилаётган корхоналар ва ташкилотларга давлат томонидан имтиёзлар бериш, моддий рағбатлантириш ва бошқа шу кабилар орқали мустаҳкамланмоқда.

Ҳар қандай илмий тадқиқот атамаларни аниқлаштириш, таърифларни конкретлаштиришни талаб этади, бу эса ўрганилаётган муаммонинг моҳиятини чуқурроқ англаш, тадқиқот жараёнида юзага келадиган вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Муаллифнинг тушунча ва категориялар моҳиятини қандай талқин қилишига қараб, унинг шу масалага бўлган нуқтаи назарини билиб олиш мумкин.

Мазкур китобда муаммони, шу жумладан, маънавий соҳага доир масалалардаги давлат сиёсатининг моҳиятини ўрганишда: урф-одат,

маросим, анъана, удум, расм-русум каби муҳим тушунчалардан фойдаланилмоқда. Олдинга қўйилган вазифани ҳал этиш мақсадида барча томонидан қабул қилинган, ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган таърифларнинг айримлари қўлланмоқда. Масалан, анъана деганда, авлоддан авлодга ўтиб келаётган ва муайян жамиятлар, синфлар ҳамда ижтимоий гуруҳларда узоқ вақт давомида сақланиб келаётган ижтимоий ва маданий мероснинг элементларини тушуниш одат тусига кирган[1]. Ушбу таърифда изчиллик анъананинг асосий элементи сифатида таъкидлангани муҳимдир. Анъаналарда муайян вазиятларда хатти-ҳаракатларни амалга оширишнинг тартиби ва усули ҳам акс этади. Шу туфайли ҳар бир авлод катта ёшдагилар билан бўлган биргаликдаги меҳнат ва жамоат фаолияти жараёнида анъаналарга хос муайян ахлоқий-сиёсий хислатларни ўзлаштиради. Бу борада қишлоқ аҳлининг ўғил кўрганда ўз уйи олдига дарахт экиш анъанаси фикримизга ёрқин далил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, анъанадан фарқли ўлароқ урф-одатда муайян вазиятда ўзини қандай тутиш кераклиги ўз ифодасини топади ва айни вақтда инсоннинг маънавий фазилатларига нисбатан муайян талаблар қўйилади. Урф-одат муайян шароитда нима қилиш ёки нима қилмаслик лозимлигини жуда батафсил белгилайди. Бу айниқса ўзбеклар ўртасида, масалан, катта ёшдагилар билан кичик ёшдагиларнинг ўзаро саломлашишида яққол кўзга ташланади. Кичик ёшдагилар ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, салом беради. Бироқ, катта ёшдаги киши унга қўл узатмагунига қадар ўзи қўл чўзмайди.

Урф-одатлар ҳам турли соҳаларда ва жамиятнинг турли ижтимоий қатламларида миллий маданият шаклланиши жарёнида юзага келган ва ижтимоий воқеликнинг, этник, диний, оила-никоҳ, дунёқараш, эстетик ва бошқа шу каби тушунчалар ифодасидир. Зеро, ишлаб чиқариш кўникмалари, диний расм-русумлар, фуқаровий байрамлар ва бошқа шу каби урф-одат ролини бажариши мумкин. Урф-одатларнинг асосий моҳияти ижтимоий-ахлоқий ғоялар, одамлар ўртасидаги муносабатлар, одатдаги ишларни бажариш тартиботи тўғрисидаги тушунчалардан иборатдир.

Урф-одатлар одамларнинг кундалик ҳаётидаги ўзаро муносабатларидан ажралмасдир. Чунки уларда меҳнат, турмуш жараёни, оилада амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлган хатти-ҳаракатлар тартиби тавсия этилади. Урф-одат билан регламентланган ҳар бир ҳаракат муайян натижага эришиш: қандайдир нарсалар, меҳнат қуроллари ясаш (масалан, ўзбекларда кетмон, теша ва бошқа шу каби меҳнат қуроллари ўз қўллари билан соп тайёрлаш урф бўлган), инсоннинг муайян эҳтиёжини қондириш, одамлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди.

Кўп марта такрорланадиган хатти-ҳаракатлар аста-секин одатга айланиб қолади. Бундай одатлар удум шаклига кириш жараёнида ўз-ўзидан автоматик тарзда, табиий равишда бажариладиган ҳаракатлар тусини олади.

Маросимларнинг ҳар бир элементи стереотип ролини ўйнайди, ҳар бир ҳаракат ва сўз анъанага бўйсундирилган бўлади. Урф-одат ва

[1] Фалсафа: қомусий луғат / Масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – 32-бет.

маросимларнинг муайян қоидалари бўлиб, иштирокчилардан уларга қатъий бўйсуниш, тугал амал қилиш, ҳаракатлар изчиллиги ва бошқа шу кабилар талаб қилинади.

Урф-одат ва маросимлар учун маълум даражадаги консерватизм, такрорийлик ҳам хосдир. Улар қатъий белгиланган изчилликка эга. Шунинг учун ҳар қандай ҳаракат жамият томонидан эътироф этилганда, ижтимоий гуруҳ, жамоа томонидан қабул қилинганда урф-одатга айланиши мумкин. Бунда маросимнинг шаклланиши муайян ҳаракатларнинг маросимда иштирок этаётган барча одамлар бир хилда қабул қиладиган у ёки бу рамзий мазмунга эга бўлишини ҳам талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, урф-одат ва маросимларнинг жамоавийлик тусига эга экани уларга риоя этишнинг индивидуал шакллари мавжуд бўлишини истисно қилмайди. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, беҳосият қора мушук ёки “13” рақамидан ўзини четга олиш ўзбеклар орасида нисбатан яқинда пайдо бўлиб, бошқа халқлардан ўтган ирим ҳисобланади.

Ташқи таъсирларга нисбатан барқарорлик, қарор топган одатни сақлаш, соғлом консерватизм – анъана, урф-одат ва маросимларнинг муҳим хусусиятидир. Қачонлардир шаклланган ҳар қандай урф-одат ёки маросим муносабатларнинг муайян тизимига кириб, узоқ вақт давомида амал қилади. Шунинг учун улар турли авлод ҳамда, даврга мансуб кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, улар ўртасидаги алоқани сақлаб қолиш, миллий маданиятнинг ривожланишида изчилликни таъминлаш, миллат яратган маънавий қадриятларни асраш, қайси синфга мансублигидан қатъи назар, одамларнинг эҳтиёжини қондиришга қодирдир.

Урф-одат ва маросимлардаги такрорийлик туфайли юзага келган консерватизм яқин ўтмишда яққол намоён бўлган. Улар қисман ҳозирги вақтда ҳам мавжуд бўлиб, одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида сақланиб қолган. Улар бизнинг республикамизда маҳаллий саноатнинг айрим тармоқларида (ҳунармандчилик ишлаб чиқаришида, халқ бадиий ҳунармандчилигида) қишлоқ хўжалигида (бу ўринда деҳқончилик, пахтачилик, чорвачилик ҳам назарда тутилмоқда), оила-турмуш соҳасида нисбатан тўлиқ намоён бўлади.

Юқорида баён этилганларга асосланиб, таъкидлаш мумкинки, урф-одат ва маросимлар одамлар ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамда мулоқотнинг нисбатан барқарор шакллари бўлиб, маданиятнинг ажралмас қисмини ташкил этади. Урф-одат ва маросимлар замирида инсонни шакллантириш жараёни, бетакрор миллий менталитетга эга, ҳаётини ўзига хос тарзда ташкил этувчи муайян тоифадаги шахсни камол топтириш мақсади ётади.

“Маросим” тушунчасига кўплаб таърифлар берилган. Мазкур ишда “Фалсафа: қомусий луғат”да келтирилган таърифдан фойдаланилган. Унга мувофиқ, маросим таркиби одатда тимсолий ҳаракатларнинг қатъий белгиланган пайдар-пайлигидан иборат бўлиб, рақслар, қўшиқлар, расмлар, предметлар, матнлардан ташкил топади[1]. Яъни, маросимда бажариладиган

[1] Фалсафа: қомусий луғат / Масъул муҳаррир Қ. Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – 241-бет.

хатти - ҳаракатларнинг асосий хусусияти унинг рамзий, тимсолий тусга эга эканидадир.

Маросимларга шахс, жамоа ёки одамларнинг муайян гуруҳи ҳаётидаги воқеалар билан боғлиқ ҳолда изчил бажариладиган рамзий хатти-ҳаракатлар тизими сифатида қараш керак. Маросимлар байрам билан боғлиқ бўлиб, байрам эса доимо халқ, давлат, ижтимоий гуруҳ ёки оиланинг ҳаётидаги муҳим ва қувончли воқеага бағишланган бирор кун ёхуд сана билан боғлиқ бўлади. Байрамлар муайян анъаналарни шакллантириб, бу анъаналар одамларнинг ҳаётига сингиб кетади ва муайян ҳаракатлар, урф-одат ва бошқа шу кабилар бажарилишини тақозо этади. Бироқ байрам маросимнинг ўзидангина иборат эмас. Байрам албатта расмий, сиёсий, махсус расм-русумлар, шунингдек оилавий маросимларнинг тантанали нишонланишини назарда тутади.

Ўзбек тупроғида Наврўз, Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити каби қадимий байрамлар билан бир қаторда Мустақиллик куни, Ҳосил байрами ҳамда Хотира ва қадрлаш куни, буюк бобокалонларимизнинг юбилейлари тантанали нишонланади. Ҳар қандай ижтимоий хатти-ҳаракат, шу жумладан, маросимларни нишонлаш жамиятга хизмат қилиш, муайян вазифаларни бажариш мақсадини кўзлайди. Шунинг учун маросим, урф-одат ва анъананинг моҳиятини уларнинг вазифаларини аниқлаб олгандан кейин тушуниш мумкин. Анъана ва урф-одатлар мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, уларга таяниш турли хил вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади. Улар кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни, мулоқот шаклларини мустаҳкамлаш ёки муҳофаза этишга хизмат қилиши, одамларни жипслаштирувчи восита сифатида амал қилиши, инсонга ўз ҳаётининг қадр-қимматини тушуниш, ҳаётнинг маъносини англаб етишга кўмаклашиши мумкин[1].

Урф-одат ва маросимлар алоҳида турдаги ахборотни сақлаш, мустаҳкамлаш ва ўзгаларга етказиб бериш учун хизмат қиладиган ғоялар, меъёрлар, кўникмалар ҳамда ҳиссиётларни янги авлод онги ва қалбига сингдиришнинг специфик усули сифатида амал қилади. Шунинг учун мамлакатимизда ижтимоийлашув ва инсонни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, уларда маънавиятни шакллантиришнинг воситалари сифатида урф-одат, маросим ва анъаналарга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Урф-одат ва анъаналар муайян билим, табиат ва жамият ҳаётига доир маълумотлар, хулқ-атворнинг мукаммал намунасини кўзлаган ҳолда ўзаро муносабатларнинг принципларини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Шунинг учун улардан тарбия жараёнида фойдаланилиш мумкин. Урф-одат ва анъаналар орқали етказиладиган ахборот доимо ҳаяжонга соладиган ва таассурот ҳосил қиладиган шаклга эга бўлади, бу эса ундан барча баҳраманд бўлишини таъминлайди, бировнинг қисувидан холи равишда билим олиш ва

---

[1] Масалан, дафн маросими одамларга кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Хусусан, “фалончи қандай одам эди?” деган савол барча эшитадиган даражада баланд овозда айтилади. Бу эса маросимда иштирок этаётганларни ўз хатти-ҳаракатлари, қилмишлари, уларнинг оқибатлари ҳақида, ўзидан кейин одамлар уни қандай сўзлар билан хотирлаши ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

уни инсон онгига сингдириш, муайян хатти-ҳаракатларни автоматик равишда бажарилишигача олиб бориш имконини беради. Шу боис ҳам турли кучлар ҳамиша миллий манфаатларга зид бўлган мақсад муддаоларига эришиш учун урф-одат ва анъаналарнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилганлари тарихдан маълум.

Урф-одат ва анъаналар театрлашган томошалар каби одамларни бевосита иштирок этишга жалб қилади, бундай томоша театр томошасидан фарқли ўлароқ, табиий равишда, сценариясиз юзага келиб, унда махсус ролларни ижро этаётган актёрлар эмас, балки оддий одамлар иштирок этади. Бу эса урф-одат ва маросимларнинг ўз иштирокчиларига қиладиган таъсирини кўрсатади (шу ўринда ҳозирги кунда анъанавий маросимлар, байрам тадбирларининг махсус сценарийлари, уларга доир тавсиялар ишлаб чиқилгани ва улар асосида янги расм-русумлар ҳаётга татбиқ этилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз)[1].

Анъана, урф-одат ва маросимлар одамлар ҳаётини безайди, бойитади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай бошқа давлат каби Ўзбекистон Республикаси ҳам анъана, урф-одатлар ва маросимларга халқ оммасига ахлоқий-эстетик, психологик ва мафкуравий таъсир кўрсатишнинг, унинг энергиясини ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга, масалан, жамиятда барқарорликни, миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратишнинг муҳим воситаси сифатида қарайди.

Анъана ва урф-одатлар ёрдамида одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, хулқ-атворнинг муайян қоидаларини белгилаш, тақиқларни амалга ошириш, индивидларнинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш жараёнида уларнинг норматив вазифалари намоён бўлади. Ана шулар ёрдамида ҳамда анъаналар замирида тарихий ва генетик жиҳатдан турмушни фаровонлаштиришга қаратилган фалсафий тушунча ётганлиги туфайли давлат аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда жамиятдаги психологик муҳитни яхшилаш, фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлашга қаратилган сиёсатни юритиш имкониятига эга бўлади.

Албатта, урф-одат, анъана ва маросимлар яхши қабул қилиниб ўзлаштирилган бўлсагина, одамларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Акс ҳолда одамларда таажжуб уйғотади ва уларнинг мазмун-моҳияти тушунарсиз бўлиб туюлади. Урф-одат ва анъаналар билан танишиш одамларнинг анъанавий маросим сифатидаги расм-русумларда иштирок этиши вақтида юз беради. Шунинг учун давлат бундай маросимларга ёш авлодни кенгроқ жалб этишдан манфаатдордир. Шу жиҳатдан олганда энг яхши урф-одатлар, маросимлар, халқ анъаналарини тарғиб қилишда телевидение, радио ва оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир.

Бизнинг мамлакатимизда нодавлат ташкилотларининг фаолияти учун яратилган шарт-шароитлар туфайли ҳамда катта ёшдаги авлод байрам расм-русумлари, турмушдаги урф-одатларнинг барча қоида ва талабларини яхши билгани боис, маҳалла бошқаруви, қишлоқ фуқаролар йиғинлари одамларни

---

[1] Қорабоев У. Ўзбек халқи байрамлари. – Т.: Шарқ, 2002. – 240-бет.

урф-одат, анъана ва маросимларга жалб этишда катта ишларни амалга оширмоқда. Шунинг учун халқимизнинг қадимги урф-одат, анъана ва маросимларнинг ўзига хос ҳимоячиси бўлмиш кексалар бор жойда халқимизнинг ана шу қадриятлари яхши сақланиб ва ривожланмоқда[1].

Урф-одат ва анъаналарнинг талабларига риоя этиш шахс манфаатлари, қизиқиш ва эҳтиёжлари билан боғлиқ. Уларни бузиш жамоатчилик, маҳалла ва қишлоқнинг баобрў оқсоқоллари томонидан қораланади. Айни вақтда виждон ҳисси ёки бу урф-одат, маросим ва анъанани ҳаётга жорий этган аждодлар олдидаги масъулият ҳисси ҳам амал қила бошлайди.

Урф-одат ва анъаналарнинг эстетик вазифаси маросим қатнашчиларида эстетик ҳаяжон уйғотиш, эстетик завқ бағишлаш, эстетик дидни ривожлантиришда ўз ифодасини топади. Табиати туфайли маросимлар аксарият ҳолларда жонли ва қизиқарли, гўзал безаклар остида ўтади. Маросимларда бажариладиган хатти-ҳаракатлар жараёнида мафтункорликка эга бўлган, одамларга кучли эстетик таъсир кўрсатадиган ёрқин образлар яратилади. Шу жиҳатдан олганда сайллар, байрамлар, тўйлар каби халқ маросимлари фикримизга ёрқин далил бўлиши мумкин.

Хусусан, тўй маросимлари муайян қоидаларга, шартларга риоя қилган ҳолда ўтади. Ўзбек тўйлари мураккаб жараён бўлиб, турли вақтда бажариладиган бир нечта муҳим жиҳатлардан иборат бўлади. Булар: фотиха тўйи, нон синдириш, никоҳ тўйи, келин саломидир. Бу тадбирлар турли вилоятларда турлича кўринишда бажарилишини, бу ҳам маданий ҳаётимизнинг ранг-баранглигидан, маънавий илдизларимиз қанчалик қадимий эканлигидан далолат беради[2].

Тўйга тайёргарлик келин танлашдан бошланади. Бу борада совчиларни тўғри танлаш, уларнинг сўз санъати маҳоратини қай даражада эгаллаганига, халқ мақол ва маталларини билиш-билмаслигига кўп нарса боғлиқ бўлади. Келиннинг уйига совчи сифатида бориш учун асосан аёллар танланади. Лекин, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларининг баъзи туманларида совчилар фақатгина эркаклар бўлади. Ҳозирги пайтда кўпчилик жойларда совчи сифатида ҳам аёл, ҳам эркаклар иштирок этмоқда. Одатда совчилар келин бўлмишнинг уйига икки – уч марта ташриф буюради. Келиннинг ота-онаси бўлғуси куёвни яхши билса ва қизи унга турмушга чиқишига рози бўлса ҳам совчилар биринчи марта келганларида қиз томоннинг розилигини ололмасдан қайтиши мумкин.

Келиннинг уйига совчи бўлиб борган аёллар ҳам ҳар бир вилоятда ўзгача иш тутади. Масалан, Андижонда келиннинг рўзғор юритиши, ошхона

---

[1] Дониёров А., Бўриев О. Ўзбек халқи қадимий эътиқод ва маросимларининг таҳлили // Ўзбекистон тарихи. – 2008. – №4. – 108-111-бетлар.

[2] Қаранг: Икромхўжаев Ф. Куёв салом // Гулистон. – 2001. – №3. – 41-бет; Тошева Г. Совчилик // Гулистон. – 2001. – №4. – 32-33-бетлар; Тошева Г. Қалин – қўҳна удум // Фан ва турмуш. – 2001. – №5-6. – 39-48-бетлар; Толипов Ф. Ноёб удум: ер ва эл (Ноёб бир удум "Куёв нон" тайёрланиши ҳақида) // Фан ва турмуш. – 2001. – №1 – 27-бет; Раҳимов Т. Ўзбегимнинг тўйларига нима етсин // Санам.– 2002. – №3. – 26-27-бетлар; Қурбонов А. Шимолий Сурхон воҳасидаги оилавий мароимлар (Тўй маросимлари ҳақида) // Имом ал Бухорий сабоқлари. – 2007. – №4. – 289-291-бетлар; Норбўтаев П. Халқ маросими "Бешиккерти" (Ҳозирда унаштириш маросими ҳақида) // Мозийдан садо. – 2007. – №4. – 32-33-бетлар; ва бошқ.

ва уйнинг тозалигига аҳамият берилади, Қашқадарёда асосан оёқ кийимларининг тахланиш тартиби ва тўйига тайёрланган кўрпаларнинг матоси ва уларнинг қавилиши асосида келиннинг диди ҳақида хулоса қилинади, Тошкентда эса келин совчиларга дастурхон ёзиб, чой қуйиб беради. Шу аснода унинг ҳаракатлари нафислиги ва меҳмонларни кутиб олиш борасидаги тажрибаси ўрганилади.

Ҳозирга келиб "қулоқ тишлатар" деган удум борган сари кам учрамоқда. Бу ҳолда совчиларга ҳам эҳтиёж қолмас эди. Чунки, ёшликдан бирга ўсиб, қалин дўст бўлган оталар фарзандларининг ёшлигиданоқ уларнинг никоҳи ҳақида келишиб олар эдилар. Бу одат Жиззах, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида кўп учраб турар эди.

Анъана, урф-одат ва маросимларни нишонлашда таклиф этиладиган мусиқачиларнинг санъати одамларга кучли эстетик таъсир кўрсатади. Бунда турли хилдаги санъат асарларидан фойдаланилади. Одатда тўй тантаналарида поэзия, мусиқа, қўшиқ, драма, рақс, манзарали амалий санъат элементларидан кенг фойдаланилади. Халқ оғзаки ижоди, бадиий санъат, сўзамоллик маҳорати кенг ишга солинади. Тўй одатда, мусиқа, рақс, маросим қўшиқлари ва ҳазил-мутоиба остида ўтади. "Тўйлар муборак", "Ёр-ёр" қўшиқлари айтилиши шарт. Таъкидлаш лозимки, республикамизнинг турли ҳудудларидаги анъана ва урф-одатлар ҳамда бошқа республикаларда истиқомат қилувчи ўзбекларнинг ўзига хос турмуш тарзига эгалиги сабабли юқоридаги қўшиқларнинг жуда кўп вариантлари мавжуд. Ҳатто келинчакнинг уйига кириб келиш маросими ҳам турлича. Андижонда куёв келинни қўлида кўтариб, уйга олиб киради. Бухорода куёв уй дарвозаси олдида ёқилган гулхан атрофида келинни қўлига кўтариб, айлантириб чиқади. Ҳозирги кунга келиб бундай урф-одатга борган сари камроқ риоя этилаётганини ҳам айтиш зарур.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда тўй маросимлари халқ маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, асрлар давомида ўзгариб, янада бойиш натижасида миллий - маданий анъаналар шаклини олган. Тўйларнинг маънавий аҳамияти чексиздир, бу маросимлар орқали катта авлод ёшларга узоқ вақт давомида тўпланган ҳамда аҳлоқий қадриятлар ва маиший анъаналарда ўз аксини топган бой тажрибасини етказиб беради. Ёшлар эса ўз навбатида бу анъаналарнинг унумли, қатъий риоя қилинадиган, айни чоғда инсоний эканини, уларда аждодларимизнинг маданияти акс этишини, уларни ўзлаштириш асосида катталарга нисбатан эҳтиром кўрсатиш ва ўз оиласи учун масъулият хиссини тарбиялаш лозимлигини тушуниб етиши зарур.

Шундай қилиб, тўй маросими нафақат байрам, тантана, балки ўз илдизлари ва асосларини билмасдан туриб оила ва давлатнинг бахтли келажагини қуриш мумкин эмаслиги ҳақида ёшлар учун ақл-заковат мактаби ҳамдир.

Қадимги ва янги урф-одатлар ҳамда анъаналарга нисбатан ҳозирги кунда давлат томонидан юритилаётган сиёсат қандай устуворликларга эга?

Мустабит тузум даврида анъаналар ва урф-одатларга нисбатан икки хил муносабатда бўлинган. Бир томондан, давлат, партия ташкилотлари

марксизм намояндаларнинг таълимотига амал қилиб, ота-боболарнинг меросини асраб-авайлашга даъват қилинган, бунга зид иш тутганлар қатъий қораланган. Бошқа томондан эса, синфий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда маркcча қоидаларга мос келмаган анъана ва урф-одатларни чеклаш қатъий талаб қилиниб, уларга миллатчилик ёки синфий жиҳатдан ёт аломатлар деб, туҳмат тамғаси босилган. Бу амалда парадоксал (ғайритабиий) вазиятни юзага келтирган, хусусан, миллий урф-одатларни бажаришга мутлақо бошқа нарсалар сабаб қилиб кўрсатилганки, натижада сохтакорлик, риёкорлик юзага келган. Одамларнинг тили бир, дили бошқа, хаёлида эса умуман ўзга нарса бўлган.

Бу ҳол айниқса дафн маросимлари, суннат тўйлари, диний байрамларни нишонлашда яққол намоён бўлган. Миллий минтақаларнинг урф-одат ва анъаналари Марказ томонидан "реакцион ёки консерватив" сарқит деб, уларга барҳам бериш бўйича кураш эълон қилинган эди. Халқ эса хуфёна бўлса-да, уларга риоя этишни давом эттирган. Президент И.А. Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида таъкидлаганидек, "Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди"[1]. Бироқ, айрим анъаналарни бошқа янгилари билан алмаштиришга зўр бериб уринишлар бўлганини ҳам таъкидлаш зарур. Масалан, Наврўз байрамини сунъий равишда тарғибот қилинган Навбаҳор байрами билан алмаштиришга бўлган ҳаракатлар халқ учун жуда қимматга тушди.

Турмушнинг объектив қонунларига мувофиқ ҳар қандай янгилик эскининг негизида вужудга келади. Худди шунингдек эски урф-одат, анъана ва маросимлар асосида янгилари пайдо бўлади. Бунда эски ва янги анъаналар ўртасидаги муносабатлар қуйидагича бўлиши мумкин:

а) ўзлаштириш, яъни эски анъана модернизация қилиниши натижасида янги кўриниш, қиёфа олади;

б) янги анъана эскисининг ўрнини эгаллаши натижасида эски анъананинг тўла-тўкис барҳам топиши (ирим-сиримлар, янглишишлар);

в) янги анъана эски анъананинг айрим аломатларини ўзида мужассам этиши;

г) эски анъаналарнинг янги вазифаларни бажариши.

Эски урф-одат, анъана ва маросимларнинг сақланиб қолишига сабаб нима? Нима учун миллий сиёсат уларни ҳисобга олиши керак? Гап шундаки, уларнинг кўпчилиги тенглик, адолат, ўзаро ёрдам ғоялари билан йўғрилган, халқнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ. Зеро, "Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-муҳаббат, меҳнатсеварлик… Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир"[2].

---

[1] Каримов И.А. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 137-бет.

[2] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 41-бет.

Катталарга ҳурмат кўрсатиш, оила ва болаларга меҳрибонлик, очиқлик, миллатидан қатъи назар, одамларга мурувват кўрсатиш, ўзгаларнинг мусибатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам асрлардан буён ўзбеклар ўртасида ўзаро муносабатларнинг меъёри бўлиб келган. Шунинг учун ҳам ўзбеклар тупроғида одамлар ўртасидаги ана шундай муносабатларни акс эттирувчи халқ урф-одатларининг юзага келиши бежиз эмас. “Хашар” удуми фикримизга ёрқин мисолдир. Негаки, мана шу халқ удумига кўра уй-жой ва каналлар қуриш, йўл очиш, маҳалла ва қишлоқни обод қилиш, бошқа ишларни бажаришда одамлар дил ихтиёри билан эвазсиз ишлайдилар, бир-бирига кўмаклашади, бир-бирларига мадад бўлади.

Ўзбек диёрида қадим-қадимдан меҳмондўстлик одати улуғлаб келинган. Меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, унинг ҳурматини ўрнига қўйиш нафақат ўзбекларга, балки мамалакатимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакилларига ҳам хос фазилатдир. Уларнинг барчаси ўзбек халқининг “Меҳмон отанг каби улуғдир” деган нақлига сидқидилдан амал қилади. Меҳмонга тўрдан жой кўрсатилади. Унинг олдига энг мазали таомлар қўйилади. Меҳмондўстлик вақтида чойхўрлик авжига чиқади. Бу одат мамлакатимизнинг турли минтақаларида турлича кўринишга эга. Масалан, чойхўрликни олиб кўрайлик. Фарғона вилоятида мезбон чойни аввал ўзига, кейин эса меҳмонга қуяди. Тошкентда эса бунинг акси: аввал меҳмонга, кейин эса мезбонга чой қуйилади. Фарғона водийсида меҳмонга дастурхон ёзилганидан кейин унинг олдига нон ушатилиб қўйилади, кейин унга чой узатилади. Вақти-вақти билан “олинг”, “мана буларни татиб кўринг” деб меҳмонга илтифот кўрсатилади. Хоразм вилоятида эса нон, чой ва таом меҳмоннинг олдига қўйилади, у нонни ўзи ушатиб, чойни ўзи қуйиб ичади.

Албатта, урф-одат, анъана ва маросимлар узоқ вақт ўзининг дастлабки кўринишини сақлаб қолиши қийин. Ҳар бир авлод ўз ўтмишдошларидан уларни қандай қабул қилган ва эслаб қолган бўлса, шундай бажо келтирган. Одамларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари ўзгариши доимий равишда урф-одат, маросим ва анъаналарнинг моҳияти ва шаклига таъсир кўрсатиб келган, бу эса уларнинг модернизациялашувига, янги ижтимоий шароитларга мослашувига кўмаклашган. Бу ҳол, шак-шубҳасиз, уларни ўзгартирган, баъзида уларнинг дастлабки маъноси унутилган, аммо вазифаси сақлаб қолинган. Эркак киши доимо бир қадам олдинда, аёл эса бир қадам орқада юриши одати фикримизга мисол бўлиши мумкин.

Ўзбекларнинг урф-одат ва анъаналари асрлар давомида ўзига хос, миллий, ёрқин ва кўп қиррали ижтимоий ҳодисалар замирида, фақат ўзига тааллуқли, ўзига хос аломатлар билан, ҳар бир одамнинг туғилганидан бошлаб, то умрининг охиригача унга ҳамроҳлик қиладиган тарзда таркиб топган. Урф-одатларга риоя қилиш шарафли ҳисобланган. Анъаналардан чекиниш жамият билан алоқани узишга, ундан бегоналашишга олиб келган. Зеро, ўзбек халқи ҳамиша жамоа бўлиб турмуш кечириб келган.

Шўро давлати ҳукмронлиги йилларида оилавий ва ижтимоий-оммавий анъана, урф-одат ва маросимларга нисбатан муносабат марксча-ленинча

мафкура таъсири остида курашувчан атеистик тусга эга бўлган. Ҳамма нарса ана шу мафкура “чиғириғи”дан ўтказилгани ва “бизники” ёки “бизники эмас” қабилида фарқлангани натижасида урф-одат, анъана, маросимлар социалистик ҳамда социализмга ёт гуруҳларга бўлинган. Биринчи гуруҳ анъанавий турмушдаги удумлар деб, иккинчи гуруҳдагилари эса диний удумлар деб аталган. Диний тусга эга бўлгани ва “эксплуататорлар синфи” манфаатлари билан алоқадорлиги туфайли номақбул бўлиб қолган удумларни турмушдан сиқиб чиқариш ва алмаштириш учун янги урф-одат ва анъаналар тақозо қилинарди.

Шунинг учун партия ва давлат раҳбарлари урф-одатлар яратиш жараёнига бошчилик қилиб, ўша йиллари ўз мезонларига тўғри келмайдиган анъана ва маросимларни ғалвирдан ўтказиш бўйича ишларни кенг кулоч ёздирганлар. Халқ ичида кенг кўламда оммалашиб кетгани сабабли айрим урф-одат ёки маросимларни тақиқлашнинг иложи топилмаган тақдирда, уларни диний мазмунга эга бўлган деб эътроф этилиб, барҳам беришга уринганлар. Бундай чора-тадбирлар урф-одат ёки маросимлар моҳиятининг бузилишига ёхуд ўз мазмунини, ўзига хослигини йўқотишига олиб келган, одамларда бундай удумларга бўлган қизиқиш йўқолишига сабаб бўлган. Хусусан, дафн маросими билан боғлиқ удумлар кишига маънавий таъсир этувчи рамзий ифодасидан маҳрум қилиниб, бунинг ўрнига ҳеч кимга керак бўлмаган митинглар ўйлаб топилди, дабдаба кучайиб, расмий тантана тусини касб этди.

Ишлаб чиқариш соҳасига дахлдор янгича урф-одат ва анъаналарни шакллантиришга (касбга, биринчи маошга, касб маҳорати ошганини тантанали эълон қилиш ва шу кабиларга) кўпроқ эътибор қаратилди, қизиғи шундаки, бундай тадбирларда “қаҳрамон”нинг шахсий фикри ҳеч кимни қизиқтирмаган. Ўзбекларга хос бўлган мустаҳкам қариндошлик, катта-кичикнинг фарқига бориш, юртдошлик муносабатлари ва бошқа шу кабилар етарли даражада ҳисобга олинмаган.

Юқорида қайд этилганидек, урф-одат ва анъаналар тизими – халқнинг кўп йиллик турмуши, фаолияти ва куч-ғайратининг натижасидир. Уларнинг ёрдамида авлодлар ўртасида изчиллик ва кетма кетлик сақланади, халқ ўзини ва маънавий қадриятларини қайта тиклайди. Шунинг учун ҳам анъана ва урф-одатларни йўқ қилишга, уларга қандайдир махсус тузатишлар киритишга, тақиқлашга бўлган уринишлар доимо зое кетади.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин халқимизнинг маънавий қадриятларини тиклаш, миллий урф-одат, маросим ва анъаналарни етказиш, оқсоқоллар, дин арбоблари ва зиёлиларнинг тажрибасини ўрганиш, улардан улғайиб келаётган авлоднинг онги ва хулқ-атворини шакллантиришда самарали фойдаланиш зарурати юзага келди.

Миллат маънавиятини юксалтиришда ёзувчилар, олимлар, ижодкор зиёлилар алоҳида роль ўйнаши лозимлиги ҳақида Президент И.А. Каримов бир неча марта таъкидлаб ўтган. Уларнинг вазифаси – одамларнинг онгини мафкура амри туфайли дунёга келган ақида ва афсоналардан халос этишга ёрдам бериш, ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, эркинликка, буюк

истиқболга бўлган, мамлакатимизда фан-техника тараққиётини таъминлашга бўлган интилишини холис ифода этадиган асарлар яратиш орқали миллий тикланишга кўмаклашишдан иборатдир. Президент таъкидлаганидек, ёзувчилар бу ишда, маънавий тангликдан чиқишда асосий етакчи бўлишлари лозим. “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”[1], деб таъкидлайди И.А. Каримов.

Мустақиилик йилларида давлатнинг, унга қарашли ташкилот ва муассасаларнинг маҳаллага бўлган муносабати мутлақо ўзгарди. Яқин ўтмишда уни консерватизм, қолоқлик белгиси деб ҳисоблаган ҳукмронларнинг зулмини бошдан кечирган маҳалла эндиликда жамият ва давлат ҳаётининг муҳим тузилмавий элементига айланди. Давлат органлари жамиятни бошқариш, адолатли ижтимоий муносабатларни шакллантириш, халқ маънавиятини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ваколатларининг бир қисмини маҳаллаларга ўтказди. Бунинг эвазига ана шу бошқарув органлари мавзе, маҳалла ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўринни эгаллади. Маҳалла кичик давлат, кичик ватандир ва унга нисбатан муносабат ҳам шунга яраша ўзгарди.

“Тарихан таркиб топган миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республиканинг маҳаллалари ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони чиқарилди[2]. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниб, унда бозор иқтисодиётига ўтиш ҳамда истеъмол молларини нархлаш ва хизматлар ҳақи ўсиб бориши шароитида аҳолининг кам таъминланган қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасида Республиканинг “Маҳалла” хайрия жамғармаси ўз низоми вазифаларини амалга оширишга ёрдам бериш назарда тутилган[3].

Пировард натижалар ҳам тезда кўзга ташланди: қисқа вақт ичида маҳалладаги ҳаёт жонланди, уларнинг марказларида гузарлар (савдо дўконлари, маиший хизмат бўлинмалари, нонвойхоналар, чойхоналар, анъанавий маросимларни ўтказиш жойлари комплекслари) қурила бошланди. Энг муҳими маҳалла фаоллари бу ишларга тадбиркор маҳалладошларини жалб қила бошладилар. Мамлакат оммавий ахборот воситаларида бундай мисоллар кўплаб келтирилмоқда. Бувайдалик Сарваржон Тўхтаев туман

---

[1] Каримов И.А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 12-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – №11. – 438-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – №12. – (указать модда)

маҳалларидаги мактабларга 30 миллион сўмлик турли жиҳоз ва ўқув қўлланмаларини етказиб берди. Бундан ташқари, Хонабод қишлоғида қишлоқ врачлик пункти биноси қурилишини якунига етказди[1] . Поп туманидаги “Марғизор” қишлоғилик тадбиркор Раҳматилла Рисқалиев ҳамқишлоқлари учун замонавий гузар қуриб берди. Маҳалла кўркига кўрк бўлиб қўшилган ушбу масканда савдо дўконлари, гўзаллик салони, тикувчилик устахонаси, алоқа ва компьютер хизмати кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд. Бу ерда қишлоқнинг ўндан зиёд йигит-қизлари меҳнат қилмоқда[2]. Қизилтепа туманидаги Ванғози қўрғонилик ишбилармон Жобир Темиров ўзининг шахсий жамғармаси ҳисобидан қарийб икки юз миллион сўм маблағ сарфлаб, “Сарбозор” савдо марказини ишга туширди. Унда барча қулайликларга эга бозор, дорихона, ошхона, тўйхона, наввойхона, сартарошхона, гўзаллик салони сингари сервис ва маиший шохобчалар фаолият бошлади. Бу хайрли ишлар туфайли маҳалланинг эллик нафар ёшлари иш ўринларига эга бўлди[3]. Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғилик Мавлудахон Йўлбарсова ўз маҳалласида тикувчилик цехини ишга тушириш натижасида 45 нафар хотин қизни доимий иш билан таъминлади[4]. Маҳалла ва тадбиркорлар ўртасидаги мана шундай ўзаро манфаатли фаолиятдан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бунда икки томонлама наф кўрилади: корхона иш кучларига эга бўлади, ишлаб чиқраётган маҳсулотларининг ҳажми ва турини кенгайтириш имконияти пайдо бўлади, маҳаллада истиқомат қилувчилар эса, таъбир жоиз бўлса, шундоққина ўз остоналарида цех ёки устахонага эга бўладилар.

Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, энг яхши халқ анъана ва урф-одатларини тиклаш, одамлар, оилалар, қўни-қўшнилар ўртасида ишонч ва тотувликни мустаҳкамлаш, улғайиб келаётган авлодни тарбиялаш юзасидан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий ўзини ўзи бошқаришининг асосий бўғинига айланди. Маҳалла миллий анъаналарни сақловчисидир, у миллатидан қатъи назар, маданий хулқ-атворнинг мезонларини яратади ва одамларга тақдим этади.

Ўзбек урф-одат, маросим, анъаналари доимо янгиланиб бориб, янги-янги хусусиятлар билан бойитилмоқда. Байрамларнинг сони шўро даврига таққослаганда янги жорий этилган байрамлар ҳисобига ошди. Хусусан, бундай байрамлардан бири Мустақиллик куни бўлиб, у Ўзбекистон ҳаётининг янги даврини бошлаб берган, янгиланиш ва тараққиёт йўлини очиб берган умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Бу байрам бутун халқ томонидан тантана қилинади. Байрамга атаб концерт дастурлари намойиш этилади, кўчалар, майдонлар байрам либосига бурканади. Пойтахтимизда мушакбозлик ўтказилади, эрта тонгдан кечга қадар халқ сайллари бўлиб ўтади.

---

[1] Тадбиркор ҳиммати // Халқ сўзи. – 2009. – 5 март.
[2] “Марғизор”нинг шинам гузари // Халқ сўзи. – 2009. – 5 июнь.
[3] Янги савдо маркази // Халқ сўзи. – 2009. – 9 июнь.
[4] Изланишлар самараси // Халқ сўзи. – 2009. – 30 июль.

Наврўз байрами кўп асрлик тарихга эга. Шўро даврида гўёки диний аломатларга эга бўлгани учун бу байрамни нишонлаш тақиқланган эди. Наврўз мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин кенг кўламда қайта тикланди. У тинчлик ва тотувлик, қардошлик ва бирдамликни улуғлаш, ўз халқидан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг нишонланадиган умумхалқ байрамига айланди.

Ҳар йили кузда Ўзбекистонда кузги дала ишлари тугаллланганидан кейин "Ҳосил байрами" нишонланади. Унда сайллар ўтказилади, заминимизда етиштирилган мевалар, сабзавот ярмаркалари ташкил этилади, қишлоқ хўжалик йили якунлари чиқарилади.

Мамлакатимизнинг турли минтақаларида ҳар йили гул сайли, қовун сайли, узум сайли ва бошқа шу каби халқ сайллари ўтказилади. Уларда қадимий анъаналар билан ҳозирги замон удумлари уйғунлашиб кетади.

Мамлакатимизда бутун дунёда бўлгани каби Янги йил, 8 март, Ғалаба куни ва бошқа шу каби байрамлар ҳам кенг нишонланади.

Ўзбекларнинг тўй маросими жуда кўп расм-русумларни ўз ичига олади. Ўзбеклар ҳаётидаги "тўй" тушунчаси бошқа халқларда мавжуд тегишли тушунчадан, масалан, русларнинг "свадьба"сидан ўз қамровига кўра кенгдир. Байрам тантаналари, бирорта ижтимоий аҳамиятга эга тадбирлар номига "тўй" сўзи қўшиб айтилади. Бироқ, ҳозирги кунда одатда "никоҳ тўйи", "суннат тўйи" ва "бешик тўйи" ўтказилади, қолганлари эса ўтказилмаяпти ёки кам ўтказиляпти.

Кўпинча маҳалла ва қишлоқларда одам 63 ёшга тўлганида "Пайғамбар ёши" маросими ўтказилади. Инсон ўз ҳаётида муайян маррага етганини англатувчи ушбу маросим муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир. Одатда, бундай улуғ ёшга етган одамнинг барча таниш-билишлари, ёру биродарлари катта ошга тўпланади.

Халқимизнинг дафн маросимлари тарбиявий аҳамияти жиҳатидан кўп фойдали ва эътиборли аломатларга эга. Инсон вафот этганидан кейин бир йил давомида унинг қариндош-уруғларига сабр тилаш, маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида удумлар, расм-русумлар ўтказилади.

Мактабни тугатиш, паспорт олиш, Ватан ҳимоячилари сафига чақирилиш, ошна-оғайни ва қариндош-уруғларнинг юбилейлари, пенсияга кузатиш, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийларини шарафлаш каби инсоннинг шахсий ҳаётидаги муҳим воқеаларни нишонлаш одат тусига кириб қолди.

Яқин вақтларга қадар ўзбеклар ўртасидаги мустаҳкам қариндошчилик алоқалари, катта ёшдагилар билан кичик ёшдагилар, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари етарли даражада ҳисобга олинмас ёки уларга кам эътибор қаратилар эди. Ваҳоланки, ўзбек халқида қадим-қадимдан ёши катталарга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш одати мавжуд. Бунда муҳими қариндошчилик эмас, балки ёши улуғликдир. Бундай муносабатлар болаларга тарбиявий таъсир кўрсатади, одамларнинг хатти-ҳаракатларини, юриш-туришларини белгилаб беради.

Мисол тариқасида ота-оналар билан болаларнинг ўзаро муносабатларини олиб кўрайлик. Болалар кўпинча ота-онага ҳурмат нуқтаи назаридан уларнинг кўзига тик боқолмайди. Ўғил ўзининг уйланиш нияти ҳақида отасига айтишга хижолат қилади. У ўзининг бу ниятини қандайдир белгилар орқали етказади.

Маълумки, анъанавий маросимларни ўтказиш айрим моддий қийинчиликларни келтириб чиқарадиган муайян сарф-харажатлар билан боғлиқ. Баъзан маросимларни бошқаларнинг ҳавасини келтириш, беллашувига айлантиришга уриниш ҳоллари ҳам кузатилади. Бу ҳол маҳалла қўмиталари, даҳа ёки қишлоқ оқсоқоллари аралашуви, маросим ва урф-одатлар моҳиятини тушунтириш заруратини келтириб чиқармоқда. Бинобарин, ҳар қандай удум ўз имкониятларини "кўрсатиб қўйиш"га эмас, балки одамларнинг жипслашувига кўмаклашиши керак. Баъзан бундай тадбирлар катта маблағ сарфлаб, серҳашам ва дабдабали қилиб ўтказилмоқда. Боз устига, баъзи маросимларда шуҳратпарастлик, ҳаддан зиёд исрофгарчилик, мақтанчоқлик, атрофдаги одамларни менсимаслик каби эскилик сарқитлари намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон халқ турмуш тарзи, моддий ва маънавий маданиятда туб ўзгаришларга олиб борадиган чуқур ислоҳотлар йўлидан бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар урф-одат ва анъаналар мазмунининг ўзгаришида, уларнинг янги-янги шаклларининг қарор топишида акс этмоқда. Улар халқнинг эски урф-одат ва анъаналарининг ҳозирги замон ўзбек миллий маданиятининг янги жиҳатлари билан уйғунлашуви асосида шаклланмоқда. Мухтасар қилиб айтганда, эски урф-одат, маросим ва анъаналар қайта тикланиши ва модернизация қилиниши жараёни билан бир вақтда янги удумлар шаклланиши жараёни ҳам жадал бормоқда. Бу жараёнлар ўзаро боғлиқ, бўлиб, халқимизни маънавий ахлоқий-эстетик тарбиялашда муҳим роль аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистонда анъана, урф-одат, байрамлар каби миллий-тарихий қадриятлар маънавий-маданий тараққиётга интилишнинг мустаҳкам таянчини сифатида хизмат қилади.

## 2.3. Динга нисбатан янгича сиёсат ва ўзбек халқи маънавиятининг ривожланишида исломнинг роли

Шўро ҳокимияти ҳукмронлик қилган яқин ўтмишда турмушимизда дин ва руҳонийларга нисбатан бўлган муносабат илмий ва оммавий-сиёсий адабиётда ўзининг холис ифодасини топмаган эди. Расмий муассасалар ва ижтимоий тузилмалар (ижодий бирлашмалардан тортиб партияга қадар) меҳнаткашлар, айниқса ёшларни "диннинг чиритувчилик таъсиридан" сақлаб қолишга, динга ва жаҳолатпарастлар ҳамда турмушнинг феодал, патриархал пойдеворининг жонкуярлари, хурофот ва эскилик сарқитларининг ботқоғига ботган кишилар деб қораланган дин хизматчиларига нисбатан асоссиз равишда салбий муносабат келтириб чиқаришга жон-жаҳди билан ҳаракат қилганлар.

Айни бир вақтда теолог олимларнинг катта қисми ҳатто ўтмишда ҳам кенг халқ оммаси орасида маданий қадриятлар ва умумий аҳамиятга молик билимларни тарғиб қилганлар, ахлоқ меъёрларига содиқлик ҳақида ваъз қилганлар. Масалан, мусулмон оламида “муҳадислар султони” деб шуҳрат қозонган аллома Имом Бухорий, турмуш тарозисидаги энг қимматли нарса – ажойиб инсоний ахлоқдир ва агар инсон одамларга нафи тегадиган илм яратган бўлса, у вафот этганидан кейин ҳам яшашини таъкидлаган.

Шўро воқелигида “виждон эркинлиги” тушунчаси қатъий равишда дин амалиётидан, диний удумларни бажаришдан воз кечиш сифатида талқин қилинган. Агар киши бола “суннат” қилинганлигини, христиан одатига кўра чўқинтирилганлигини ҳақиқатда билмаган бўлса ҳам партия ёки комсомол олдидаги жавобгарликдан қочиб қутулолмаган. Бундай кишилар аксарият ҳолларда партия билетидан маҳрум бўлганлар ёки комсомол сафидан ҳайдалганлар. Шу боис ўзининг расмий мақомидан ажралиб қолишдан чўчиган ходимлар Исломга нисбатан ўз муносабатларини яшириб келганлар, дин ва руҳонийлар фаолияти халқ турмуш тарзидан сиқиб чиқарилган. Дин ўз вазифаларини кенг кўламда бажара олиши мумкин бўлган соҳалардан бири – кундалик турмуш, қариндош-уруғлар жамоаси, оила бўлган.

Дин ва диний эътиқод таъқиб остида бўлганлиги учун унга бўлган муносабат яширилган, айниқса, ўқув юртлари, армия, ижодий ва илмий давраларда сир тутилган. Жуда камчилик ўзининг диндорлигини, динга эътиқодини ошкора тан олган.

Бундай таъқиб ғоявий-назарий даражада, одатда, маданият ва динни бир-бирига кескин қарши қўйиш шаклида амалга оширилган. Бу ҳол, айниқса, диний масалалар миллий масалалар билан боғлиқ ҳолда талқин этилганда яққол кўзга ташланган. Маъмурий буйруқбозлик тизими шароитларида миллий маданиятнинг суверенитети, ўзига хослиги ҳақида ҳеч ким оғиз очишга ҳам ботинолмас эди. Байналмилал шўро маданияти чизиғидан салгина четга чиққан киши миллатчига айлантирилиб, унга нисбатан ташкилий-қатағон шаклидаги хулосалар чиқариларди. Марказга бир умр содиқлигини кўрсатган маданият арбобларигина рағбатдан баҳраманд бўлардилар.

Ўрта Осиё миллий республикаларида динга эътиқод даражаси ўртача Иттифоқ даражасидан юқори бўлганлиги сабабли бу минтақада ижтимоий онгни “ўстириш”, унинг социалистик турмуш тарзидан “орқада қолишига” барҳам бериш талаб этиларди. Динга қарши тарғибот, атеистик иш гоҳида республикада кулгили даражагача етиб борар эди. Диндор киши маданиятсиз, қолоқ, унинг эътиқоди фанга зид, зарарли деб тасвирланган. Уни нафақат диндан қайтаришга, балки қайта тарбиялашга, умуман дин билан алоқасини узишга эришиш вазифа қилиб қўйилган. Бунинг оқибати ўлароқ, одамлар ўз қарашларини, эътиқодларини сир сақлаганлар, урф-одатларни яширинча бажарганлар, кўпинча уларга мутлақо тўғри келмайдиган мазмун берганлар.

Конфессионал масалада республикалардан, масалан, Ўзбекистондан жиддий фарқ қилганлиги сабабли Марказ томонидан жўнатилган маданий-

атеистик ғояларнинг кўпи жойларда яхши кутиб олинмас ва кўпчилик ҳолларда тушунилмас эди. Шунинг учун жисмонан таъқиб қилиш, муқаддас жойларни вайронага айлантириш мафкуравий курашнинг ягона шакли бўлиб қолган. Айрим ҳисоб-китобларга кўра 20-30-йилларда мамлакатимиз ҳудудидаги дин билан боғлиқ осори-атиқаларнинг ярми ер билан яксон қилинган, масжидлар портлатилган, мусулмон руҳонийларига қарши қатағонлар шу даражада кулоч ёзганки, жабрланганларнинг умумий сони ҳозиргача ҳам аниқланмаган[1].

Мусулмон диндорларга нисбатан қувғин ва таъқиб (бу кампания юмшоққини қилиб "мафкуравий яккалаб қўйиш" деб аталган) одамларда, айниқса, анъанавий тарзда динга нисбатан катта ҳурмат кўрсатилган қишлоқ жойларда мутлақо бошқача муносабат келтириб чиқарган. Хусусан, буни шундай изоҳлаш мумкин. Қишлоқда фақат руҳонийлар араб алифбосидаги китобларни мутолаа қила олардилар, демакки фақат улар Қуръонни талқин қила билар, уни ўқитишга қодир эдилар. Шунинг ўзиёқ дин хизматчилари зиммасига ахлоқий жиҳатдан пок, маданиятли, маълумотли бўлиш мажбуриятини юклар эди. Халқимизда шоли курмаксиз бўлмайди, деган нақл бор. Диндорлар орасида ҳам иймони заиф ва фосиқ кишилар бўлган, зеро дин аҳли орасида оқни қора деб кўрсатадиган маломатлар ва тарафкашлик кучли эди. Ижтимоий фикрни бундай нопок одамлар шакллантирмаганлар, албатта. Одамлар кўпроқ дин йўлида жабрланганлар ёки ҳалок бўлганларни хотирлашган ва ҳурматлашган.

Бу ҳол мусулмон дини арбобларининг ахлоқий нуфузини муайян даражага кўтарган. Исломда дин хизматчиси ҳеч қачон ўзини атрофдагилардан четга олмаган. Масалан, суннат ёки рўза қанчалик таъқиб қилинмасин, ўзини мўмин-мусулмон деб ҳисоблаган ҳеч бир киши улардан воз кечмаган, воз кечишни хоҳламаган. Акс ҳолда у атрофдагиларга, маҳаллага, оқсоқоллар ва қариндош-уруғларга қарши чиққан бўлур эди. Бундай расм-русумлар эса муллаларсиз ўтмаган.

Шунинг учун мулла етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир кишининг, барчанинг кундалик ҳаётида, турмушида иштирок этган. У ёш болани мусулмон эътиқоди йўлига бошлаган ва ҳар бир кишини охират дунёсига кузатган. У доимо одамлар орасида, уларнинг яхши кунларида ҳам, ёмон кунларида ҳам бирга бўлган, оилавий можароларда, қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликларда қозилик қилган. У одамларга Қуръондан келтирган сўзлар халқни жипслаштирган, бирлаштирган, яраштирган, уларда умид уйғотган. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон маънавий ўзликни англаш, жамият онгини янгилаш, миллий маънавий қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини тиклаш йўлига ўтганидан кейин динга, айниқса, Исломга нисбатан бўлган муносабатни сифат жиҳатидан қайта баҳолаш энг дастлабки қадамлардан бири бўлди. Хусусан, диннинг тарбиявий-педагогик салоҳияти, ижтимоийлаштирув вазифасига эҳтиёж катта бўлган.

---

[1] Қаралсин: Бегматов А. С чем у нас боролись // Наука и религия. – 1992. – №4. – С.11.

Бинобарин, диний арбобларнинг кўплари билим ва ахлоқнинг, эътиқод ва тарбиянинг жипс алоқаси тўғрисидаги ғояни ҳамиша илгари сурганлар, зеро билим ва ахлоқ чамбарчас боғлиқдир. Диний саъй-ҳаракатларнинг бу каби асосий ғояси халқ қалбига ўрнашиб, турмуш принципларига айланган, мулоқот шаклларида мустаҳкамланган. Шунинг учун одамлар сохта социалистик маъмурий ва мафкуравий қурилмалар барбод бўлганида, ноодатий бозор муносабатлари, стихияли демократия ва ғоялар плюрализми тўлқинида ғарқ бўлиб, маънавий ва психологик жиҳатдан гангиб қолганида Ислом уларга мадад бўлди. Бу ҳол мустақилликнинг дастлабки йилларида динга бўлган муносабатда дарҳол ўз аксини топди. Хусусан, маълумотларига кўра, 1990 йилдан 1993 йилгача бўлган давр ичида Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида динга ишонувчиларнинг сони 20 ёшлилар орасида 4 фоиздан 52 фоизгача, 30 ёшлилар орасида 10 фоиздан 56 фоизгача, 50 ёшлилар орасида 20 фоиздан 76 фоизгача, 60 ва ундан катта ёшдагилар орасида 65 фоиздан 90 фоизгача ўсган[1].

Бу хусусан, эски, аниқроқ қилиб айтганда, шўро давридаги ижтимоий йўналишлар девальвация қилинганлигидан, янгилари эса ҳали тайёрланмаганидан далолат беради. Юксак даражадаги шахсий масъулиятни тақозо этувчи фикрлар эркинлиги, танлаш эркинлиги, қарор қабул қилиш эркинлиги ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Уларни олдин ишлаб чиқиш, англаш, ўзлаштириш, қабул қилиш талаб этилади. Худди шундан янги ғоя пойдеворига қурилган тарбиявий ишга, янги принципларга эҳтиёж пайдо бўлади. Айни бир вақтда асосан Ислом туфайли сақлаб қолинган, синовдан ўтган ўтмиш тажрибасига мурожаат қилиш талаб этилади. Шунинг учун мустақилликнинг дастлабки йилларида омма томонидан ҳам, расмий тузилмалар томонидан ҳам Исломнинг салоҳиятига бўлган эҳтиёж катта бўлди. Президент И.А. Каримов Ислом динининг одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаганлиги, ҳаёт синовларини енгиб ўтишда куч бағишлаганлиги, маънавий қадриятларини сақлаб қолиш ва ёш авлодга етказишдаги ролини алоҳида кўрсатиб, "... муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни яхшилик ва эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан аждодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ", деб қайд этган[2].

Ислом фақатгина дин ичидаги муаммолар атрофида ўралашиб қолмай ва давлат сиёсатига арлашмаган ҳолда омманинг, айниқса ёшларнинг ижтимоийлашуви, уларни тарбиялаш борасида кўп ишлар қилмоқда.

Бу ишларнинг назарий базаси ва манбаини Шарқ, айниқса, Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқий назарий мероси, минг йиллик амалиётида

---

[1] Қаралсин. Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама: Автореф. дис. … докт. филос. наук. – Ташкент, 1994. –С.38.

[2] Тошкент ислом маданияти пойтахти. Президент Ислом Каримовнинг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти матбаа бирлашмаси, 2007. – 16-бет.

синовдан ўтган миллий ва умумбашарий қадриятлар, шу жумладан, Ислом томонидан яратилган диний-маънавий қадриятлар уйғун равишда ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда, Ислом дини арбоблари ўзига хос “Шарқ ахлоқ кодекси”нинг яратилишида иштирок этганлар. Ушбу қадриятнинг кундалик амалиётда, боз устига тарбиявий ишларда мужассамлашган ҳолда намоён бўлишининг ўзига хос хусусияти шундаки, ундаги қоидалар инсоният турмушининг яхлит, мукаммал концепциясидан иборат бўлиб, баён этилган кўплаб принциплар ўзининг мафтункорлиги ва ўзига бўлган ишончни сира ҳам йўқотмаган. Бундай “ахлоқ кодекси”нинг имкониятлари анъаналар ва урф-одатларда, бетакрор турмуш удумларида, расм-русумлар, турли шаклдаги маросимларда ўз ифодасини топган халқ, хатто аниқроқ қилиб айтганда, оила педагогикаси асослари билан бойитилмоқдаки, дин ҳам ҳамиша ана шу қадриятларнинг бойитилишида иштирок этмоқда.

Ўзбек халқи учун кундалик турмушда катталарга, оқсоқолларга, оналарга, оилага, ўз уйига, атрофидагиларга нисбатан эҳтиром ва ҳурмат билан муносабатда бўлишни сингдириш хос хусусиятдир. Бу борада ўзбек аҳолиси анъанавий истиқомат қилиш жойлари (маҳалла ва қишлоқлар)да ва норасмий мулоқотда риоя этиладиган ҳозирги кунда сақланиб келинаётган ҳулқ-атворнинг мукаммал ишлаб чиқилган қонун-қоидалари мавжуд.

Ўзбек оиласида бола гўдаклигидан бошлаб она сутига ҳурмат, отага, ўзидан катталарга баодоб муомала қилишга, эл ўртасида ўзини тута билиш принципларига риоя қилиш, нонни эъзозлаш, ўзидан кичикларга ғамхўрлик қилиш, она ерни қадрлаш, меҳнат қилиш шартлиги ва муҳимлигини тушуниш руҳида тарбияланади. Бундай йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган андозалар, қоида тариқасида, шахснинг бир умрлик дунёқарашига, миллий турмуш тарзининг ўзига хос тартиб-қоидаларига айланадики, бунда диннинг ҳам хизмати каттадир. Дин одамларни, айниқса ёшларни ҳалоллик ва меҳр-мурувватли бўлишга, сиполик ва раҳмдилликка ўргатади.

Диннинг нуфузи ва эътироф этилиши, янгиланиш ва маънавий тикланиш жараёнларидаги ижтимоий мавқеи у ўзбек халқининг ҳаётий устуворликлари, миллий менталитети, маданий-тарихий тажрибасидан моҳирона ва асосли тарзда фойдаланганидан, халқнинг афзалликлари, мойиллиги, барқарор манфаатларини усталик ва одоб билан талқин қилганлигидан далолат беради. Шунинг учун шариат ва Ҳадисларда ўз аксини топган юқорида қайд этилган ҳулқ-атвор ва ахлоқ қоидалари оммавий атеизм, курашувчан худосизлик жамияти учун хос бўлган мафкуравий (ва бошқа ҳар қандай) босимга, тақиқларга, очиқдан очиқ қувғинларга бардош қилишга ва уларни енгишга қодир бўлди.

Шу сабабдан ҳам диний дунёқараш ана шу ва айрим бошқа сифатлари билан барчага мақбул бўлиб ўзига жалб этади. Бу ҳолат “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 2008 йилда “Аҳолининг диний эътиқоди” мавзусида ўтказилган сўровларда ҳам ўз аксини топди[1]. Хусусан, сўров

---

[1] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.

иштирокчиларининг кўпчилиги исломнинг жамиятга бўлган таъсири ошиб боради деб ҳисоблайдилар. Бундай респондентларнинг миқдори 49%ни ташкил этади. Бу рақам исломнинг роли ошмайди деганларникидан (19,3%) 2,5 баравар кўпроқдир. Айни чоғда, фақатгина 2,1% респондент исломнинг роли пасаяди деб ҳисоблайди.

Оила, маҳалла, айниқса қишлоқ жойларида шариат ва Ҳадислар ҳеч қачон ўзининг ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган. Юқорида қайд этилган сўров натижаларига кўра диннинг (хусусан, исломнинг) роли ва таъсири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ва аввало, ёшлар тарбиясида ошганлиги қайд этилган. (2006 йилда 54%, 2007 йилда 66%, 2008 йилда 73,7%).

Айни чоғда, 2008 йилдаги сўров иштирокчилари динга эътиқоди бўлса ҳам, мачитга домий равишда қатнаш ва номоз ўқиш билан боғлиқ русумларни бажаришга қизиқиши ва мойиллигини кўрсатмаганлар. Сўровда иштирок этганларнинг 9,5% мачитга бир кунда бир ва ундан ортиқ марта боришини кўрсатган. Уйда номоз ўқийдиганларнинг сони ҳам қисқарган (2007 йилдаги 27,3%дан 2008 йилда 5,6% гача)лиги айтиш зарур. Сўров натижалари респондентларнинг диний онги ва хулқ атвори уларнинг ижтимоий фикрида ўз аксини топиши, хусусан мусулмонликнинг расм-русумларига ва уларнинг эътиқод қилувчилар ҳаётидаги ўрнига бўлган муносабатда яна бир бор яққол кўринди. Бу борада 2002-2008 йилларда ўтказилган сўровлар респондентларнинг исломнинг асосий маросимлари бўлган: суннат, никоҳ, жаноза, ифтор, худойи, амри- маъруфларга ижобий муносаби ошиб бораётганини кўрсатди. Масалан, суннатга бўлган муносабат(2002 йилда 81%, 2003 йилда 92%, 2004 йилда 96%, 2005 йилда 87%, 2006 йилда 93%, 2007 йилда 89%, 2008 йилда 95%). Сўров давомида юқорида келтирилган бошқа диний маросимлар бўйича ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган.

Республиканинг вилоятларида ўтказилган сўровлар бўйича ҳам ўхшаш натижалар олинди. Бу эса Ислом халқнинг миллий ўзига хослигининг намоён этишининг шакли сифатида эътироф этилиши ҳақидаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди. Ижтимоий онг даражасида Ислом кўпроқ соф диний фаолият сифатида эмас, балки халқ мафкураси, миллий урф-одат сифатида мавжуд бўлган. Шунинг учун ўзбекларнинг анъанавий миллий-ижтимоий онгига “халқ, миллийлик” ва “диний” деган тушунчалар ўртасидаги фарқни сингдириш ўта мушкул ишдир. Сўров натижалари бўйича 66,2% респондентлар Рамазон-хайити, Курбон-хайити ва айниқса Наврўз байрамларини умуммиллий тантана, байрами дебҳисоблайди. (2007 йилда бу рақам 68%ни, 2002-2006 йилларда 64-77% ни ташкил этган). Ҳар бешинчи респондент учун (22,8%) бу байрамлар оилавий байрам бўлиб қолишини эътироф этишган. (2007 йилда бу рақам 22,2% ни, 2006 йилда 23%ни, 2004-2005 йилларда 27-29% ташкил қилган)[1].

---

[1] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.

Демократлаштириш ва фикрлар плюрализми шароитида Ислом учун тарбия жараёнига қўшилиш имконияти очилади. Маълумки, дин давлатдан ажратилганлиги сабабли муқаддам Ислом бундай имкониятдан маҳрум эди. Узоқ юз йилликлар давомида дин арбоблари ва мутафаккирлар томонидан яратилган илоҳиёт, теология мероси энг бошданоқ тасаввуф, ғайри-табиий кучларга ишониш ва реакцион деб эълон қилинган эди. Ваҳоланки, ушбу меросда маънавий қадриятлар жамланган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бироқ, улардан нафақат кенг халқ оммаси, балки илмий таҳлил билан шуғулланувчи олимлар ҳам фойдалана олмасдилар. Шунинг учун ҳам илоҳиёт, теология меросини тиклашга бўлган эҳтиёж катта. Бу эҳтиёжни маънавиятини юксалтириш борасидаги ишларда ҳамда ижтимоий муносабатларда диннинг ўрнини тиклаш орқали қаноатлантириш мумкин.

Исломнинг жуда кўп таниқли арбоблари яратган асарлар оммавий ададларда нашр этилди, қизиқувчилар ҳеч бир тўсиқсиз Қуръон, Ҳадислар, Инжил билан танишишлари мумкин. Кўпгина диний байрамлар (Рўза ҳайити, Қурбон ҳайити) давлат томонидан дам олиш куни деб эълон қилинди. Ислом таъқибдан қутилганидан кейин маънавиятни тиклаш ишлари давомида одамлар онгига Ислом тўғрисида сингдирилган уйдирмалар фош этилди. Бу мерос билан танишган одам Ислом жамият учун зарур бўлган принциплар ва меъёрларнинг, дин эркинлиги, меҳр-мурувват, ҳалоллик, сиполик каби миллий қадриятларнинг ҳимоячиси эканлигига ишонч ҳосил қилади. Диний анъаналар мураккаб ўтиш даврида жамиятда барқарорликни, фуқаролар ўртасида тотувликни таъминлаш учун ниҳоятда зарур бўлган, халқ оммасининг онгига миллатлараро тинчлик, ўзаро ҳурмат, қардошларча ёрдам каби ғояларни сингдиради.

Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, маънавий тозаланиш, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган риёкорликдан халос бўлиш муаммоси ҳеч қачон иккинчи даражага тушиб қолмаслиги керак. “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, аҳлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз”[1].

Давлат томонидан динга нисбатан юритилаётган бундай оқилона сиёсат ўтказилган сўров натижаларида ҳам ўз аксини топди. Хусусан, респондентларнинг 74,7% мамлакатда мусулмонликнинг барча расм русумлари ва маросимларини ўтказиш учун барча шароит яратилганлигини қайд этган. 2007 йилда бу рақам 69,3% ни ташкил этган эди.[2]

Бундай фикрнинг мустаҳкамланиши ва кенг ёйилиши учун турли конфессиядаги дин вакилларининг Ўзбекистон аҳолисининг маънавий юксалиши, фуқароларнинг ҳамжиҳатлиги ошиши, халқнинг ахлоқий покланиши борасидаги фаолияти ёрдам бермоқда. Бундай ҳайрли иш дин хизматчиларини тайёрлаш сифати ошгани сари янада малакали ва самарали

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон ХХ1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 44-бет.

[2] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.

бўлиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳозирги пайтда ота-оналарнинг рухсати (ёзма розилиги) билан балоғат ёшига етган болаларни ўз хоҳишларига кўра диний билим олишига йўл қўйилмоқда, махсус диний таълимга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда, негаки фақат ана шундай ўқимишли кадрлар сони етарли даражада бўлса, диний ташкилотлар мактабдан ташқари ўқув юртлари ва гуруҳлар ташкил этишлари мумкин, сабабки хусусий тартибда диний таълимдан сабоқ беришга Қонун асосида йўл қўйилмайди[1]. Қонуннинг бу меъёрлари мамлакатимизда ахлоқий муносабатларга таъсир этиб, жамиятдаги психологик муҳитни яхшилашда, танглик кўринишларини бартараф этишга кўмаклашишда, маънавиятни юксалиш жараёнларини рағбатлантиришда, жамиятнинг ижтимоий тотувлигига кўмаклашишда диний ташкилотлар ва динга эътиқод қилувчилар учун самарали ҳуқуқий асосларини яратиб берган.

Ҳозирги кунда Республикада 2225 минг диний ташкилотлар ва 16 та конфессия рўйхатдан ўтган. Улардан 2050 мусулмон ташкилотлари, 161 христиан ташкилотлари, 8 яхудий жамоаси, 6 бахаи жамоаси, битта кришнаитлар жамоаси ва битта будда ибодатхонаси фаолият кўрсатмоқда[2]. Мамлакатда диний таълим олиш масалаларига катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, Тошкент ислом университети фаолият юритмоқда. Унда 511та тингловчи таълим олмоқда. Мавжуд мадрасада 1126 та, Православ семинариясида 126та, Протестант семинариясида 28та одам таҳсил олмоқда.

Мамлакатда 2000 та мачит фаолият юритмоқда (1980 йилда жами 89та мачит мавжуд эди). Мустақиллик йилларида 60 мингдан зиёд фуқаро муборак Хаж зиёратига борган, яна тахминан шунча одам Умра (кичик хаж) сафарини адо этган[3].

Ҳозирги кунга келиб одамлар минг йилликлар давомида тўпланган ва чархланган, одамлар ўртасида бир-бирини тушуниш ва ўзаро алоқаларни, муносабатларни мустаҳкамлаш учун зарур бўлган диний ахлоққа нисбатан сермушоҳадалик билан муносабатда бўлмоқдалар. Бу бежиз эмас, чунки дин биринчи навбатда маънавий феномен бўлиб, уни инкор этиш мутлақо истиқболсиз иш. Дин билан курашиш эмас, балки мулоқот қилиш зарурлиги ҳақида тушуниш ошди.

Динга ва черковга нисбатан бўлган асоссиз қоралаш, тақиқлаш, аёвсиз қарши курашиш, туб моҳияти билан йўқ қилиб юборишдан иборат муносабатларнинг пировард натижалари ҳамда оқибатларини соғлом ақл ва холис таҳлил этиш академикнинг юқоридаги хулосаси ҳақ эканлигини исботлайди. Айни вақтда виждон эркинлиги қоғозда эмас, балки амалда бўлган цивилизациялашган давлатда дин миллий маданиятнинг алоҳида

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1998. – №5-6. – 99-модда.

[2] Ахмеджанов М. Конституция Республики Узбекистан залог межнационального согласия и религиозной толерантности / Ўзбекистон Конституцияси – буюк келажагимиз кафолати. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009. – 10-11-бетлар .

[3] Бабаджанова Д. Межнациональное и межконфессиональное согласие: опыт Узбекистана // Uzbekistan today. – 2007. – 15 ноября. – С.5.

қисми, омма онгига ҳар қандай давлатчилик учун зарур бўлган сермазмун умумбашарий қадриятларни, инсонпарварлик ва ахлоқни сингдиришнинг воситаси ҳисобланган ва ҳозирда ҳам шундай. Президент И.А. Каримов ҳақ гапни айтган: “Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, ушбу олижаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида, керак бўлса жон фидо қилиш зарур деганимизда, айнан, адолатли давлат ва диннинг илдизлари муштарак эканлигини унутмайлик”[1].

Албатта, оммага таянадиган, аммо миллатни маънавий қайта тиклаш учун номақбул бўлган диний фундаментализмнинг фаоллашуви эҳтимолини унутмаслигимиз керак. Бундай қатъий фикр юритишимиз асоссиз эмас, чунки фундаментализмнинг ҳар қандай (Ислом ёки коммунистик) шакли турғунликка олиб бориши муқаррар. Бу фундаментализм шаклларининг ҳар бири ўз жиҳатлари, юксак даражадаги ақидапарастлиги, ҳулқ-атворга нисбатан қаттиқ талаблар қўйиши, одоб-ахлоққа риоя этишдаги, тегишли маросимни бажаришдаги мутаассиблилиги, ўзгалар фикрига, боз устига бошқа ғоявий платформаларга нисбатан муросасизлиги билан ажралиб туради. Ёшларнинг бундай ғоявий негизга мойиллигини ифода этувчи хатти-ҳаракатлари ва қилмишлари кўпинча конституциявий қоидалар ва принципларни инкор этиш ёки уларнинг бузилишига олиб келади.

Бундай шароитларда яхлит бир ғоявий йўналишга эга бўлмаган ҳар қандай социум, худди Тожикистонда юз бергани каби, мафкуравий беқарорлик ҳолатига тушиб қолиши мумкин. Эҳтимол тутилган мафкуравий бўшлиқ-ғайридемократик, анархистик ва ақидапараст ғоялар мафкурадан халос бўлиш шиори остида ниқобланиб, интенсив равишда интиладиган макондир. Расмий тузилмаларнинг маънавиятни ривожлантириш жараёнларини бошқариш, кўп вариантли мафкуравий интилишлар йўлини тутиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотиши мафкурадан халос бўлишнинг юқорида келтирилган услубий нуқсонларидир. Бундай йўқотиш ҳамиша зиддиятларга, фикрлар тўқнашуви, аксарият ҳолларда фуқаровий тинчлик, миллий тотувлик, конфессионал хайрихоҳлик ва дин эркинлингининг бузилишига олиб келадиган стихияли ижтимоий ҳаракатлар билан тугайди. Бу каби зиддиятларга, энг аввало, ёшлар гирифтор бўлади. Агар диний мутаассиблик ва фундаментализм ёшларни ўз сиртмоғига олишга муваффақ бўлса, кўпинча иш қуролли тўқнашувларга, фуқаролар уруши ёки миллатлараро урушга олиб келади. Фарғона ва Ўш воқеалари, Паркентдаги чиқишлар, ваҳобийлар найранги туфайли юзага келган Наманагандаги жиноий ҳаракатлар, Боткентда рўй берган воқеалар, Андижондаги акромийлар ҳаракати ҳақида унутмаслигимиз керак. Диний ташкилотларнинг кўпгина раҳбарлари ўз воизлик фаолиятида зийраклик, оқиллик қилганликлари, басолиҳ иш тутганликлари Ўзбекистонда миллий сиёсатини амалга оширишдаги катта ютуқ бўлди. Бу ҳол барча миллий кучларнинг

[1] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг тамойиллари / Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 41-бет.

жипслашувига кўмаклашиб, жамиятнинг конфессиал мансублик, миллий мансублик бўйича ҳам бўлиниб кетишига йўл қўймади. Президентимиз И.А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари айни ҳақиқатдир: “Бу ерда фақат мутаассиблар яшайди ва ислом динининг ўзи мутаассибликдан иборат, деган ақидага асосланиш аввал бошданоқ ғирт ёлғондир”[1].

Давлат раҳбарининг бу фикри “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази томонидан 2008 йилда ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг руҳонийларга бўлган муносабатида ўз исботини топди. Сўровда иштирок этганларнинг 41,2% (2003 йилда бу рақам 39%ни, 2004 йилда 36%, 2007 йилда 37,6%ни ташкил этган) маҳалла мачити хизматчиларига бўлган ижобий муносабатини билдирган. Айни чоғда, ўзининг ижобий муносабатидан ташқари барча соҳаларда уларнинг фикрига таяниб иш кўраман деганларнинг ҳам сони 2007 йилдаги 21% дан 2008 йилда 28% гача ошган[2]. Бундай юқори даражадаги ишончни Исломнинг анъанавий роли ва таъсири билан изоҳлаш мумкин. Қолаверса, бу рақамлар мусулмон ва бошқа конфессионал бирлашма раҳбарлари аҳолининг ишончини қозонаётганидан далолат беради.

Қуйида келтириладиган тарихий далилларга муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас: XX асрнинг бошида Бухорода 336 та мадраса бўлиб, шаҳар аҳолисининг 150 минг нафарига 40 минг нафар дин хизматчиси тўғри келган, бу бошқача қилиб айтганда, амирликдаги руҳонийларнинг деярли 50 фоизини ташкил этган[3]. Фарғона водийсида эса катта ёшдаги аҳолининг ҳар 70-50 нафарига бир нафар руҳоний тўғри келган. Фақатгина Андижон шаҳрининг ўзида 387та мадраса фаолият кўрсатган[4].

Ўлканинг маъмурий марказига айланган Тошкент шаҳрида руҳонийларнинг катта қисми жамланган эди. Хусусан, шаҳарда 1911 йилда жами 345та масжид бўлган[5].

Бунинг тарихий таъсири ҳозиргача ҳам сезилади. Масалан, мустақилликнинг дастлабки йиллари айрим расмий шахслар ўз хатти-ҳаракатларини савобли деб ўйлаб, масжидлар қурилишига ҳаддан ортиқ берилиб кетишган эди. Шу муносабат билан Президентимиз вилоятлардан бирида сўзлаган нутқларида киноя билан шундай таъкидлаган эдилар: “Шаккоклик деб ўйламанг-у, баъзан иккиланиб қоласан киши: улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, ҳазрати Навоий, Ҳусайн Бойқаро наҳотки бизнинг ҳокимларимиздан “номусулмонроқ” бўлганлар? Масжиду ва мадраса ўз йўлига. Ахир улар салтанат ҳазинасидан ажратилган маблағу табиат ато этган куч ғайратлари,

---

[1] Каримов И.А. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашишга тайёрман / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон,1996. – 227-228-бетлар.

[2] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.

[3] Журнал «Общественные науки в Узбекистане». – 1991. – №8. – С.21.

[4] Журнал «Коммунист Узбекистана». – 1990. – №10. – С.27.

[5] Тошкент: Энциклопедия. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – 320-бет.

ақл-заковатларини йўллар, работлар, кутубхонаю, муолажахоналар борингки расадхоналар тиклашга сарфлаганлармми!

Халқнинг кундалик хайри корига ярайдиган юмушларга қўл уриш қачондан бери савоб бўлмай қолди? Ҳокимларимизга элнинг дуосидан кўра, шуҳрат, сохта обрў кўпроқ керак шекилли. Бундай хотамтойларга, аччиқ бўлса ҳам айтамиз: ҳокимлигингизни қилинг ёки салла ўраб, масжидга имом бўлинг", деб айтган эди И.А. Каримов[1]. Маълумки, дин таъсиридан чиқариш жараёнларига урбанизациянинг таъсири каттадир. Аҳолининг кўпчилигини турли миллат вакиллари ва ярим конфессионал шахслардан ташкил этган ва традиционализм шакллари қарор топмаган шаҳарларнинг кенгайиши, саноат ишлаб чиқаришининг кенг тарқалиши, саноат марказларининг юзага келиши одамларнинг динга бўлган муносабатига жиддий таъсир кўрсатди. Айни чоғда, ўтказилган сўров натижалари қишлоқ аҳолисига нисбатан шаҳар аҳолисида ислом нормаларини билиш даражаси каттароқ эканлигини кўрсатди. Шаҳар аҳолисида 16,8%, қишлоқ аҳолисида 15,8%. (2007 йилда бу кўрсаткич 24,0%га 14,9%ни ташкил этган)[2].

Диний ташкилотлар ва улар вакилларининг, айниқса Мусулмонлар диний бошқармасининг ижтимоий фаоллигига нисбатан ишонч масаласида жуда хилма-хил фикрлар билдирилган. Масалан, сўровга тутилган респондентларнинг 43,4% Мусулмонлар диний бошқармаси фаолиятини асосан диндорларнинг диний эҳтиёжларини қондиришга қаратиши лозим деб ҳисоблайди. 2007 йилда бу кўрсаткич 35%ни, 2006 йилда 36%ни, 2005 йилда 38%ни ташкил этган. Шу билан бирга респондентларнинг 43,7% (2007 йилда бу рақам 41,4%, 2006 йида 39%ни, 2005 йилда 31%ни ташкил этган)[3] Мусулмонлар диний бошқармаси ва рўйхатдан ўтган мачитлар ўз фаолиятини жамиятнинг маънавий аҳлоқий асосларини мустаҳкамлашга йўналтириш зарур деб ҳисоблайди. Келтирилган сўров натижалари жамиятда Мусулмонлар диний бошқармасининг ролини қатъий чеклаш ҳақида жамиятда тушуниш ошиб бораётганидан далолат беради. Бундан ташқари 2006 йилдан бошлаб шу кунга қадар респондентлар томонидан Мусулмонлар диний бошқармасининг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти ва давлатни мустаҳкамлашдаги иштирок этиш имконияти мавжуд деб ҳисоблайдиганларнинг сони қисқариб бормоқда.(2006 йилда 20,3%, 2007 йилда 17,4%, 2008 йилда 8%)[4].

Мусулмонлар диний бошқармасига нисбатан ўз муносабатини билдиришга қийналганлар респондентларнинг 23,3 фоизини ташкил этганлиги диққатни ўзига торатади[5]. Бунда ушбу гуруҳнинг асосий қисмини шаҳар аҳолиси ташкил қилиб, улар орасида рус тилида сўзлашувчилар

---

[1] Каримов И.А. Адолат мезони бузилса / Ўзбекистон: миллий истиқлол,иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 184-бет.

[2] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: "Уровень религиозности населения" / Центр изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр".

[3] Ўша ерда.

[4] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: "Уровень религиозности населения" / Центр изучения общественного мнения "Ижтимоий фикр".

[5] Ўша ерда

кўпчиликдир. Рус тилида сўзлашувчи учун ана шундай ташкилотлар ҳақида фикр билдириш, албатта қийин ва ҳатто одобдан эмас. Умуман шаҳар аҳолисининг қишлоқ жойлардагига нисбатан дин хизматчилари фаолияти билан алоқаси йироқ, тафаккур ва психологияси "европалашган" бўлиб, икки миллатга ва турли конфессияларга мансублик муайян аҳамият касб этади.

Ушбу рақамлар замирида реал жараёнлар, муайян ҳаётий вазиятлар ётганлигини тушуниб етиш зарур. Масалан, диний амал: намоз, рўза, қурбонлик, биринчи навбатда, масжидга қатнаш қай даражада эканлигини инобатга олиш керак.

Аввалги мафкуравий монополизм шароитида дин эркинлиги эълон қилинганлигига қарамай, КПССнинг жамиятни маънавий жиҳатдан бирлаштиришга йўналтирилган сиёсати маънавий қашшоқлашиш, миллий-ахлоқий қадриятларни йўқотишга олиб келиши муқаррар эди. Фуқаролар орасида авж олган нигилизм ва ижтимоий лоқайдлик, безорилик, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва фоҳишаликнинг ўсишига олиб келди, бу эса одамлар ўртасида динсизлик уруғини сепган, динга қарши кураш, динни жамиятдан сиқиб чиқариш учун курашни рағбатлантирган сиёсатнинг бевосита оқибати эди. Бу борада яқин ўтмишимизга мурожаат қилсак. Ўтган асрнинг 80-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистонда Р. Абдуллаева мафкура ишига раҳбарлик қилишни қўлга олган даврида Наврузни диний байрам деб нишонлаш тақиқланди, дўппи кийиш, "домла" деб мурожаат қилиш, "Ассалому алайкум" деб сўрашиш таъқиб остига олинди. Қабр тошларида яримойни тасвирлаш тақиқланишига алоҳида эътибор қаратилди. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, бу вақтга келиб (1989 йил) Наманган вилоятида атиги учта, Андижон вилоятида тўртта, Фарғона вилоятида тўртта, Хоразм вилоятида иккита, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятларида биттадан масжид расман фаолият кўрсатар эди. Бутун куч-ғайрат одамларни маънавиятдан маҳрум қилишга, диннинг ахлоқий ролини йўққа чиқаришга қаратилган эди[1]. Диний фаолият учун мўлжалланган бинолар омборхона ва базаларга айлантирилди, клублар спорт заллари сифатида реконструкция қилинди. Бундай муҳитда тарбияланган ёшлар динга нисбатан афюнга қарагандек муносабатда бўлдилар, диннинг ижтимоий ва маънавий аҳамияти, маънавий қадриятларни тушуниш ва билишни тақозо этувчи ролини кўра билмадилар, англаб етмадилар.

"Биз ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳамма нарсани вайрон қиладиган ва нодон даҳрийлик муҳитида дин қадриятларини билмай тарбияланганмиз"[2], деб таъкидлайди Президент И.А. Каримов.

Ўзбек миллати вакилларининг жуда кўп қатламларига Аҳмад Яссавий, Ғиждувоний, Нақшбанд ҳамда халқ маънавияти ва ахлоқини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бошқа дин маърифатпарварларининг номлари номаълум бўлиб қолган.

---

[1] Қаралсин: Бегматов А. С чем у нас боролись // Наука и религия. – 1992. – №4. – С.11.

[2] Каримов И.А. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашишга тайёрман. "Труд" газетаси саволларига жавоблар (1993 йил, 26 май) / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 236-237-бетлар.

Ҳозир вазият ўзгарди. Халқ тарихи, ҳақиқат тикланмоқда, аввалги нодир ёдгорликлар таъмирланмоқда, таникли бобокалонларимизнинг, шу жумладан Ислом мутафаккирларининг шарафли номлари қайта тикланмоқда. Бу жамоатчиликнинг дин тўғрисидаги тасаввурининг ўзгаришига олиб келди, ҳатто динга ишонмайдиганларнинг ҳам мусулмон урф-одатлари, анъаналарига бўлган муносабати ўзгарди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилган ташкилий ва маърифий моҳиятга эга бўлган хатти-ҳаракатлар туфайли сўнгги вақтда диндорларнинг сиёсий фаолияти пасая бошлаган бўлса-да, фундаментализмнинг хавфини камайтириб кўрсатишга асос йўқ. Ёшларнинг муайян қисми диндорлар амалга ошираётган сиёсий ҳаракатларга нисбатан бирмунча инфантинлиги одамни ҳушёрликка чақиради.

Исломнинг ўз фаолиятини фундаментализмга қаратган арбоблари ҳозирги вақтда стратегия ва тактикаларини анчагина янгилашган, улар сиёсий интилишларини очиқдан очиқ баён қилмасликни, узоқ истиқболга мўлжалланган мақсадларини ошкор этмасликни мақбул кўрадиган бўлиб қолишган. Улар ҳақида фақатгина Тожикистон диндорларига қиёслаш орқали фикр юритиш мумкин, маълумки Тожикистон диндорларининг асосий вакиллари қуролланган муҳолифат тарафида бўлиб, фуқаролар урушида иштирок этишган.

Умуман таъкидлаш лозимки, мусулмон фундаментализми глобал даражада ҳам, минтақавий даражада ҳам мураккаб ва зиддиятли ҳодисадир. У бир томондан, ваҳобийлар йўналишидаги арбоблар тимсолида диний хатти-ҳаракатларнинг софлиги ва сиполиги тарафдори, масалан, диний хизматлар учун ҳақ олинишига, маросимлар кимўзар ва дабдабабозлик руҳида ўтказилишига қарши, ёшларни атрофдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишга, меҳнатсеварликка даъват қилади, уларга адолатли ва мурувватли муносабатларни ўргатади. Бошқа томондан эса, Исломнинг ўрта асрлардаги қиёфасини тиклаш ва сақлаб қолишга интилади, Эрондан намуна олиб, диндорлар ва биринчи навбатда ёшларнинг европача кийинишига, жиҳозлардан фойдаланишига, дунёвий турмуш тарзи кенг ёйилишига, хотин-қизлар эркин бўлишига нисбатан салбий муносабат билдирадилар. Турмуш тарзи, анъана ва расм-русумлар айниқса кучли ва мустаҳкам бўлган Наманган, Фарғона вилоятларининг кўпгина қишлоқларида диндорларнинг, бундай маросимлар тарафдори бўлган кишилар доимо одамларга таъсир кўрсатишдаги ўз нуфузини, ахлоқни мустаҳкамлашда, одамлар ўртасидаги муомала маданиятида, бўш вақтни ўтказиш ва бошқа шу кабиларда диний расм-русумлар аҳамиятининг устунлигини таъкидлайдилар.

Албатта, бу ишларнинг барчаси Конституция ва қонунларга риоя этиш доирасида қилинаётир. Аммо бундай арбоблар ҳозирги кунда экаётган мафкуравий уруғлар келгусида қандай ҳосил беришини кўра билмаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳақда қуйидагилар бўйича хулоса чиқариш мумкин. Ўтказилган сўров натижалари "Ўрта Осиё ва Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликка қандай муаммолар хавф туғдириши мумкин?" деган саволга респондентлар аввалги сўров натижалари

каби диний экстремизм ва терроризмни долзарб масала сифатида кўрсатганлар. Бундай фикрни иштирок ўтганларнинг ҳар иккинчиси эътироф этган (47,3%). Аҳамияти нуқтаи назаридан бу респондентлар томонидан экологик муаммолардан сўнг иккинчи ўринга кўрсатилагн хавф туғдирувчи муаммодир. Минтақалар бўйича қарайдиган бўлсак, диний экстремизм ва терроризм борасидаги хавф-хатарнинг юқори кўрсаткичи Наманган вилоятидадир. Сўровда иштирок этганларнинг 80,7% (2007 йилда бу рақам 70,2%ни ташкил этган), Бухоро вилоятида 67,2%, Тошкент вилоятида 64,1%, Тошкент шаҳрида 60,2% бу хавфни жиддий ва долзарб масалалар қаторига қўшган. Сўровда иштирок этганларнинг 74,7% (2007 йилда 72%) “Хизбут-тахрир”, “Акромийлар”, “Вахобийлар” нинг яширинча ҳаракатлари бўйича у ёки бу даражада маълумотга эга. Респондентларнинг абсолют кўпчилиги 98%. (2007 йилда 97,4%) бу экстремистик ҳаракатларга нисбатан ўзининг танқидий муносабатларини билдирган. Респондентларнинг 64,5% бу ҳаракатларга нисбатан ўзининг кескин салбий муносабатини билдирган. Сўровда иштирок этганларнинг фақатгина 0,2% қайд этилган ҳаракатларга ижобий муносабатда эканлигини билдирган. Респондентларнинг бу масала бўйича танқидий муносабати қуйидаги сабаблар туфайли шаклланган. Сўровда иштирок этганларнинг 56,7% бу ҳаракат иштирокчиларини “ёшларимизнинг онгини заҳарлашга интилаётган Ўзбекистоннинг душманлари деб баҳолайди”. (2007 йилда бу рақам 53,2%, 2006 йилда 53% бўлган). 49,1% сўров иштирокчилари уларни Исломнинг ҳақиқий қадриятларини билмайдиган диний экстремистлар деб баҳолайди. (2007 йилда 40%, 2006 йилда 42%). 44% респондентлар уларни ўз халқига қарши қурол олиб курашаётган босқинчилар деб баҳолаган. (2007 йилда 40%, 2006 йилда деярли 36%). Сўров иштирокчиларининг 35,3% уларни Исломни бир ёқлама қабул қиладиган, фақат ўзларини ҳақиқий мусулмон деб эълон қилган ўта кетган мутаассиблар деб ҳисолайди. 25,6% респондентлар уларни диний кайфиятлардан фойдаланиб, ислом шиорлари остида аҳолини тўғри йўлдан қайирмоқчи бўлагн “қора кучлар” деб ҳисоблайди. 14,4% экстремистик ҳаракатга қўшилиб қолганларни алданганлар ва иродасиз одамлар деб баҳолайди. (дать сноску)

Айни чоғда, сўров иштирокчиларининг 0,5% уларни исломнинг ҳимоячилари ва ҳақиқий мусулмонлар деб ҳисоблайди[1].

Бу кўрсаткичдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, фундаментализм ўз хатти-ҳаракатларини фаоллаштиришга уринган тақдирда, афсуски, мамлакатимиз аҳолиси орасидан ўз тарафдорларини топиш эҳтимоли мавжуд. Бунда, таъкидлаш кераккы, ижтимоий-маънавий ва маданий жиҳатдан шаклланиб улгурмаган,ғўр ёшлар ҳар қандай “янги”, айниқса “исёнкор” ғояларга мойил бўладилар. Ва бугун қатъий жавоб беришга қийналганлар эртага қандай оқибатлар келиб чиқишини ўйлаб ҳам ўтирмай ўз онгига дунёвий демократия қадриятлари, Ўзбекистон танлаган мустақил

[1] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.

йўлнинг тўғрилигига аста-секин шубҳа уруғини қадаганлар томонига ўтиб кетиши мумкин. Бу борада Президент И.А. Каримов “... ислом динини ниқоб қилиб, манфур ишларни амалга ошираётган мутаассиб кучлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, бош-кўзини айлантириб, улардан ўзининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланмоқда”, деб таъкидлаган эди[1].

Респондентларнинг 71,3% Ўзбекистонда терактлар ташкил этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кучлар ҳеч қачон ўз мақсадига ўришолмайди деб қайд қилган (2007 йилда бу кўрсаткич 67,3% ташкил этган эди.) Улар ўз фикрларини қуйидаги лар билан асослайдиларю 30,7% “Ўзбекистонни ўзи танлаган йўлдан ҳеч қандай кучлар қайтара олмайди” деб ҳисоблайди (2007 йилда 30,2%). “Ўзбекистон ҳалқи ҳеч қачон ҳеч кимдан тобе бўлмайди деб 23,8% ҳисоблайди. “Терактлар Ўзбекистон халқи томонидан кескин қораланади” деб 18,9% ҳисоблайди. 18,3% респондентлар “Ўзбекистон халқи диний экстремистларни ҳеч қачон қўллаб-қувватламаган” деб қайд этган. Сўровда иштирок этганларнинг 7,1% “диний экстремистларнинг барчаси ғарбдаги ҳомийларининг қўлида ўйинчоқ” деб баҳолайди[2].

Айни чоғда, сўровда иштирок этганлар, ёшларни диний экстремистик гуруҳларга қўшилиб қолишининг сабабларини ҳам кўрсатганлар. Хусусан, респондентларнинг 11,8% “ёшлар пул ишлаш мақсадида террористик гуруҳларга қўшилиб қолмоқда” деб ҳисоблайдилар. (2007 йилда 17,2%, в 2006 йилда 25%). 22,8% бундай ёшларни алданиб қолганлар ёки исломнинг қонун-қоидаларини нотўғри тушуниш натижасида бундай гуруҳларга қўшилиб қолганлар деб ҳисоблайди.(2007 йилда 20,6%). Сўровда иштирок этганларнинг 6,9% конфессинал соҳадаги билимларнинг етишмаслиги натижасида ёшларнинг бундай ҳаракатларнинг аъзоси бўлишини кўрсатганлар. (2007 йилда 5,6%), 11,6% (2007 йилда 5,4%) бунинг сабабларини оиладаги тарбиянинг етишмаслиги натижасида деб ҳисоблайдилар[3].

Сўров иштирокчиларининг фикрича, ёвуз кучларнинг ёшларнинг онгига бўлган таъсиридан ҳимоя қилмоқ учун, аввало оиладаги маънавий-аҳлоқий тарбияни яхшилаш зарур. 69,7% респондентлар шундай ҳисоблайди. 37% маҳаллардаги тарбиявий ишнинг самарасини ошириш лозимлигини қайд этган. 34,3% ёшларнинг маданий дам олиши учун зарур шароитлар яратилишини кўрсатганлар. 27,8% респондентлар ўқув юртларида маънавий-аҳлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш лозим деб ҳисоблайди[4].

Айни чоғда ўтказилган тадқиқотлар, дин арбобларининг тарбия жараёнида фаол иштирок этиши лозимлигини ҳам кўрсатмоқда. Улар Ислом принципларига риоя этиб, жамиятни соғломлаштириш, халқни маънавий қайта тиклаш, миллатни ахлоқий жиҳатдан такомиллаштириш, одамларда

---

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 37-бет.
[2] Информационно-аналитический доклад по результатам социологического исследования: “Уровень религиозности населения” / Центр изучения общественного мнения “Ижтимоий фикр”.
[3] Ўша ерда.
[4] Ўша ерда.

ахлоқий асосларни, миллий ва умумбашарий қадриятларни мустаҳкамлашга кўмаклашиш орқали мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ишида самарали меҳнат қилишлари керак. Бундай мавқе мустақил Ўзбекистоннинг динга нисбатан сиёсатида тўла-тўкис қўллаб-қувватланмоқда. Диний мураббийлик туб аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг кўз ўнгида катта нуфузга эга, бинобарин кўплаб дин арбоблари шўро даврида таъқиб остида бўлганлар. Улар нафақат эътиқод тарафдори, балки миллий маънавият, ахлоқ, маориф тарафдори бўлганликлари учун ҳам жабрланган ҳисобланадилар. Шунинг учун диндорлар билан мулоқот – халқнинг, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг ахлоқий, ватанпарварлик, маданий, меҳнат ва фуқаролик салоҳиятини юксалтиришнинг зарурий шартидир. Бинобарин, жамият маънавий-диний асосларини, халқ ахлоқи қарор топишининг минг йиллик тажрибасини ўзида мужассамлаштирган Ислом маданиятини тиклаш ўзини англаш, тарихий хотирани тиклаш, мамлакатимиз маданий-тарихий бирлиги йўлидаги муҳим қадамдир.

Бироқ, бу Ислом мафкура сифатида шак-шубҳасиз нуфузга эга бўлади ва расмий мафкура ролини бажаришга, халқ онгига монопол тартибда сингиши ва сиёсий тузилмаларда алоҳида ҳолатга, давлат дини мақомига даъвогар бўлиши мумкин, деган маънони англатмайди. Ўзбекистон Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси мақомига даъвогарлик қила олмаслиги ва мамлакатимизда ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг серқирралиги асосида ривожланиши аниқ ва қатъий белгилаб қўйилган. Демак, ўзбек жамиятига татбиқан бу мафкурадан холи қилиш, ғоя монополизмига барҳам бериш маъносида тушунилади.

Ҳозир Ўзбекистонда 16 рўйхатдан ўтган конфессиялар ичида учта йириги амал қилмоқда, булар: мусулмон, православ-христиан ва яҳудийлар конфессияси. Христиан-бабтистлар, ҳиндулар, буддистлар бирлашмалари анча кам сонли, улар аксариятини маҳаллий аҳоли ташкил этади, қишлоқ жойларида улар деярли йўқ. Қишлоқларда Ислом мутлақ етакчилик қилади. Айни бир вақтда конфессияларнинг турмуш тарзи бутун комплексига таъсири нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, улар: миллий-анъанавий ва ҳозирги замон урбаник (жамият ҳаётида шаҳарлар ролининг ошиб бориши) шаклидаги иккита асосий турни ташкил этади.

Собиқ Иттифоқ мафкурачилари “маънавий кўп укладлилик” омилидан нисбатан анча енгил қутилганлар. Бу омилни тўғридан тўғри йўқ қилиб ташлаб, сақланиб қолган элементларини эса гўёки пайқамаганлар. Барча даражаларда “халқ онги”нинг ўртача тури ҳақида гап борган, унда миллий ўзига хослик энг кам даражага олиб келинган, диний хосликлар эса тўғридан тўғри абструкцияга дучор қилинган. Дин моҳиятан олганда ҳуқуқий кафолатлар доирасидан ташқарида бўлган, ибодат ярим яширин тусга эга бўлган, бироқ дин ўз жозибадорлиги ва ижтимоий вазнини мутлақо йўқотмаганлигини вақт кўрсатди.

Жаҳон тажрибасининг далолат беришича, ҳеч қайси бир дин халқ турмуш тарзидан, маъданиятидан ажралган ҳолда амал қилолмайди. Шунинг учун ҳар қандай дин доктриал бирликка эга бўлиб, минтақавий-миллий шарт-шароитлар бўйича фарқланадиган маросимларнинг жуда кўп аломатларига эга.

Шунинг учун маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида динни қувғин қилиш миллий-маданий анъаналарга қарши курашиш билан бирга олиб борилган. Бундай анъаналарнинг кўпи архаик, зарарли, реакцион деб эълон қилинган. Бу хусусда Қ. Хоназаров қуйидагича фикрда: миллатларнинг ўзини ўрганиши, ўз онги ва ўзини ўзи англаши коммунистик партияга ёқмас эди. Шўро жамиятининг раҳбар кучи миллатларнинг фарқи ўрганилар экан, уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатларга эга эканлиги тўғрисида гапирмасликни талаб қилар эди ва аксинча, миллатларни ягона омма сифатида, бирлаштириш ва бириктиришни жадаллаштирувчи омилларни қидириб топишни рағбатлантирар эди[1].

Собиқ Иттифоқда мусулмон аҳоли кўпчиликни ташкил қилган. Хўш шундай бўлгач, бордию жадаллаштирувчи омил дин бўлиб чиқса-чи? Дарҳол ижтимоий онгнинг ўз умрини ўтаб бўлаётган диний шакли синфий манфаатларга зид эканлиги кўндаланг қилинган.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси ҳар бир фуқарога динга эътиқод қилиш ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини беради. Бироқ, бу ҳол мафкура билан туб илдизлари Исломга бориб тақаладиган миллий ҳаёт тарзининг қадриятлари ўртасидаги муносабатларда бирор-бир муаммо келтириб чиқармади. Ҳаётнинг ўзи қуйидаги келтириладиган саволларга профессионал ва сиёсий жиҳатдан теран жавоб беришни талаб қилади: Ислом ўзбек маданиятининг бир қисмими? Агар “ҳа” деган жавоб бериладиган бўлса, мантиқан яна қуйидаги савол юзага келади: Ислом миллий маданият одамлар оммасида мужассам бўлишига қандай таъсир кўрсатади, унинг қайси аломатларида кўпроқ ижтимоий аҳамият касб этади ва бу дин шахс учун, миллатнинг муайян вакили учун мақбулми?

Ушбу саволларга тарихга мурожаат қилмасдан, мамлакат мустақиллигининг дастлабки босқичида динни сезиларли чайқалишга олиб келган ижтимоий омилларни ҳисобга олмасдан туриб, уни миллий турмушнинг турли соҳалари ва онгга сингиши механизмларини тушунмасдан туриб, жавоб қайтаришга уриниш бесамарадир. Ва аксинча, агар тарихга бирозгина мурожаат қилинса ҳам, Ислом – жаҳон даражасидаги миллий ҳодиса, умумбашарий цивилизация, унинг ривожланиши натижаси ва рағбатлантириш омили эканлиги аён бўлади. Ҳозирги замонда мусулмон оламининг омили ҳақида гапирилаётганлиги бежиз эмас.

Анъанавий равишда Ислом дини тарқалган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон халқларининг ҳаётида унинг роли жуда улкан бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Бунга сабаб, биринчи навбатда Ислом яширин равишда қудратли жипслаштирувчи имкониятларга эга эканлиги ва бу имкониятлар

---

[1] Хоназаров Қ.Х. Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар. – Т.: Фан, 1994. – 126-бет.

эътиқоднинг умумий принциплар, итоат қилишнинг оммавий бўлишини талаб қилувчи умумий расм-русумларда амалга оширилишидир. Бу ҳол ўзбекларнинг психологияси, жамоа бўлиб яшаш характери, халқ руҳига чуқур сингиб кетганлиги Исломни ўзбек маънавий маданиятининг ўзаги бўлмаса ҳам, катта қисмидир деб ҳисоблаш имконини беради. Айни мана шу қисм халқнинг юксак ахлоқий турмуш тарзини, сабр-тоқат, меҳр-мурувват, меҳнатсеварлик каби ажойиб ахлоқий сифатларини таъминлайди. Ва бу хусусиятлар бутун ўзбек маданиятининг, айниқса хулқ-атвор ва муомала маданиятини ўзига хос хусусиятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Бу маданиятнинг ҳозирги замондаги ғоявий асоси партиявийлик ва синфийлик эмас, балки миллий қадриятларни ва умумбашарий принципларни ифода этишнинг очиқлиги ва ўзига хослигидир. Ҳозирги кунда маданият аниқ мақсадга қаратилган давлат сиёсатининг кўмагида, ижтимоий-маънавий маконнинг кенгайиши ва ошкоралиги, унинг вазифалари йўналишларининг кўп вариантлилиги туфайли ривожланмоқда. Ёшларни миллий-маънавий қадриятлар билан таништириш ва улар ўртасида бу қадриятларни тарғибот қилиш ҳамда йигит-қизларнинг эстетик эҳтиёжларини қондириш маданият олдида турган асосий мақсадлардан биридир. Бу ўринда ахборот-билиш ва тамоша-кўнгилочар шакллар жуда муҳимдир. Айни уларнинг оқилона уйғунлаштирилиши, бир томондан, моддий қийинчиликларни бартараф этиш ва бошқа томондан, ҳозирча жаҳон мезонлари даражасига кўтарилмаган муомала, ҳулқ-атвор, бўш вақтни мазмунли ўтказиш каби маданиятни юксалтириш имконини таъминлайди. Нодавлат маданий ва маърифий муассасаларни, шу жумладан, диний муассасаларни кенг ривожлантириш бу борадаги катта резерв ҳисобланади.

Бундай нодавлат муассасаларининг пайдо бўлиши давлатнинг маданият соҳасидаги дастурлари ўз умрини ўтаб бормоқда, давлат маданиятга, унинг ривожланишига, одамларнинг кундалик ҳаётига кириб боришига раҳбарлик қилишдан ўзини четга олмоқда деган маънони англатмайди. Бизнес ва тижорат – қўшимча имкониятлар, янги резервлар ва манбалардир, бинобарин энг бадавлат мамлакатларда ҳам субсидия бўлмаса, маданият фаолият кўрсатолмайди.

Давлат суверенитетининг муҳим соҳаси сифатида маданият, одамларни ижтимоийлаштириш функцияларини ўз қўлидан чиқариб юбориши мумкин эмас. Бу ўринда давлат ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва рағбатлантирувчиси сифатида фаолият кўрсатмоқда. Давлат бундай сиёсат устуворликларини “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйган, мамлакат Конституциясида суиистеъмолликлардан ҳимоя қилишнинг аниқ кафолатлари белгилаб берилган. “Таълим тўғрисида”ги Қонунда ёшлар маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш йўллари баён этилган.

Жамиятнинг тарбияга қаратилган саъй-ҳаракатларида дунёвий ва диний асослар, ташкилотлар ва арбоблар бирлаштирилиши керак. Ғоявий плюрализм, ҳақиқатга бўлган монопол ҳуқуқнинг йўқлиги туфайли келиб чиқадиган маънавий консенсус одамларни у ёки бу ижтимоий манбадан

четлаштириш эмас, балки уларни миллий ва жаҳон маданияти хазиналаридан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар билан таъминлашни англатади.

Бундай консенсуснинг самарадорлиги мустақил Ўзбекистонда янги қадриятларга асосланувчи, янги услубларни кашф этувчи, Ватанимиз суверенитетига муносиб шаклланиб келаётган янги тарбия тизимининг изчиллиги ва очиқлигига мутаносибдир.

Ҳозирги маънавий юксалиш шароитларида одамлар оммасини, айниқса ёшларни ижтимоийлаштиришдан иборат бўлган, жумладан таълим, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, маданиятга, хусусан маънавий-диний маданиятга доир ахборот масалаларига катта эътибор қаратиш лозим бўлади. Мамлакат қонунлари доирасидан ташқарига чиқмайдиган прогрессив мусулмон руҳонийларининг фаолиятини ҳам ўз ичига оладиган ушбу тизим одамларнинг ижтимоий-иқтисодий хулқ-атворига, сиёсий ғоялари ва интилишларига, элатлараро, ижтимоий гуруҳлар, турли ёшдагилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳолатига таъсир кўрсатишга, шахс идентификациясининг оқилона принципларига, қадрият устуворликларига ва ижтимоий йўналишлар шкаласини, кўтаришга хисса қўшиб миллий анъаналарда ўз аксини топган. Шунингдек, эзгу фазилатлар қаторида сабр-тоқат ва маънавиятни, инсонга муҳаббатни, покланишни, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай миллат вакили учун шарт бўлган хулқ-атвор принципларини тарғиб қилувчи Ислом дини туфайли сақлаб қолинган инсоний ўзликни шакллантиришга қаратилгандир.

## Хулоса

Маданий-маънавий соҳада миллий сиёсатни амалга оширилишини атрофлича ва чуқур таҳлил этиш ўзбек халқининг маданияти, унинг Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган бошқа миллат ва элатлар маданияти билан муносабатларни сақлаб қолиш, ривожлантириш ва такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, бундай сиёсатни оқилона юритмаслик давлатнинг маънавий-маданий соҳага аралашувида субъективизм ва волюнтаризм ҳолатларини келтириб чиқариши, маънавий янгиланиш жараёнларини умуминсоний тараққиёт тамойилларига зид йўлга бошлаши ҳамда охир-оқибатда, мамлакатнинг буюк келажагига раҳна солиши эҳтимолдан холи эмас.

Ана шундай сиёсатнинг амал қилишини таҳлил этишда маданий-маънавий соҳанинг чегаралари ва таркибий қисмларини ажратиб ўрганиш, бу соҳани янгилаш борасида давлат фаолиятининг асосий йўналишлари ва таянч нуқталарини аниқлаш, вужудга келаётган янги ғоявий-маънавий ва ижтимоий-маънавий қадриятларнинг манбаини белгилаб олиш, субъектив омил фаоллигини ошириш заруратини асослашга хизмат қиладиган тизимий-тузилмавий ёндашувгина методологик асос вазифасини ўташи мумкин.

Бу ўринда маънавий-маданий қадриятларнинг ўзига хослиги, уларнинг умуминсоний устуворликлар билан ўзаро муносабатлари муаммосининг илмий жиҳатдан таҳлил этилиши ғоят муҳим аҳамият касб этади. Мазкур масала хусусида ҳозиргача кўплаб баҳс-мунозара юритилаётган, бу борада турли фикр-мулоҳазалар илгари сурилаётган бўлса-да, унинг ечими бўйича асосан учта нуқтаи назарни эътироф этиш мумкин. **Биринчи** нуқтаи назар маданият ривожида изолюционизм тамойилини мустаҳкамлашга бўлган интилишларда намоён бўлади. Бу ёндашув вакилларининг фикрича, фақат ўз тарихий илдизларига таянган, ёпиқ тизимдан иборат, ўзга маданият янгиликлари ва қадриятларини сингдириш ҳамда ўзаро маданий алоқаларга чек қўядиган миллий маданиятгина ўзига хос бўлиши мумкин. Бу ёндашув вакиллари мазкур нуқтаи назарни асослаш учун кўпинча бир неча асрлар, ҳатто минглаб йиллар мобайнида ўзгалардан девор ортида яшириниб ўз маданиятининг азалий анъаналарини сақлаб қолишга эришган Хитойнинг маънавий-ахлоқий ривожланиш тажрибасига мурожаат этади.

Асосан марксизм томонидан илгари сурилган **иккинчи** ёндашувнинг мазмун-моҳияти ҳар қандай халқлар маданиятларининг турли-туман, кўп томонлама алоқаларини эътироф этилишида намоён бўлади. Бу ёндашув нуқтаи назаридан “Хитой девори” – том маънода хом ҳаёлликдир. Зеро, воқеликда бошқалардан буткул ажратиб қўйилган, ихоталанган давлат йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар бир халқ ўзининг яқин ва узоқ қўшнилари билан муносабат ўрнатади. Масалан, хатто Хитойнинг ҳам Буюк Ипак йўлидаги иштирокини ҳеч ким инкор эта олмайди. Муайян, масалан, савдо-сотиқ соҳасидаги алоқалар эса тил воситасида бошқа миллатлар вакиллари билан мулоқот юритиш, уларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни, бу эса ўз навбатида ўзга миллат ва элат вакилларининг ахлоқий

тамойиллари, эстетик идеаллари, яъни уларнинг маънавий қадриятлари билан яқиндан танишишни тақозо этади. Мазкур ёндашув вакилларининг таъкидлашича, бундай танишув ва мулоқот воситасида ўзгалар миллий тажрибасининг ўзлаштирилиши миллатлараро ёки давлатлараро мулоқот иштирокчилари ҳар бирининг маданияти ва қадриятларининг бойишига хизмат қилади.

**Учинчи** ёндашув иккинчисидан милатлараро мулоқотнинг шакл ва усуллари билан фарқланади. Мазкур ёндашув вакилларининг фикрича, масаланинг моҳияти бир маданиятнинг юксак тараққий этгани, қадимийлиги, тарихий арбобларнинг кўплиги билан эмас, аввало, унинг ўзгалиги, ўзига хослиги, муайян маданиятдан фарқ қилиши билан белгиланади. Унинг қадриятлар тизими ҳам, кўрсаткичлар мезонлари ҳам, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва хунукликни баҳолаш шакллари ҳам ўзига хосдир. Бу ўринда миллийлик – умуминсонийликнинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади. Зеро, миллийликдан ташқари, ундан юксакроқ бўлган умуминсонийлик бўлиши мумкин эмас. Масалан, французлар, инглизлар, японлар, ўзбеклар, грузинлар ва бошқа миллатларнинг миллий маданиятисиз жаҳон маданиятини тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода, ўз халқи учун буюк келажакни барпо этишни кўзлаган давлат маданий соҳада ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган сиёсат, бир томондан, халқнинг ўзига хослигини сақлаб қолиши, иккинчи томондан, унинг қадриятларининг умуминсоний маданият билан уйғунлашувини таъминламоғи даркор. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон миллий маданий сиёсатининг устувор тамойили сифатида танлаб олинган. Президент И.А. Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, “... биз давлатимиз келажагини ўз қобиғимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этамиз. Биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб,... ўз ҳаётимизга янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз”[1].

Мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотларнинг дастлабки йилларидаёқ “Таълим тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлатнинг сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши, ижтимоий-маданий жамғармалар ҳамда “Маънавият ва маърифат” миллий маркази фаолиятининг рағбатлантирилиши ва қўллаб-қувватланиши маънавий соҳадаги миллий сиёсат устувор аҳамият касб этаётгани ва Ўзбекистон порлоқ истиқбол сари интилаётганидан далолат беради.

Бу сиёсатнинг устувор йўналишлари қуйидагиларда ўз ифодаси топган:

- Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий ҳамда маънавий соҳаларини янгилаш ва янада демократлашувини таъминлаш;

[1] Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 114-бет.

- республикада истиқомат қилаётган барча халқларнинг сиёсий ва ғоявий догматизмдан халос бўлган маънавий ва ахлоқий қадриятларини ҳар томонлама ривожлантириш;

